

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

ИЛМ ВА ТАХАЙЮЛ САРҲАДЛАРИ



УДК: 821.512.133

ББК: 63.3(5Ўз)454

С-60

Сирожиддинов Ш. Илм ва тахайюл сарҳадлари (илмий-маънавий мерос). –Т.: «Янги аср авлоди», 2011 – 132 б.

ISBN 978-9943-08-796-5

Монографияда халқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида ва тафаккурининг шаклланишида сезиларни таъсир кўрсатган мутафаккирлар ҳақида фикр юритилган.

Китобда келтирилган Мотуридий, Фаззолий, Сўфи Оллоёр каби мутафаккирлар халқимизга қайсиdir даражада таниш, маълум ва машҳур бўлса-да, аммо, муаллиф ЎзФАШИ қўллэзма фондида сақланаётган 20 дан ортиқ манба ва хорижий адабиётларга таянган ҳолда янги маълумотларни берган ва улар асосида ўз мудоҳазаларини курган. Шу билан бирга Шихобиддин Суҳравардий, Мавлоно Чустий, Шайх Аҳмад Сирҳиндий каби шу пайттacha кўпчиликка маълум бўлмаган мутафаккирлар ҳақида янги маълумотларни тақдим этганилиги китобнинг жамоатчилик учун жуда зарурлигини кўрсатади.

УДК: 821.512.133

ББК: 63.3(5Ўз)454

Тақризчилар:

Ҳамидулла БОЛТАБОЕВ.

филология фанлари доктори, профессор

Бухориддин МАМЕДОВ.

филология фанлари доктори, профессор

ISBN 978-9943-08-796-5

© Шуҳрат Сирожиддинов. «Илм ва тахайюл сарҳадлари». «Янги аср авлоди», 2011 йил.

КИРИШ

Мустақиллик халқимиз ўтмиш маънавий ҳаётининг чанг босиб ётган саҳифаларини очиш имкониятини берди. Ўтган йиллар давомида қатор алломаларимизнинг номлари билан бир бирга, серқирра илмий-маънавий месрслари ҳам юзага чиқарилди. Буюк муҳаддисларимиз, аллома фақиҳларимиз, калом илми пешволарининг беназир асарлари халқимизга тақдим этилди. Ўзбек халқи маънавияти тарихида муҳим ўрин тутган суфийлик тарижатлари ҳақидаги адабиётларнинг нашр этилиши, айниқса, кўпгина руҳий-маънавий эътиқод йўналишлари ҳақида маълум тасаввур уйғотди. Бу – ҳаётий зарурат эди. Зотан, суфиёна тафаккур ва тарбия халқимизнинг қон-қонига сингиб кетган. Коммунистик тузум мағкураси бир неча авлод ўсиши баробарида халқни диний-мазҳабий, ақидавий-фиқҳий тушунча ва тамойиллар, илмий ва амалий тасаввувф моҳиятини тушуниш ҳамда фарқлаш имкониятидан маҳрум қилди. Натижада, мустақиллик берган виждан ва эътиқод эркинлигидан, биринчи навбатда, четдаги турли баттол ва қаттол, бидъат ва залолатга ботган диний оқимлар фойдаланишга уриндилар. Ўтган йиллар давомида мамлакатимизда қадим миллий-диний қадриятларимизни тиклаш йўлида жуда катта ишлар қилинди. Халқимизнинг илмий-маънавий тафаккури юксалди, ҳақ ва ноҳақ таълимотларни фарқлашга ўтди. Соғлом эътиқод шакллана бошлади. Буюк бобокалонларимизнинг ибратли ҳаёти ва таълимотларини чуқур ўрганиб, ўз эътиқодини занг ва губордан сайқаллади. Хусусан, бугунги кунда Абу Мансур Мотуридий, Имом Бухорий, Бурҳониддин Марғиноний, Нажмиддин Кубро, Абдухо-

лиқ Фиждуоний, Аҳмад Яссавий, Баҳоуддин Нақшбанд, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳақидаги рисолалар ҳар бир хонадоннинг азиз мулкига айланди, десак муболага бўлмас.

Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу китоб ана шу йўналишдаги яна бир эзгу қадамлардан бўлиб, унда ҳалқимизнинг ижтимоий-маънавий ҳаётида ва тафаккуриининг шаклланишида сезиларди таъсир кўрсатган улуг мутафаккирлар ҳақида сўз боради.

АБУ МАНСУР МОТУРИДИЙ

Маълумки, ислом янги ҳудудларга ёйилар экан, у ёки бу тарзда янги диний эътиқодлар, янги маданиятлар, одатларга дуч келди. Мусулмонлар янги сиёсий тизимга асосланган ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлаш учун турли одатлар ва анъаналарга эга халқлар билан тил топишишга мажбур эдилар. Маданияти юксакроқ бўлган халқларнинг мулоҳазали саволларига қониқарли жавоб топиш, ўз динларининг бошқа динлардан афзаллигини муқаддас китоблар асосида мантиқий жиҳатдан исбот қилиш ҳаёт-мамот масаласига айланди. Аббосийлар халифалиги даврида турли минтақалардан чиққан уламоларнинг ҳар бири ўз минтақасида ҳукм сурған тафаккур ютуқларига суюниб ислом асосларини муҳокама қиласар, йигинларда баҳслар жиддий жанжалга айланиб кетар эди. Баҳс юритишининг ўзига хос тартиб-қоидалари бўлган. Бундай «ҳужум-ҳимоя» кўринишидаги баҳслар яҳудийлар, христианлар ва монийлар ўртасида қадимдан давом этиб келаётган мунозараларнинг энг оммавий тури эди. Айрим гуруҳлар ислом ақидаларини таҳлил қилишда шу даражада «фалсафий»лашиб кетардиларки, кўпгина ҳолатларда шариатга тўғри келмайдиган хуносалар қилганликларини ўзлари ҳам билмай қолардилар. Исломда «Калом» йўналишига асос бўлган бундай баҳсларни олиб борувчиларга нисбатан «мутакаллимин», яъни «сўзлашувчилар» атамаси қўлланила бошлади. Бир асрдан ортиқ давом этган муросасиз баҳслар, айни пайтда ислом асосларига хавф соладиган даражада кучайиб кетган «асов» мантиқий тафаккур мактаблари ғоялари ни тартибга солмоқ керак эди. Халифалик ичидаги сиё-

сий бекарорликни бартараф этиш, мусулмонларнинг турли фирмаларга бўлиниб кетишига йўл қўймаслик зарурати калом баҳсларини турли гуруҳларнинг жizzаки ва чапани олишувлари шаклидан маданий мунозарага, кўпгина ҳолларда ёзма баҳслар (рисолалар) шаклига ўтказишни, шариат манфаатига хизмат қилдиришни тақозо этди.

Калом, шу тариқа, ўз тараққиёти давомида шариат илмининг таркибий қисмига айланди. Шаръий асосдаги «Калом» йўналиши тўлиғича Ашъарий ва Мотуридийнинг таълимотларидан бошланади. Исломда уларга зид таълимотни тарғиб этган барча теологик ва фалсафи-мантиқий йўналишдаги қарашлар бидъат деб эълон қилинган. Ибн Халдуннинг «Калом бор-йўғи бидъатларга раддия сифатида пайдо бўлган. У шундай илмки, мантиқий далилларга асосланган баҳс юритиш орқали дин асосларини ҳимоя қиласди ва исломиятдан адашган бидъатчиларни қоралайди» деган таърифи каломнинг Ашъарий ва Мотуридийлардан бошланган ана шу – калом илми тараққиётининг янги босқичига тегишли эканлигини унугмаслик керак. Калом баҳсларидаги мавзулар илоҳий ва моддий борлиқ тузилиши, Аллоҳ ва У яратган олам моҳиятига тегишли бўлгандиги барчанинг дикқат-эътиборини тортарди. Мутакаллимлар борлиқ тузилишини таҳлил этиш учун турли аниқ фанлар, хусусан, физика фани истилоҳларидан фойдаландилар. Аммо уларни илоҳиётга (метафизик жараёнлар) боғлаш ва шарҳлаш осон бўлмади. Олам моддийми (жисмми?) ёки акциденциями? Шу нуқтаи назардан Аллоҳ қандай кўринишга эга? Табиат ривожланиши қандай тарзда кечади, деган саволларга жавоб бериш илмий истилоҳларни ишлатишни талаб қилди. Илмий истилоҳлар жисмларнинг таркиби, уларнинг парчаланиши ёки бирлашиш хусусиятлари сабабини билиш, Аллоҳ ва унинг яратилмалари орасидаги муносабатларни тушуниш ва шарҳлашда муҳим ўрин тутди.

Шуни эслатиб ўтиш жоизки, исломнинг илмий ва маърифий доираларида шариат ҳақидаги илм дастлабки шаклланган шаҳобча бўлса, ҳадисшунослик, тарих, адабиёт, кўп ҳолларда, шариат ва фиқҳга илова эди.¹ Уларнинг ҳаммаси Ашъарий ва Мотуридийдан сўнг «калом»да ўз ифодасини топди.

Абу Мансур ал-Мотуридий (870–944) Самарқандда туғилди ва шу ерда яшаб, фаолият кўрсатди. Буюк олим Мотурид қишлоғидан бўлиб, дастлабки таълимни шу қишлоқда олди ва кейинчалик Работи Фозиён масжиди қошидаги мадрасада таҳсилни давом эттиргди. У 944 йилда вафот этди ва қабри Самарқанд шаҳри чеккасидаги Чокардиза қабристонидадир.

Ал-Мотуридий тўрт сунний мазҳаб асосчиларининг асарларини чуқур ўрганиб, фиқҳ ва каломга оид «Таъвилот аҳл ас-сунна» (бошқа бир номи «Таъвилот ал-Куръон») асарини ёзди. У бу асарида суннийлар ақида-сига зид таъвиллар ва қарашларни рад қилишга ҳаракат қиласди ва Абу Ҳанифанинг қарашларига суянган ҳолда иш кўради. Мотуридийнинг асарлари сони ўн бештага етади. «Китаб ат-Гавҳид», «Китаб ал-мақолот», Каъбий асарларига муносабат билдирилган бир неча асарлари, «Китабу баёни ваҳмил-мўътазила» («Мўътазилийлар ваҳму гумонларининг баёни ҳақида китоб») кабилар шу жумладандир. Булардан ташкари, ал-Мотуридийнинг «Китаб ал-усул» («Диний таълимот усули китоби») асари ҳам маълум. Абу Мансур ал-Мотуридийнинг кўп асарлари бизгача етиб келмаган, етиб келганилари ҳам асосан хорижий мамлакатлар кутубхона ва қўлёзма фондларида сақланади.

Ал-Мотуридий кўп шогирдлар етиштирди, улар орасида ислом оламига машҳур Абул Ҳасан ар-Рустуғфо-

¹ Сайид Муҳаммад Ҳотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Н. Комил таржимаси. –Тошкент: 2003. 22-бет.

ний (вафоти 961 йил), Исақ ибн Мұхаммад ас-Самарқандий, Абдул Карим ал-Паздавий (вафоти 999 йил), Абу Аҳмад ал-Ийдий каби алломалар бор.

Мотуридий Ашъарий ишларидан хабарсиз бўлган. Аммо унинг қарашлари, айрим мулоҳазалардаги фарқни ҳисобга олмагандা. Ашъарийники билан бир хилдир.

Борлиқ тузилиши ҳақида Мотуридий давригача калом илмида айрим фаразлар шаклланиб бўлган эди. Улар қўйидагича:

1. VIII асрда яшаб ўтган Зирар б. Амр, Ҳафс ал-Фард ва ал-Ҳусайн ан-Нажжорлар ўргатга ташлаган фаразга биноан, жисм акциденциядан ташкил топган. Акциденция (аъроз) – ранг, таъм, иссиқлик, совуқлик, қаттиқлик ва юмшоқлик хусусиятларини ифодалайди. Улар жисмни ташкил этишда қатнашадилар. Шуниси эътиборлики, улар бўлинмас қисмлар бўлиб, ўзаро бирикмайдилар. Шундай бўлса-да, улар ёнма-ён яшайдилар ва бир-бирлари билан ўрин алмасиб турадилар. Ана шу ўрин алмасиш жараёни оқибатида жисмнинг бир шаклдан иккинчи бир шаклга ўтиши рўй беради.

2. Иккинчи мулоҳаза унга тескари бўлиб, унинг тарафдорлари ичида Ҳишом б. ал-Ҳакам ва Наззомлар ҳам бўлган. Улар бўйича моддий олам акциденциялардан эмас, балки жисмлардан тузилган. Зирар акциденция (аъроз) деган нарсага Наззом жисм деб қараган. Унингча, жисмларнинг турғун бўлиб қолмай, ўзгаришида бўлишига сабаб, ҳамиша араплаш ҳолатда бўлишидир. Жисмлар бир-бирларининг таркибидадирлар, бири иккинчиси ичида яширин (камин). Уларни физик жараён ўзгара бошлигандан кузатиш мумкин. Буни Наззом ўтин мисолида тушунтириб беради: у ёнганда, олов ажралади, оловда унда яширин бўлган асослар – иссиқлик ва ёргулук сезилади. Худди шундай, олам жисмлар билан лиқ тўла бўлиб, уларни сезги органлари ёрдамида турли даражаларда аниқлаш мумкин. Жисмлар қисмларга бўлинади. Ҳар бир қисм ўз навбатида яна кичикроқ қисмларга бўли-

нади. Шу тариқа қисмларни чексиз бўлиб бориш мумкин.

3. Учинчи мулоҳаза шундан иборатки, бунда жисмлар ҳам, акциденциялар ҳам борлиқнинг таркибий қисмлари ҳисобланади. Жисмлар жуда кичик бўлинмас қисмлардан ташкил топган (ал-жузъ аллази ла ятажазза).

Ушбу учинчи мулоҳаза ислом теологиясида атомизм назарияси сифатида машҳур бўлди.

Атомистик таълимот IX асрда Муъаммар, Бишр б. Ал-Муътамир каби мутафаккирлар томонидан йилгари сурилганди. Аммо атомистик таълимотнинг оммалашувида Абул-Хузайлнинг, сал ўтмай Жуббоийнинг талқинлари катта ўрин тутди. Абул-Хузайл бўйича, жисмларни бўлинмас қисмгача бўлиш мумкин. Бўлинмас қисм ҳаракатланиш, турғун ва ёлғиз ҳолатда бўлиш, бошқалари билан бирикиш, тўқнашиш, ажралиб чиқиш каби акциденцияларга эга. Бўлинмас қисмлар бирикиб, жисм ҳосил бўлгандагина ранг, таъм, ҳид, ҳаёт, қудрат, билим каби акциденциялар унга хос бўлади. Бир жисмни ташкил этишда камида олтига бўлинмас қисм иштирок этади. Ҳар бир қисмнинг акциденциялари бирликда жисмнинг хусусиятларини белгилайдилар.

Жуббоий ҳам бўлинмас қисм мавжудлиги гоясини ҳимоя қилди. У Абул-Хузайл каби жисм ташкил бўлишида камида олти бўлинмас қисмнинг иштирокини таъкидлади. Бироқ, Абул-Хузайлдан фарқли ўлароқ, бўлинмас қисм алоҳида ҳолатида ҳам ҳаракатланиш, турғун бўлиш, тўқнашиш каби акциденциялар билан бир қаторда таъм, ҳид акциденцияларига эга бўлади, деб ҳисоблади. Айни пайтда, узунлик, билим, қудрат ва ҳаёт акциденциялари бўлишини рад этди.

Хуллас, атомистик концепцияга кўра, вужудга эга ҳар бир яратилган нарса (шай) жисм ёки акциденция шаклида бўлади. Жисм шаклига эга деганда, муайян ўринга эга нарса назарда тутилади. У акциденцияни қабул қилиши ҳам, ўз кўринишида қолиши ҳам мумкин

(қоим би нафсиҳи). Акциденция шаклидаги нарсаларнинг сифатлари эса жисмга тескари. У ўз ҳолиҷа пайдо бўлмайдиган (қоим би гайриҳи). Шунинг учун у ҳамиша бирор ўринга зарурат сезади (маҳалл). Ўрин эса фақат моддий субстанция – жисм бўлиши мумкин. Моддийликнинг таркиби атомлардан иборат. Битта жисм ҳосил бўлиши учун нечта атом лозим бўлади? Абул-Ҳузайл олтига, Муъаммар сакизта деб ҳисоблаган. Улар ўз ҳисобларини жисмнинг уч ўлчамидан (жисмнинг узунлиги (тавил), эни (ариз) ва чуқурлиги (амиқ) келиб чиқиб исботлашга уринганлар. IX асрга келиб, ал-Искафий жисм ҳосил бўлиши учун икки атом кифоя деган хulosани ўртага ташлади. Ашъарий ҳам худди шундай фикрни – жисм икки жуз (атом)нинг қўшилишидан ҳосил бўлади, деган хulosани илгари сурди (ал-мұжтами).

Мотуридий атомизмни инкор қилмади, аммо уни қўллаб-қувватламади ҳам. У «ал-жузъ аллази ла ятажазза», яъни «бўлинмас қисм» тушунчасини «жавҳар» истилоҳи билан алмаштириди. Унгача ҳам айрим мутакаллимлар жавҳар истилоҳини «бўлинмас қисм»га нисбатан ишлатганлар, бироқ Мотуридий талқинида бу истилоҳ ўзгача аҳамиятга эга бўлди. Олим бу истилоҳни икки ҳолатда қўллайди: жавҳар, баъзида жисм ёки моддий нарсани англатади, бу ҳолатда у «ойин» (қўплиқда «каъён») маъносига тўғри келиб, конкрет, алоҳида нарсани англатади. Баъзида эса нарсанинг асли, яъни моҳияти ҳақида гапирганда қўлланади. Мотуридий бу тушунчага олдинги мутакаллимлардан фарқли равишда кенг фалсафий маъно беради.

Мотуридий бўйича, олам жисмлар ва акциденциялардан ташкил топган. Нарсалар (ашёлар) икки хил бўлади:

1. Жисмоний моҳият (ойин), яъни жисм кўринишида.
2. Акциденция (аъроз) кўринишида.

Жисм – бу, охири (ниҳояси) бор ва шу билан бирга, чекланган. Унинг томонлари (жиҳатлари) бор: улар ол-

титадир. Демак, улар уч ўлчамли, ҳажмли ҳамда қўшма ва бундан ташқари, табиийки, жисм акциденцияни қабул қилиш хусусиятига эга.

Акциденция таърифига келсак, Мотуридий акциденцияларга оламнинг бўлинмас, энг жузъий элементи сифатида қарайди. Шу билан бирга, у мұтазилийларни акциденцияларнинг аҳамиятини жуда ошириб юборганликда айблади. Унинг бу қараши кейинги асрларда Абу Шакур ас-Салимий (XI асрнинг иккинчи ярми), Абул Йўсир ал-Паздавий (в. 1100 й.), Абул Мўъин ан-Насафий (в. 1114 й.), Сабуний (в. 1187 й.), Нажмиддин Насафий (в. 1142 й) каби мутакаллимлар томонидан ривожлантирилди.

Мотуридий «Тавҳид» китобида нафақат аъён (нарсалар) ва аъроз (акциденция) ёки жавҳар (атом) ҳақида, балки «табойиъ» – нарсаларнинг табиати (хоссаси) ҳақида ҳам гап очган. Унингча, бутун оламда «табойиъ» мавжуд. Ҳар бир жисмоний ибтидо (оин), яъни ҳиссий органлар ёрдамида ҳис қилинадиган барча нарсаларда у бор. У бутун борлиқда бўлгани каби кичик олам бўлган (олами сурро) инсонда ҳам бор. Мотуридий инсон ақл ва табойиъдан ташкил топган, дейди. Бироқ табойиънинг инсонда жамланиши уларнинг хизмати эмас. Уларнинг хоссаси аслида бир-бирига интилиш эмас, аксинча бир-биридан қочишdir. Табойиълар қарама-қарши кучлардир. Шу ерда табойиъ ҳақида натурфилософлар (асҳоб ат-табойиъ) айтган, «табойиъ (хоссалар) оламдаги бутун мустақил ривожланиш жараёнини бошқарадилар» деган даъвонинг хатолигига зътибор қаратипади. Қоида бўйича, уларнинг бирини иккинчиси устига қўйсанг, улар бирикиш ўрнига, ўз табиатига кўра, бири иккинчисини итаради ва қарама-қарши ҳаракатда бўлади. Шундай экан, улар бутун коинотдаги тартиботни издан чиқариб юбориши керак эди. Демак, оламдаги тартиб ва муназаммлик Ташқи сабабнинг мавжудлигидан далолат беради. Бу ташқи сабаб қудратли Яратувчиидир. У табойиъ-

ларни, яъни хоссаларни яратди. Жисмларни, моҳиятига кўра, ўзига қабул қилиши мумкин бўлмаган хоссаларни қабул қилишга маҷбур қилди. Яратувчи ўзининг яратилмаларини уларниң ўзаро ички қарама-қаршиликларига қарамай, бир-бирлари билан қовуштиради ва улардаги ўзгаришларнинг тартибли ҳамда мақсадли равишда амалга ошишини назорат қиласди.

Мотуридий «Таъвилот» китобида Тангрини билишнинг икки йўли ҳақида гапиради:

1. Тангрини унинг яратилмалари орқали билиш мумкин. Чунки ҳар бир яратилмани ижод қилганда, Ўз илмига, ягоналигига ва яратилмани шунчаки эмас, балки муйян мақсад билан яратганига ишора қилувчи аломатлар қолдирган.

2. Ваҳий орқали билиш мумкин.

Биринчи мұлоҳаза ҳар бир мусулмон олимига хос. Зеро. Аллоҳни шу тарзда билиш йўли Қуръони каримда айтиб қўйилган. Баҳсларга сабаб бўлган муаммо ваҳий атрофида кўтарилди. Олам Аллоҳ томонидан яратилганигига ишоралар шунча кўп экан, инсон қандай тарзда уларни илғаб олади? Бу масалада инсонга Аллоҳнинг ёрдами қанчалик зарур? Сезган бўлсангиз, бу ерда гап мантиқий фикрлашга рухсат борми, йўқми, шу устида кетмоқда.

Ваҳий масаласи Мотуридий даврида ҳам ўз долзарбигини йўқотмаган. Мұтазилийлар Аллоҳни билишда мантиқий тафаккурнинг устуворлиги тоғсини ҳимоя қилган бўлсалар, ашъарийлар инсон тафаккурининг шаклланишида ваҳийнинг алоҳида аҳамияти борлигига зътибор қарагдилар. Ашъарий Қуръони каримда Аллоҳни билишга олиб келадиган исбот талаб қилмас далиллар борлиги, ва шу маънода, Аллоҳни танишда инсонга ваҳий ёрдами кераклигини таъкидлади. Мотуридий эса оламни ақлий-мантиқий ёндошиши билан ҳам, ваҳий орқали ҳам англаш мумкинлигини, ҳар иккаласи бир-бирини тўлдириган ҳолда Аллоҳни билишга хизмат қили-

шига ургу берди. Унингча, мантиқий тафаккур эзгулик ва ёвузликни фарқлаш, Яратувчининг мавжудлигини исботлаб беришга қодир. Албатта, ваҳий Аллоҳнинг борлигини бевосита исботловчи ҳужжатdir. Аммо ваҳий ёрдамисиз ҳам Аллоҳни ақл билан билиш мумкин. Мотуридий бу билан ҳар бир инсон Аллоҳнинг борлиги ва ягоналигини табиий йўл билан билиши мумкинлигини назарда тутади. Бироқ буни мұтазилийларга ён бериш деб тушунмаслик керак. Бу масалада Мотуридий ҳанафийларнинг анъаналарига суюнган ҳолда фикр юритади. Ҳанафийлар ҳамиша Аллоҳни табиий йўллар билан билишга чақирғандар. Масалан, Абу Ҳанифанинг илк шогирдларидан Абу Муқотил ўзининг «Китоб ал-олим» асарида фақат нақллар билан чекланиб қолмасдан, инсон мустақил равишда нима тўғри ва нима нотўғрилигини фарқлай билиши лозим, деб кўрсатган эди. Макҳул Насафий ёзишича, «ҳеч ким ваҳийдан яхши хабардор эмаслигини рўкач қилиб, ўзининг эътиқодсизлигини оқламаслиги керак. Чунки Аллоҳ пайғамбарларни ҳидоят учун юборишдан ташқари, Ўзининг мавжудлигини кўрсатадиган далиллар (ҳужжатлар), аломатлар, инсоннинг заиф мавжудот эканлигига далолат қилувчи ва инсон ҳолининг ўзгариб бориш қонуниятларини (аттаҳвил мин ҳал или ҳал) тушунтириб берувчи мисоллар (ибратлар) қолдирган. Биз Аллоҳни сезгиларимиз билан кўра олмасак-да, Уни ваҳийдан келиб чиқиб билишимиз учун бизга ақл берилган».

Илгари ўтган илоҳиётчилар Парвардигор яратилмаларини ақлий-мантиқий ўрганиш орқали идрок этиш мумкин деган бўлсалар-да, бунинг исботи устида бош қотирмаганлар. Мотуридий бу масаланинг шу томонига жiddий эътибор берди. Олдинги олимлар кўринувчи (шоҳид) – моддий борлиқдаги ҳар бир нарса кўринмайдиган (ғайб олами) – илоҳий борлиқда ўзига айнан бўлган нусхага (мисл), бошқача айтганда, ўзига ўхшаган (назир) нарсага эга деб ҳисоблаганлар. Шу тариқа, улар бу икки бор-

лик ўртасига ўхшашлик тортишга ҳаракат қилғанлар. Бу хато фикр эди, чунки бундай қолатда барча табиий ва ҳис этиладиган нарсалар «асл»га айланиб, күринмайдынлари уларнинг ҳосиласига – «фарь»га айланиб қолган бўлар эди. Ҳақиқатда эса бунинг акси бўлиши керак. Зотан, моддий олам Аллоҳнинг яратилмаси сифатида ихтиёrsиз ва мустақил эмаслигини диний ҳужжатлардан биламиз, дейди Мотуридий. Демак, унинг асли, яъни Аллоҳ унга қарама-қарши равишда мустақил ва алоҳидадир. У мавжуддир ва оламни бошқаради. Нимаини нусхага (мисл) эга бўлса демак, унинг иккинчиси бор, деб тушуниш мумкин. Иккита дейилдими, демак у сон категориясига тегишли бўлиб қолади. Аллоҳ эса ягона-дир, саноқдан холидир. Қуръони каримда (42:11) айтилади: «Унинг мисли (ўхшаши) йўқдир (лайса ка-мислиҳи шаи)». Аллоҳни билиш деганда Уни яратилмаларига қараб англаб етишга айтилади. Инсон билимининг чекланганлиги ва олам тузилишини тўлиқ идрок этишга ожизлиги шундан далолат берадики, Аллоҳ илми энг мукаммал илмдир ва Унинг ўзи комил илмли эканлигига далолатдир. Бизнинг турфахиллигимиз эса Унинг ягоналигини кўрсатади. Бизнинг чекланган вақтда яратилганигимиз Унинг абадийлигини исботлайди. Ҳатто оламдаги бир-бирига қарама-қарши нарсаларнинг ўзаро таъсирда мустақил қудратга эга эмаслиги Парвардигорнинг қудратига далилдир. Кўриниб турибдики, Мотуридийнинг мулоҳазаси Ваҳдат муаммосига бориб тақалмоқда. Бунда олимнинг илоҳиётida неоплатончиларга хос метафизиканинг таъсири сезилади. Ислом файласуфларидан Киндийнинг асарларида шундай фикрлаш устувор бўлган. Юонон файласуфлари асарларида Биринчи Сабабнинг оламдан алоҳидалиги ва уни ҳеч нарса билан қиёслаб бўлмаслиги ҳақида муайян фаразлар берилган. Бу, айниқса, неоплатонизмда яққол кўринади. Неоплатончилар ягоналик, яъни ваҳдатни сон бирлигида кўрмаслик, унга таъриф беришда унинг абсолютлиги ва ўзига

боғлиқ нарсаларга нисбатан эркин муносабатда бўлишига эътибор беришга чақиргандилар. Арифметик бирликдан қочиш Плотинда яхши ёритилган. Унинг абсолют ва нисбий бирлик ҳақидаги фикрлари Прокл асарларида янада муфассал кўрсатилган. Маълумки, Проклининг неоплатон метафизикасига онд асари IX асрда икки таржима орқали ислом олимларига яхши таниш бўлган. Жаҳм б. Сафвон қарашларида неоплатончиларнинг таъсири сезилади.²

Мотуридий Самарқандда Мөний таълимоти тарафдорларининг дуалистик қарашларига қарши калом баҳсларида Аллоҳни билиш йўлининг уч босқичига тўхталади. Булар: энг аввало, диний нақллар ва ҳадислар; ундан сўнг мантиқий мулоҳазалар (далолат ул-ақл); ва ниҳоят, ҳиссий органлар қабул қилган таассурот, олимнинг ўзи айтганча, яратилмалардан таъсирланишининг далолати (далолат ал-истиддол би-л-халқ).

Мотуридий Аллоҳ ваҳдатини тушунтиришда нақл ва тафаккурнинг муҳимлигини қўйидагича исботлайди:

1. Диний нақл ва ҳадисларда айтиладики, Ал-Воҳид ҳамиша инсон учун Аллоҳ тимсоли бўлган. У фақатгина улуглик (азамат), ҳукмдорлик (мулк), олийлик (рифъат) ва афзаллик (фазл)ни белгилабгина қолмай, балки барча нарсаларнинг асоси, ўзи битта бўлса-да, аммо кўпликнинг асоси (касрат ичида ваҳдат) сифатида эътироф этилади.

2. Нақлларда событки, фақат битта Тангри ваҳий орқали ўзини ошкор этган. Бошқа илоҳ борлигини исбот қилган ва ундан хабар келтирган бирорта пайғамбар ҳам, бирор-бир далил-аломат ҳам йўқ.

3. Агар бошқа илоҳ бўлганда эди, ўзининг яккаю ягоналигини эълон қилган Аллоҳга қарши қўзғалган бўлар

² Frank R.M. The Neoplatonism of Gahm Ibn Safwan//Le Museon N78, 1965. pp.395-424.

эди ва ваҳдат ҳақидаги ваҳийнинг юборилишига тўсқинлик қилган бўлар эди. Бу нарсанинг содир бўлмагани Яратувчи – Парвардигор фақат битта эканлигини исботлади.

4. Агар икки илоҳ мавжуд бўлса, мантиқан, ақл нуқтai назаридан қараладиган бўлса, улар бир-бири билан рақобатлашиши керак (тамону). Чунки зўрлар ҳамиша яккаҳокимликка интилади, подшоҳлар бунга яхши мисол. Илоҳлар ҳам, мантиқан, ўз ҳокимиятини ўрнатишга тиришадилар ва бу йўлда бири иккинчисининг режаларини чиппакка чиқаришга ҳаракат қиласди. Агар Худо иккита бўлса, рақобат таъсирида бизга маълум оламни яратиш ишини бундай мукаммал ва мунаzzам равища тутгатишнинг мантиқан имкони бўлмасди. Демак, Парвардигор – битта.

5. Бизнинг тасаввуримизга Тангри иккита деган фарз сигмайди, чунки агар икки илоҳ мавжуд деб тасаввур қилинганда, бири иккинчисининг ижодини ўзлаштириши ёки бекитиши табиий.

6. Юқоридаги мулоҳазадан келиб чиқиб шуни айтиш мумкинки, оламдаги барча жараёнлар (фасллар алмашинуви, қуёш, ой ва юлдузлар ҳаракати) ягона тартиб-интизом (тадбир) асосида амалга ошади. Бундай ягона марказлашган тартиб фақат бир раҳбар етакчилигида ўрнатилиши мумкин.

7. Оламни кўплаб хилма-хил ва бир-бирига қарама-қарши таъсири кўрсатувчи нарсалар ташкил этади. Уларнинг уйғун ҳолда фаолият кўрсатиши Ягона Худонинг иродасини кўрсатиб туради.

8. Биз сезадиган ва ҳис этадиган барча, беистисно, конкрет нарсалар (аъён) жисм дейилади. Жисмлар хоссалардан – табойиълардан ташкил топганки, уларнинг хусусияти бир-биридан қочиши ва қаршилик қилишдир. Уларнинг бир мунаzzам бутунликка уйғун ҳолда биринкуви комил илм, чексиз қудрат ва лутғ ҳамда ҳикматга эга Аллоҳ томонидан назорат қилиб турилишини кўрсатади.

Мотуридий келтирган далиллардан қўйидаги икки асосий хulosани ажратиб олиш мумкин:

1. Олим «тадбир» концепциясини, яъни олам илоҳий бошқарув ва олдиндан ўйлаб қилинган режа асосида ривожланиши ғоясини ўртага ташламоқда. Аллоҳнинг ишлари (афъол) тартибли ва олий даражада мақсадга йўналтирилган. Демак, бу ишларнинг бошида рақобатлашувчи илоҳлар эмас, биргина Аллоҳ туроди ва У Ягодадир.

2. Бирдан ортиқ илоҳ бўладиган бўлса, унда улар бирбирига қаршилик кўрсатиши керак (тамону) ва бу рақобат оламнинг яратилишидаги ижодкорликка тўсқинлик қилиши турган гап. Демак, Аллоҳ ягона ва умумий ҳукмдордир.

Мотуридий ушбу мулоҳазалари билан Қуръони карим сурга ва оятларида (27:59-63, 21:22, 17:42, 23:91) айтилган фикрларни шарҳлайди.

«Тадбир» – режали бошқарув, «Тамону» – рақобат тушунчалари IX асрда яшаб, ижод этган Жаҳиз, Абул Ҳузайл, Муҳосибий каби мутакаллимларнинг ишларида ҳам учрайди. X асрдан бошлаб Ашъарий, Табарий ва Мотуридийнинг асарларида, кейинчалик эса ҳар бир илоҳиёт билан боғлиқ асарда учрайди. Бироқ Мотуридийнинг «тадбир» концепцияси Ашъарий ва бошқаларникидан фарқ қиласиди. Ашъарийда «тадбир» катта аҳамиятга эга бўлмай, «тамону» марказий ўринда туроди. Сабаби, Ашъарийнинг олам ҳақидаги назариясида мустақил табойиъ ҳақида фикр умуман йўқ. Мотуридийда бор ва у ҳатто бошқарилади. Олам барча жиҳатлари билан Парвардигорга боғлиқ. Шу билан бирга, уларнинг барчаси табойиъ – хоссалардан иборат. Улар мустақил ҳаракат қучларига эга бўлиб, Аллоҳ томонидан тартибга солиниб, бошқариб турилади.

Абу Мансур Мотуридийнинг таълимоти Марказий ва Жанубий Осиё мамлакатлари мусулмон адабиётида илоҳиёт билан боғлиқ шарҳларда ёфсий дастуриламал

хисобланган. Ҳатто шаръий заминдаги тасаввуф мактаблари ҳам Мотуридий таълимотига сүянгандар. Марказий Осиё шоирларининг деярли барчаси ўз ғоявий йўналишларида Мотуридий каломидан озиқланганлар.

ТАСАВВУФ ДАРҒАЛАРИ

VII–VIII асрларда умавийлар ҳукмронлигининг охирги даврлари, кўпроқ, аббосийлар сулоласи даврида диний доиралар ўртасида ақидавий ва фиқҳий масалалар юзасидан кўтарилган мунозара-баҳслар, ижтимоий-сиёсий зиддиятлар ислом оламини турли фирмаларга бўлиб юборди. Уламолар орасида салтанат манфаатлари учун хизмат қилиш, дунё ҳою ҳавасларига берилиш кучайди. Дунёвий ҳаётга муносабат масаласида уламоларнинг тутган йўлини қораловчи ва уларни пайғамбар йўлидан адашганликда айбловчи уламолар тоифаси пайдо бўлди.³ Улар фаол курашта интилмас, жамиятни тарк этиб хилватга кетиш, узлатга чекиниш орқали жамиятга бўлган нафратини ифодалади. Зоҳидлик давлатнинг дунёвийлашуви, жамиятнинг табақаланиши, дин пешволарининг дунёвий ҳою ҳавасларга берилиши, ислом уммати орасида тафриқанинг пайдо бўлиши, мазҳаблар ва турли оқимларнинг шаклланиши исён тарзида вужудга келди. Зоҳидлар жамиятдаги ўзгаришларга Расулуллоҳ йўлидан оғиши деб қарадилар. Абдураҳмон Жомийнинг «Надаҳот ал-унс» асарида келтирилишича, суфийларнинг илк уюшмаси Абу Ҳошим (в. 767) томонидан Рамла шаҳрида ташкил этилган бўлиб, бир насроний амир томонидан уларга такя – хонақоҳ қуриб берилган.

Бу давр суфийларига хос жиҳатлар икки хил зоҳидона ҳаёт тарзида кўринади. Бири нариги дунё азоблари-

³ Бу ҳақда: Shaykh Fadhlalla Haeri. *The Elements of Sufism*. UK. Longmead, Shaftesbury, Dorset, 1990, pp. 11-14.

дан сақланиши ва жаиннатдан умидворлик мақсадида хилватга чекиниши, хонақоҳларда тинимсиз ибодат, риёзат ҳамда муржоҳада билан шуғулланиш орқали Аллоҳнинг розилигига эришиш бўлса, иккинчиси, Аллоҳ муҳаббати ва васлига сазовор бўлиш мақсадида ўзлигидан воз кечиб, девонавор дарбадарлик йўлини тутиш орқали жамият ва шариат қонун-қоидаларига эътиборсиз қарааш кўринишида учрайди.

VIII асрнинг охирларига келиб Ироқдаги барча мистик гуруҳлар «суфийлар», уларнинг йўллари «тасаввуф» деб атала бошлади. Бунга суфийлар аталмиш зоҳидлар жамоасининг Бағдод маънавий ҳаётида етакчи кучга айлангани сабаб бўлган бўлиши мумкин.

Илк суфийлар, асосан, дин олимлари ва мулкдорлар табақаси вакиллари орасидан чиқсан. Иброҳим Адҳам бунга далилдир. Суфийликнинг пойдеворини қурган машҳур зоҳидларнинг бир нечалари тарихий китобларда қайд этилгандир. Мисол сифатида VII –VIII асрларда яшаган Абу Ҳошим ас-Суфий (в. 767), Шақиқ Балхий (в. 770), Жаъфар Содиқ (в. 767), Суфён Саврий (в. 777), Абдуллоҳ ибн Муборак (в. 797), Фузайл ибн Аёз (в. 802) каби дин олимлари номларини келтириш мумкин.

Суфийлар Илоҳий борлиқни ҳис, илҳом, қалб билан билиш ғоясини биринчи ўринга қўйдилар. Уларнинг баъзилари диний ҳужжатларга суюниб, қайсиdir маънода мутакаллимларга яқинлашдилар. Шариат билан зоҳирни поклаш (диний илмлар, ҳадис ва фикҳ олими бўлиш) суфийликнинг биринчи шарти деб эълон қилинди. Уларнинг етук намояндаси Ҳасан Басрий ҳисобланади. У Ҳазрат Алиниңг талабаси бўлиб, шариат илмларини чуқур эгаллаган олим эди. У ўткинчи дунё ҳаётидан юз ўтириш, фақатгина ёлғиз Аллоҳга йўналиб, унга таваккул қилиш, суюниш ва ҳар лаҳзада ундан қўрқмоқ лозимлигини тарғиб қилди. У қўрқувнинг эзгу амаллар қилишдаги катта аҳамияти борлигини уқтиради. Ҳасан Басрий инсонни ўз нафсини идора этиш ва ўз аъмол-фаолияти

ҳақида тафаккур қилишга чақирди. Унингча, тафаккур – инсонга яхши-ёмонни кўрсатувчи бир ойна бўлиб, ёмонликдан сақловчи воситадир. Шу даврда аёллар орасидан етишиб чиқсан машҳур зоҳидлардан яна бири Робия Адавиядир (в. 752). У Ҳасан Басрий билан бир неча бор мулоқотда бўлган. Аммо унинг ғоявий дунёқараши Ҳасан Басрийнидан фарқ қиласди. Робия Аллоҳга муҳаббат ғоясини илгари сурди. Унингча, жаннат орзуси ва дўзах азобидан қўркув нажот воситаси бўла олмайди. Инсон Аллоҳни шундай севиши керакки, унинг ишқи бу дунё ҳою ҳавасларини кўйдириб юбориши керак. У Аллоҳни фақат Аллоҳ бўлгани учун севиш, ўз борлигини Аллоҳнинг борлиғига сингдириш ва Унинг жамолига эришиш ғояларини илгари сурди. У ҳам Ҳасан Басрий каби доимо маҳзун ҳаёт кечириб, тун-кун нола қиласа-да, бу қўркув эмас, ҳикрон нолалари эди. Робия Адавия тасаввуф тарихига «илоҳий ишқ» тушунчасини олиб кирган биринчи зоҳид ҳисобланади. Унинг тафаккур ҳақидағи фикрлари ҳам ўз даврида катта таъсир кучига эга бўлди. Унингча, тафаккур орқали инсон илоҳий сирга эриша олади. Ҳар қандай борлиқ Аллоҳда бирлашади. Коинот Аллоҳ сифатларининг тажаллийсидан иборат. Аллоҳга эришмоқнинг ягона йўли муҳаббатдир. Илк суфийлардан Саҳл ибн Абдуллоҳ Тустарий (в. 896) тасаввуфда «нафс» мавзусини бош мавзуга айлантириди. Тустарий мактаби йўналиши «Мужоҳада йўли» дейилади: «Ким Аллоҳ йўлида риёзат чекмоқчи бўлса, биз уларни ҳидоятга элтамиз» шиори уларга тегишлидир. Улар Муҳаммад пайғамбарнинг «Биз кичик жиҳоддан катта жиҳодга ўтамиз» (Ражатуана мин ал-жиҳад ил-асғари ила л-жиҳади л-акбар) деган даъватларини асос қилиб, катта жиҳод – Нафс билан курашга чақирдилар. Саҳл ибн Абдуллоҳ муjoҳадани мушоҳадага олиб борувчи ягона йўл деб ҳисоблади. Бу шариат йўлидир. Бироқ нафс Худо томонидан яратилган. Нафс – инсон табиатидир. Саҳл ибн Абдуллоҳ нафсни ўлдириш

тарафдори эмас, балки уни тарбиялаш тарафдоридир. Расули акрам айтган: «Ким нафсини таниса, Аллоҳни танийди» (Ман арафа нафсаҳу фақад арафа раббаҳу). Ёмондан яхши фазилатлар касб этишга ўтиш тустарийчилар ғоясининг мағзидир. Шу жиҳатлари билан ушбу йўналиш тасаввуфга нисбатан шариат аҳли ғазабини камайишига кўмаклашган дастлабки мактаб ҳисобланади. Айрим суфийлар Аллоҳ маърифатига эришишни биринчи ўринга қўйдилар. Улар маърифат амалдан устун, Аллоҳни амаллар билан эмас, маърифат билан билиш муҳим, деган ғоялар билан чиқдилар. Ушбу мактаб Муҳосибия мактаби сифатида машҳур бўлди. Унинг асосчиси Абдуллоҳ Ҳорис Муҳосибий Басрий Ҳол (экстаз ҳолати) ни мақомдан фарқлаган. Ҳол амал-мужоҳада билан муҳофазаланади. Мақом эса ҳамиша ҳолнинг даражасига қараб белгиланади. Ҳол Аллоҳнинг неъматидир. У – яшин каби ёритувчи. Мақомнинг ибтидоси тавбадир. Унингча, ризо мақом эмас. Ризо Худодан бошқани кўнгилдан чиқариш демакдир (Мо сиваллоҳ). Сарри Сақатий Мақомот ва ҳол тизимини тартибга солди. Қуйидаги гап шу олимга тегишидир: «Илм – Аллоҳнинг сифати ва амал – банданинг сифатидир. Бир соатлик тафаккур икки олам ибодатидан яхшидир» (Тафаккури соатин хайрун мин ибадатис сақалайн). Зуннун Мисрий (в.859) тасаввуф ҳақида илк асар ёзиб, тасаввуфнинг ҳол ва мақомларини таснифлаб берган олимдир. Унинг тафаккури Робия Адавия ғоялари таъсирида шаклланган. Унинг фикрича, Аллоҳни севиш мезони – Муҳаммад алайҳиссаломнинг суннатига астойдил амал қилиш орқали ахлоқни юксалтиришдир. Аллоҳ ва инсон ўртасида икки томонлама илоҳий муҳаббат ётади. Бу ишқ воситасида инсон Аллоҳ васлига эриша олади. Унга этишган инсон ўзининг илоҳий зотда фарқ бўлганини, содда қилиб айтганда, ўзининг илоҳийлашганини ҳис этади. У оддий мусулмонлар, мутакаллимлар, файласуфлар ва валийлар, яъни суфийларга ҳос бўлган би-

лимлар даражаси ҳақида гапириб, энг аълоси валийларга хос билим эканлигини ва айнан шуларгина Аллоҳни ҳақиқий маънода била олиши мумкинлигини исботлашга ҳаракат қиласди. Аммо унинг фикрлари мутакаллимлар томонидан кескин қораланди.

Ўша давр машҳур суфий мутафаккирларидан яна бири Боязид Бистомийдир (в. 874). У фикр олими эди. Робия Адавия ва унинг издошлари тоялари таъсирида тасаввуфга қаттиқ бериллиб, бу соҳада улкан муваффақиятларни қўлга киритди. Жумладан, у юон фалсафасидағи «ишқ» ва «ваҳдат» тушунчаларини мистик платформада шарҳлаб, «сукр» (мастлик) концепциясини ишлаб чиқди.⁴ Тасаввуфда «тавҳид дараҳтини Боязид эккан» деган гап шундан қолган. Унингча, инсон руҳий камолот мақомларидан ўтиб борар экан, пировард натижада Аллоҳга эришади ва ўшандга унда маст беҳудлик ҳолати рўй беради. Инсон ўзининг ўзлигини йўқотади ва Аллоҳ бағрига сингиб кетади. Инсон шу ҳолатда бўлтанида унинг оғзидан шариат нуқтаи назаридан, тилга олишнинг ўзи гуноҳ бўлган сўзлар чиқиб кетиши мумкин. Бу кечиримлидир. Зоро, у Ҳақиқатни англайди, Аллоҳ ва инсон вужудининг ягоналигини ҳис этади. У афсонавий оламга киради ва ўзининг Олам сабабига дахлдорлигини кўради. Бу ҳолатда исмлар, сифатларнинг тажаллийсини ўз атрофида кўриб, ўз зоти ва бошқаларнинг зотини кўриб, ўзиди Худо зоти ва сифатларининг нусхасини кўради. Мастлик ҳолати рўй беради.

⁴ Боязид Бистомий ҳақида: Али Акбар Ҳусайний. Мажмуат ул-авлиё. Қўллўзма, ЎзФАШИ, инв. № 1333, V боб; Абу Наср Сарроҷ. Китаб ал-Лума фи ал-тасаввуф. Р. Никольсон нашри, Лейден, 1914. 459- 477- бетлар. Суламий. Табакот ас-суфия. Н.Шарифа таҳрири остида. Қоҳира. 1953, 67-бет; Қушайрий. Рисола. Қоҳира. 1930. 80-99-бетлар; Ҳужвирий. Кащф ул-маъжуб . Р. Никольсон таржимаси. Лондон, 1936 йил.132- бет; H. Ritter. Abu Yazid al-Bistami. UDMI.1, pp. 932-934.

Хақиқатни англагандан шундай маст бўладики, ўзининг моддий сезгиларидан ажралади (фано филлоҳ). Бу мақомда намоз фарз эмас, чунки айтилганки, маст пайтда намоз ўқилмасин (Ла тақраб уссалата ва антум сукара). Унинг мактаби тайфурия деб аталди. Жунайд Бағдодий мактаби эса сукр йўналишига қарама-қарши ўлароқ, саҳв, яъни ҳушёрлик концепциясини илгари сурди. Жунайд 909 йилда Наҳовандда туғилган бўлиб, Бағдодда яшаган. Тасаввуф илмини тогаси Сирри Сақатий, устозлари Ҳорис Муҳосибий ва Муҳаммад Қассоб номли машҳур суфийлардан ўрганди. У тасаввуф илмини тартибга солишга, шариат ва тасаввуфий илмларни бир-бирига мувофиқлаштиришига ҳаракат қилган илк мутафаккирdir. Унинг асосий гояси шундан иборатки, инсон руҳий ҳол-мақомлардан юксалиб, Аллоҳ васлига эришганда саҳв, яъни ҳушёрлик йўлини танлаши керак. Шунда Мансур Ҳалюж каби шариатта хилоф гаплар ва хатти-ҳаракатларни амалга оширмайди. Аксинча, унинг шу мақомда тўхтاشи кейинги суфийларнинг тўғри тарбияланишига хизмат қиласиди. Жунайд Бағдодий, масалан, ўз қарашларини саккиз турли қалб сифатлари устига қурди, яъни ризо, эркинлик, сабр, сукут, тажарруд (оламдан ажралиш), жунсуф либос кийиш, дарвешлик ва факирлик. Бу сифатлар пайғамбарлар ҳаётига хос бўлиб, Иброҳим, Исҳоқ, Яъқуб, Закариё, Яҳё, Мусо, Исо ва Муҳаммад Расуллulloҳга хос сифатлардир. Солик, яъни суфийлик йўлига кирган киши пайғамбарлардан бирининг йўлини танлаши мумкин ва ўз мақомини қўлга киритиши мумкин. Унинг мақоми то Аллоҳ унда ўзини намоён этмагунча давом этаверади. Масалан, Ҳазрат Усмоннинг мақоми камтарлик-тортинчоқлик, Ҳазрат Алиниги қалб озодлиги, Имом Ҳасанники сабр ва Имом Ҳусайнники ҳақиқатда қоим туриш мақомлари эканлиги айтилади. Суфийлар наздида энг буюк мақом Муҳаммад Расуллulloҳницидир.

Бу мактабга хос бўлган асосий хусусият муроқаба усулининг устуворлигидадир. Жунайд Бағдодий оддий ҳаёт кечириш, фақирлик, сиёсатга нассив муносабатда бўлиш, барча қийинчиликларга сабр ва сукут билан жавоб қайтариш орқали нафсни енгишни тарғиб этди.⁵

Жунайд Бағдодийнинг фикр-қарашлари кўплаб суфийлар учун дастуриламалга айланган. Имом Қушайрий ва Имом Фаззолий каби буюк мутафаккирларнинг дунёқарашларига катта таъсир кўрсатган.

Суфийлар ичида зоҳидликни қоралаганлар ҳам бўлган. Шулардан бири Абу Ҳасан ибн Муҳаммад Нурийдир. У Бағдодда туғилиб, Марв ва Ҳирот оралифидаги Бөғсү минтақасида IX аср охирида яшаган. У Зуннун Мисрийнинг шогирди бўлиб, зоҳидликни қоралаган ва «ёлғизлик – шайтонга яқинлашишдир» деган. У инсонларнинг ичидаги фикрини ўқий олгани учун ва яна айтишларича, кулганида қоронғу уй ёришиб кетгани учун «Нурий» ва ҳақиқатни гапиргани учун «Жосус улқулуб» – қалбларни ўғирловчи деган номга сазовор бўлган. У саҳоватпешаликни тарғиб этди. Унинг ақидаси бўйича, бу дунё қурбонлик қилиш учун яратилган, яъни инсон ўзининг энг севимли нарсасини Аллоҳ йўлида сарф қилмас экан, баҳт-саодатга эриша олмайди. У Жунайд Бағдодий билан бирга бозорларда юриб, қўлидаги бор нарсаларни халққа улашиб юрар эканлар. Унинг мактаби «нурия» деб аталди.

Суфийлар илк зоҳидлардан фарқли ўлароқ, энди муҳим мистик билимларни тарғиб этишга, руҳий покланиш, руҳан камолотга эришув йўлларини далиллашга ўта

⁵ Жунайд Бағдодий ҳақида: Али Акбар Ҳусайнин. Мажмуат ул-авлиё. Қўллэзма, ЎзФАШИ, инв. № 1333, VI боб; Судамий. Табақтот. 155-163-бетлар; Қушайрий. Рисола, 18, 551,552, 584-бетлар; Жомий. Нафаҳот ал- унс, 87-89- бетлар; H. Ritter.Gunaid, IA.III, pp.241-242:Ali Hasan Abdel-Kader, The Life, Personality and Writings of al- Junaid. London,1962.

бошладилар. Зүннун Мисрий «суфийлар – сўз ва амали бир бўлган ва дунёдан алоқасини узганилардир», дейди. Жунайд Бағдодий тасаввуфга таъриф бериб, «обид тасаввуфда илоҳий сифатларни касб этади ва инсонийлик сифатларини йўқотади» деди.

Доимий риёзатлар ва турли руҳий машқлар ҳамда ўз «Мен»ини йўқотишга қаратилган ҳаракатлар натижасида суфийлар ўзларида ғайритабии ўзгаришиларни сездилар. Ақл ва мантиқ тушунтиришга ожиз олам сир-синоатларидан воқиғ бўлдилар. Бу даврларда уларнинг мистик ҳоллари тарғиб қилинмас, улар ўзларида сезган кушуфотларни яширишга ҳаракат қилганлар. Айтиш мумкинки, шу даврларда бу соҳада йигилган тажриба, тасаввуфдаги руҳий ҳолатлар, тажрибадан ўтган ҳол мақомларидаги илоҳий мукошафалар борасида муайян назарий хуносалар қилиш вақти келган. Абу Қосим ал-Кушайрийнинг «Рисола фил илм ал-тасаввуф» асарида тасаввуф илми дастлаб рамзлар ва ишоралар орқали таълим берилгани, суфийлар бир-бирлари билан суҳбатларда бир оғиз сўз ишлатмай ботин тилида гаглашишгани, Зүннун Мисрий биринчи бўлиб бу илмни қоғозга туширгани, Жунайд Бағдодий уни такомиллаштиргани, Абу Бакр Шиблий эса бу ҳақда масжид минбаридан биринчи бўлиб халққа эълон қилгани қайд этилган.

Шу тариқа, кейинчалик юқорида айтиб ўтилган мактабларнинг ғоялари негизида суфийликнинг шахс камолотига дахлдор тўрт тамал асоси яратилди. Булар:

- шариат билан зоҳирни поклаш (диний илмлар, ҳадис ва фиқҳ);
- тариқат билан ботинни поклаш (нафс тарбияси);
- муҳаббат орқали Аллоҳга яқинлик ҳосил қилиш (эзгу амаллар, зикр орқали Аллоҳ муҳаббатини қозонмоқ);
- маърифат билан Аллоҳга эришмоқ (илм ўрганиш, пир суҳбатлари воситасида ўз маърифатини ошириш, Аллоҳни таниш).

Суфийлик ҳаракатининг дастлабки босқичларида улар уламоларнинг мұтазила ва файласуфлар каби мантиқий фикр тарафдорлари билан олишувларидан четда туриш ва уларга берилмаётган зытибордан фойдаланиб, ўз маслакларини диний асосга қўйиш йўлларини излай бошладилар. Бунинг йўлларидан бири суфийлик моҳияти ва тарихини Пайғамбаримиз ҳаёти, исломнинг ilk даври билан боғлаш эди. Бу ниятда ҳеч қандай нотўгрилик йўқ эди. Зоро, Ислом Пайғамбари бошидан кечирган суфиёна ҳолатлар ҳақидаги маълумотлар мавжуд бўлган. Чунончи, суфия манбаларида келтирилишича, У зот бир куни хотинлари Ойшага тикилиб: «Сен кимсан?» – деб сўрабдилар. У ҳайрон бўлиб: «Мен Ойшаман» деб жавоб қайтарибди. Яна сўрабдилар: «Ойша ким?» «Сиддиқнинг қизиман». Яна сўрабдилар: «Сиддиқ ким?» Жавоб берибди: «Муҳаммаднинг қайнотаси». Яна сўрабдилар: «Муҳаммад ким?» Шунда Ойша ул зотнинг гайритабиий ҳолатда эканликларини сезиб қолган экан. Бундай гайритабиий ҳолатлар – жазба, экстаз, дейилиб, бундай ҳолатга тушган суфийлар оғзидан чиқиб кетган гаплар айб саналмаган. Бироқ, Боязид Бистомийнинг «Субҳаний ма азама шаний» (Субҳонман, мен улуғман, ёки Мансур Ҳалложнинг «Ана л-Ҳаққи» (Мен Худоман) деган гаплари ошкор бўлиб, худоликка даъво сифатида шариат аҳли томонидан қаттиқ қораланган.

Шариат аҳли суфийларни ўз асосларига хавф соладиган бидъат таълимот деб ҳам ҳисоблашга тўла ҳақли эди. Фақиҳлар ва суфийларнинг ўзаро баҳслари уларни ўша даврларда авж олган қалом баҳсларининг фаол иштирокчиларига айлантириб қўйди. Суфийлар ботинийлар жумласига киритилиб, бидъат фирмә деб зълон қилинди. Имом Раббонийнинг ёзишича, «Гақийиддин Мақризий «Ал-Хутат валосор» асарида табаъ тобеинлардан кейинги даврларда бидъат аҳли пайдо бўлиб, уларнинг ичида ги суннат аҳли «мутасаввифа» номи билан алоҳида ўрин тутганилигини қайд этган» (Мактубот, 1-жилд, 5-бет).

Фақиҳлар баъзи суфийларни қаттиқ қораладилар, баъзиларини динсиз, коғирликда айбладилар. Суфийлар таъқиб остига олинди. Айниқса, машҳур фақиҳлардан Аҳмад ибн Ҳанбал, мұтазилийларга бўлгани каби суфийларга нисбатан ҳам муросасиз қарши мавқени эгаллади. У Ҳорис Муҳосибийнинг суфиёна ғояларини қоралаб, бидъат деб зълон қилди. Бу даврларда ислом метафизикасининг тобора ривожлана бошлаши ислом асосларини тушиунишда турли илмий мактаблар ўргасида кескин қарама-қаршиликлар келтириб чиқарди. Шариатнинг муҳим қуролига айланган калом илми дин асослари таҳлилига дахлдор бўлган барча илмларга қарши муросасиз курашда пешқадам бўлди. Янги шаклланиб бораётган тасаввуф мактабларининг ғоялари ҳам шариат аҳлиниңга тағсига тегар эди. Аммо мутакаллимларнинг мұтазила билан олиб бораётган ҳаёт-мамот жанги уларнинг диққатини тасаввуфдан бироз ҷалғитганга ўхшайди. Бундан фойдаланган суфий олимлар метафизикага оид четдан келган илмларини исломлаштириш, уларни ўз ақида-вий асосларига мувофиқлаштириш йўлида жиддий тадқиқотлар олиб боришга муваффақ бўлдилар. Айнан мутакаллимларнинг ботил фирмалар билан кураши авжга чиққан X–XI асрларда тасаввуф назариясига оид муҳим асарлар яратилди. Жумладан, Абу Бакр Колободийнинг (в. 995) «Таарруф ли мазҳаби аҳлият-тасаввуф», Абу Наср Саррожининг (в. 988) «Лумъа фит-тасаввуф», Абул Ка-рим Қушайрийнинг (в. 1072) «Рисолаи Қушайрия», Абул Ҳасан Ҳужвирийнинг (в. 1077) «Кашф ул-маҳжуб ли араббилил қулуб» асарлари тасаввуф илмининг фундаментал асосларини яратиб берди. Фаззолийнинг тизимли назарий хуносалари тарқоқ ҳолда тартибсиз ривожланиб келаётган тасаввуф ғояларининг бир маҳражга келиш босқичига якун ясади.

Тасаввуфнинг Бағдоддан Ҳуросонга кириб келиши ҳам ўз тарихига эга. Унинг илм сифатида мавжудлиги Пайғамбар ва саҳобалар ҳол мақомлари билан қувват-

лацииши, силсилаларда суфийларнинг биринчи авлоди сифатида Мұхаммад (с.а.в.), Абу Бакр, Ҳазрат Али ибн Абу Толиб, Салмон Форисий, Имом Ҳусайн ва бошқаларнинг зикр этилиши суфийлик ҳаракатига шаръий ҳуқуқ берди. Суфийларнинг қарашлари IX асрнинг охирларида Ироқ, Миср, Хуресон, Мовароуннаҳр ва ислом оламининг бошқа диёrlарига ҳам тарқалиб кетди. Калом мактаблари сингари Бағдод, Басра, Куфада шаклланган тасаввуф мактаблари ислом дунёсининг барча марказий шаҳарларида ўз шахобчаларини ташкил этишга киришдилар. Ана шундай мақсадлар билан Хуресонга тарғибот учун келган ва бу ердаги мистик мактаблар билан алоқа ўрнатган илк суфий Абу Бакр Воситийдир. У асли бағдодлик бўлиб, Жунайд ҳалқасига мансуб эди.⁶ Бу даврларда Хуресон ва Мовароуннаҳрдаги мистик жамоалар суфийлар деб аталмаган. Тарихда зоҳидлик ҳаракати сифатида қайд этилган Мұхаммад бин Карром (в. 869) бошчилигидаги «асҳоби зуҳд ва тааббуд», яъни «зуҳд ва ибодат аҳли ҳаракати» ҳам, арабча истилоҳда «футувват» аҳли сифатида машҳурлик топган жавонмардлик ташкилоти ҳам Хуресон маънавий ҳаётида мұхим ўрин тутарди. Нишопур ва Балх мистик мактаблари маломатийлик марказлари сифатида алоҳида мақомга эга әдилар. Улар футуввағояларига ўз камолотлари йўлидаги бир даража сифатида қарапдилар. Ҳужвирий «Кашғ үл-маҳжуб» да кўрсатганидек, дастлабки асрларда соликлар ва пир-муршидлар турли номларда, жумладан, аҳли маърифат, аҳли ҳақиқат, орифлар, соликлар, зоҳидлар, фақирлар деб аталган.⁷ Абу Абдураҳмон ал-Суламийнинг (в.412/1021)

⁶ S. Svir, «Hakim Tirmidhi and Malamati Movement in Early Sufism». In: Classical Persian Sufism from its Origins to Rumi/Ed. by L. Lewison. London, 1993, p.594.

⁷ Ҳужвирий. / Салғ үл-маҳжуб, 14-боб, 176-266-бетлар.

«Рисола ал-маломатиййа» асари маломатийлик ҳақида маҳсус яратилган илк манбадир.

Унинг муқаддимасида «суфий» ва «маломатий»ларни ажратиб кўрсатишга мойиллик бор. Суфийлар ҳақида гапирганда, кўпроқ, «хос аҳли» атамасини ишлатса, маломатийларни «хоссат ул-хосса» яъни хосларнинг хоси деб улуғлади. Суламийнинг «Рисола ал-маломатиййа» асари чет эл шарқшунослари томонидан инглиз ва француз тилларига таржима қилинган.⁸ Ушбу рисола юзасидан муайян илмий кузатувлар олиб борилган.⁹

Суламий Ҳамдун ал-Қассор (в. 271/884) ҳақида алоҳида тўхталиб, уни Нишопур маломатийлик тариқатининг пешвоси деб танишириди.

Ҳамдун ал-Қассор ҳалқаси Нишопурдаги ягона маломатийлар гуруҳи бўлмаган кўринади. Чунки манбаларда шу даврда Абу Ҳафс ва Абу Үсмонлар етакчилик қилган маломатийлар ҳақида ҳам маълумотлар берилган.¹⁰ X асрда Ироқ суфий мистик мактаблари довруғи бутун ислом оламига ёйилган бўлса-да, маслакда деярли бир хил ғояларга асосланган бошқа минтақалардаги мистик гуруҳлар ўзларини суфий деб атамаганлар. Масалан, гарчи чуқур мистик мазмунда бўлса-да, Ҳаким Термизий асарларида суфий атамаси ишлатилмаган. Абу Абдуллоҳ Муҳаммад ибн Абдуллоҳ ал-Ҳаким ал-Найсабурий ал-Байийий (в. 409/1014) томонидан ёзилган «Тарихи Нишопур» асарида IX–X асрларда Нишопурда яшаган олимлар, уламолар, машҳур кишиларнинг таржимаи ҳоллари берилган. Бу китобда 50 га яқин мистиклар ҳақида маълумот бор. Уларнинг бирортаси ҳам суфий ёки мало-

⁸ The Malamatiyya Epistle Roger Deladrière: Sulami: la lucidité Implacable (*Epître des hommes u blâme*). Paris: Arlea, 1991.

⁹ R.Hartman «Al-Sulami's Risalat al-Malamatiyya». In: Der Islam, Vol. 8 (1917-18).

¹⁰ Sara Sviri, pp. 596-597.

матий деб аталмаган. Улар күпроқ зуҳход, уббод ёки музаккирин (зикр құлувчилар) деб аталған. Суфий атамаси фақат Абу Бакр ал-Воситий (в.320/932) га нисбатан ишлатылған. Суламий Ҳаким Нишопурдан кейинроқ ўзининг «Табақот»ида Нишопурда тасаввуф X асрда яшаган Абу Үсмон ал-Хирийдан тарқалды, дейди (минхұ инташара тариқат ал-тасаввуф би Найсабур, Табоқот, 170-бет). Суламий нишопурлық бўлиб, таниқли хонадон вакили эди. У Абу Амр И smoил иби Нужайиддининг шогирди бўлган. Абу Амр И smoил Суламийнинг она томонидан бобоси бўлиб, IX аср охирларида Нишопур маломатийлик ҳаракатининг пешволаридан бўлган Абу Үсмон ал-Хирийнинг машҳур халифаларидан эди. Шарқшунос Bulliet «Аҳволи Нишопур» асарига суюниб, Нишопур шайхларини суфий деб аташ сал кейинроқ, аниқроги X асрдан бошлаб одатга айланганлигини таъкидлайди.¹¹ Демак, Суламий бобосининг пири муршиди бўлган буюк маломатий орқали Бағдод ва Хуросон мистик мактаблари ўртасига умумий чизиқ тортмоқчи бўлган бўлиши мумкин.

Ироқ суфийлари ҳам уларни ўзларидан фарқлаганлар. Калободий ва Саррож хуросонлик бўлсалар-да, ўз асарларида асосан, X аср Бағдод мактаби вакиллари ҳақида маълумот берадилар. Саррож тилга олган асосий шайхлардан бири Жаъфар Хулдийдир (в. 348/959). У IX аср буюк мистикларидан Жунайд Бағдодий ғояларининг таргитотчиси бўлган. Саррож Хуросон машойхлари ҳақида жуда қисқа тўхтатади. Ҳамдун ал-Қассор ёки Ҳаким Термизийлар ҳақида умуман маълумот бермайди. Бу тасодиф бўлмай, ўша даврларда Бағдод ва Хуросон тариқатлари ўртасида бирлик бўлмаганини кўрсатади. Буни Суламий «Табақот»ида келтирилган Жаъфар Хулдийнинг Ҳаким

¹¹ R.W.Bulliet, The Patricians of Nishapur .Cambridge:Harvard University Press,1972, p. 41.

Термизийга берган баҳосидан ҳам билиш мумкин: Жаъ-фар Хулдий «Мен тасаввуф ҳақида бир юз ўттиз рисола ўқиганман» – деганида мен сўрадим: «Ҳаким Термизийнинг бирор асарини ўқиганмисиз?». У жавоб берди: Мен уни суфий деб ҳисобламайман».¹²

Бир қарашда Хулдий Ҳаким Термизийни обрўсизлантиргандек. Агар чуқурроқ мулоҳаза қилинса, бу даврларда суфий, тасаввуф истилоҳлари асосан, Бағдод мактаблари билан боғлиқ ҳолда тилга олиниши анъана бўлгани ҳисобга олинса, масала равшанлашади. Шарқшунос Сара Свирининг таъкидича, Суламий ислом мистикасининг шаклланиш йилларида тасаввуфга нисбатан яхлит ҳаракат сифатида тасаввур уйғотишга уринган, Нишопурда пайдо бўлган илк маломатийлик ҳаракатига ижобий қараган, Бағдод ва Хурросон машойихларини бир китобда жамлаган илк муаллифdir.¹³

Ўша даврларда Нишопур ғарбда Бағдодга, жанубиғарбда Шероз ва Форс кўрфази, шарқда Марказий Осиё ва Хитойга бориладиган савдо йўли чорраҳасида жойлашганлиги учун Хурсоннинг Марв, Ҳирот ва Балх каби марказий шаҳарларидан ҳисобланар эди. Тоҳирийлар сулоласи (820–873) ҳукмронлиги даврида пойтахтга айланди.

945 йилда Бағдод Бувайҳийлар қўлига ўтиб, сунний жамоалар тақиқ остига олина бошлагач, Нишопур амалда сунний ислом оламининг бош шаҳрига айланди. Сунний олимлар, ҳунармандлар, тоҷирлар Нишопурга оқиб кела бошлиди. Ислом оламидаги турли илмий, фиқҳий - мазҳабий, фалсафий ва суфий мактабларнинг тортишув майдонлари Нишопурга кўчди.

Тортишувлар, асосан, ҳанафийлар ва шофеийлар ўргасида кечган. Ҳанбалийлар ва моликийлар Нишопур-

¹² Суламий. Табақот. 434-бет.

¹³ Sara Sviri, p.595.

да кам бўлгани учун уларнинг аралашуви аҳамиятли бўлмаган. Шунингдек, шша гуруҳлари ва карромийлар ўртасида ҳам кескин зиддият мавжуд бўлган. Олим Сара Свири ўзининг Ҳаким Термизий фаолиятига бағишланган тадқиқотида бу ҳақда тўхталиб ўтади. Сара Свири ҳанафийлар ва шофеийлар ўртасидаги кураш сабабини мұтазила фаолияти билан боғлади. Унингча, ҳанафийлар мұтазила гуруҳига мансуб эдилар, шофеийларнинг асосий кўпчилигини эса «аҳли сунна вал ҳадис» бўлган ашъарийлар ташкил қиласиб эдилар.¹⁴ Бу фикрга қўшилиб бўлмайди. Чунки X асрга келиб мұтазилага қарши курашда барча мазҳаблар бирлашиб ултурган эди. Иккинчидан, мұтазила гуруҳларини фақат ҳанафийлик мазҳаби билан боғлаш ҳам тўғри эмас. X асрда мұтазиланинг мавқеи тушиб кетган, уларнинг ашаддий тарафдорлари бу даврларда анча кенг қулоч ёйган «ал-фалсафа» аҳли таркибиغا сингган эди. Уларни бирор мазҳабга бўйсуниш жиҳатидан ажратиб кўрсатиши мушкул.

Маломатийлик ҳаракатининг кучайишига ана шу диний-мазҳабий олишувларнинг авж олиши сабаб бўлди. Уламоларнинг олимликни даъво қилиб, керак-нокерак назарияларни ўртага ташлаши, шайх ва зоҳидларнинг сохта обрў орттириш йўлида риёга зўр бериши, уларнинг ҳокимият ва мафкуравий етакчиликни қўлга олиш учун эътиқодни воситага айлантирганликлари айрим соғлом тақволи уламоларнинг ички норозилигини уйғотди. Улар жамиятда тобора устуворлашиб бораётган бу ижтимоий иллатга чап бериш, риёкорликдан сақланиш учун ўзларини маломатга қолдириш, қасдан бадном бўлиш орқали нажот топишга ошиқдилар.

Абу Наср Музаҳар ибн Тоҳир ал-Мақдисий (в.380/990) «Китоб ал-Бадаъ ва-л-тариҳ» асарида суфийларга таъриф берар экан, уларнинг баъзилари ибодат қонун-

¹⁴ Sara Svirī, p. 586.

қоидаларига риоя қылмайдилар, айримлари ибоҳат (номуносиб амал)га асосланадилар, таъна-дашномларга парво қылмайдилар деб таъкидлагандан, шубҳасиз, маломатийларни назарда тутган бўлиши керак. Шу билан бирга, ўша даврларда ёзилган барча асарларда маломатийларга салбий баҳо берилганини эсдан чиқармаслигимиз лозим. Суламийнинг тазкира ва рисоласи ҳам шу даврда ёзилган. Бироқ, Суламий истисно. У ўзининг «Суфийлар табақаси» муқаддимасида бу тазкира мусулмон мистиклари орасида кенг тарқалган атама «Ҳол арбоблари» (Арбоби аҳвол) ҳақидалигини таъкидлаб, уларга табаъ тобаъиндан бошлаб ўзининг замондошлари ичида валий даражасига кўтарилган машойиҳларни киритади.

«Табақоти суфия» асари, дарҳақиқат, илк тасаввуф тарихи, унинг таълимоти ҳақида муайян билим берувчи бош манбалардан биридир. У кейинги даврлар тасаввуф тарихини ёритиш услублари ва шаклларига асос бўлиб хизмат қўйди.

Тасаввуф тарихида бурилиш ясаган яна бир манба Шайх Колободийнинг «Таарруф ли мазҳаби аҳլ ат-тасаввуф» асаридир. Абдураҳмон Жомий ўзининг «Нафаҳот ал-унс» асарида унга жуда катта баҳо берган ва тасаввуф илмининг (назарияси) яратилишидаги ўрнини алоҳида таъкидлаган.¹⁵ Ушбу асарнинг муҳимлиги шундаки, унда тарқоқ ҳолда ривожлантириб келинаётган суфиёна қарашлар шу даврларда жамиятнинг мафкуравий муҳитида етакчи ва йўналтирувчи куч бўлган каломнинг ижтимоий қарашлари билан уйгунлаштирилди. Бу билан Колободий бир томондан тасаввуфни калом ҳужумларидан сақлаб қолди ва иккинчи томондан, уни шариат илмларининг бири дараҷасига олиб чиқди.

¹⁵ Жомий ёзади «Агар таарруф набуди, тасаввуф доиста на шуди». Нафаҳот ал-унс, кўллэзма. 15^а - варақ.

«Табақоти суфия» асари ислом дүнёсидаги турли мистик анъаналарни ва мактабларни суфийлик номи остида бирлаштирган бўлса, «Таарруф ли мазҳаби аҳл ат-тасаввуф» суфийлик ва шаръий қалом предметларини умумийлаштириди ҳамда тариқатларнинг шу ғоялар остида ривожланишига йўл очиб берди.

Х асрдан кейин ислом оламида мафкуравий жангжадаллар тинчланиб, тасаввуф таълимоти диний-ирфоний билишнинг етакчи таълимотига айлангандан сўнг нафақат барча мистик жамоалар, балки суфий бўлмаган тақводор ва билимдон олимлар ҳам суфийлар деб атала бошлаган. Айрим пайтларда ҳақиқий суфий тушунчаси остида фақат зоҳидлар тасаввур қилинган. Колободийнинг «Китоб ат-таарруф», Сарроҗнинг «Китоб ал-Лума» Суламийнинг «Табақоти суфия» ва кейинчалик Қушайрийнинг «Рисола фи илм ал-тасаввуф», Ҳужвирийнинг «Кашф ал-маҳжуб» асарларининг мазмун мундарижаси кейинги даврларда барча мистик мактаб ва йўналишларнинг бир ном остида умумлаштирилганини кўрсатади. Шундан хулоса қилса бўладики, Суламийнинг «Табақот»и мана шу жараённи бошлаб берган.

ФАЗЗОЛИЙ ТАЪЛИМОТИ

Абу Ҳомид б. Муҳаммад Fazzолий 1058 йилда Эроннинг Тус шаҳри яқинидаги Fazzола деган қишлоқда туғилди. У дастлабки фиқҳий таълимни Тусда Аҳмад Розконийдан, сўнгра Журжонга бориб таниқли муҳаддис, шофиий фақиҳларидан бўлган Исмоил Журжонийдан олди. Тусга қайтиб, уч йил яшагач, Нишопурга борди ва таниқли олим Абдулмалик ибн Абу Муҳаммад ал-Жувайний раҳбарлиги остида фиқҳий билимлар билан бирга, мантиқ илмини ўрганди. Устозининг вафотидан сўнг 28 ёшли Fazzолий Нишопурни тарқ этиб, Бағдодга кетди. Вазир Низомулмulk унинг қобилияти ва истеъододи ҳақида эшитгач, ўзи асос солтан Низомия мадрасасига

таклиф этди. Газзолий Низомулмұлкнинг вафотигача шу мадрасада мударрислик ва раҳбарлик қылды. Сүнгра барча вазифаларни тарк қилиб, Маккага ұаж зиёратига бориш баҳонаси билан саёчатга чиқди ва Шомда Умавия жомеъ масжидида икки йилта хилватнишинлик қилиб, руҳий камолот билан шуғулланды. Сүнг Байт ул-Мақдисга бориб ўн йиллар чамаси зуҳдга берилди. Үнинг «Эхёу улум ад-дин» номли қимматли асари шу даврда яратилди. Тахминан 50 ёшлардан ўтганда Мисрдаги Искандария, Нишопурдаги мадрасаларда дарс берди. Умрининг охирларыда Тусга қайтди. Ҳовлисининг ёнида фақиҳлар учун мадраса, суфийлар учун хонақоҳ қуриб, 1111 йили вафот этгунча шу ерда вақт ўтказды.

Газзолий күп асарлар ёзган. Уларнинг муҳимлари сифатида «Мақосид ал-фалосифа» (Файласуфларнинг мақсади), «Таҳофут ал-фалосифа» (Файласуфларнинг ихтилофлари), «Эхёу улум ад-дин» (Диний илмларнинг тикланиши), «Маҳак ун-назар» (Нүқтаи назарларни күриб чиқиши), «Мишкот ул-анвор» (Нурлар зиёси), «Ал-Мунқиз мин аз-зала» (Залолатлардан қутқарувчи), «Ҳақиқатун-қавлайн» (Икки сўз ҳақиқати), «Рисолат уттайр» (Қуш рисоласи), «Маъқулот» (Тушунчалар) ва яна бир қатор асарларни күрсатиши мумкин. Улар фалсафанинг турли масалаларига, калом ва тасаввуф гояларига бағищланған.

Олимнинг «Ал-Мустасфо» асари фалсафа ва калом баҳсига бағищланған. «Мақосид» асари файласуфлар билан мунозара усулида ёзилған.

Олим «Илжом ул-авом ан-илм ал-калом» асарида ашъарийларнинг Аллоҳ зоти ва сифатлари ҳамда ишилари ҳақидаги мулоҳазаларнинг түғрилигини таъвидлаб, каломға қарши қаратылған эътироziларни рад этади.

Газзолийнинг «Эхёу улум ад-дин» асари ислом оламидаги барча эътиқодий-мистик мунозараларга чек қўйинш ва ягона мақбул таълимот остида бирлашишга чақиравучи фундаментал йўриқномадир. Үнда исломий

иілмлар икки қисмга бўлинади. Биринчиси муомала (инсон амаллари) илми бўлиб, диний ҳужжатларга асосланган барча илмларни, хусусан, калом илмининг ижтимоий аспектларини ўз ичига олади. Иккинчиси мукошафа илмидир. Бу фан тасаввуфда ишорот илми билан ҳам машҳурдир. Мукошафа ғайб илмига дахлдор билимлардир. Бу ўринда Фаззолий барча мистик-кашфий таълимотларни кўзда тутади. Унинг фикрича, оддий халқ уни тушунишдан ожиз ва фаҳми етиши қийин. Бу илмни жуда кам сонли одамлар тушунади. Шу сабабли Мұҳаммад Расулуллоҳ у ҳақида қисқача ва рамз-ишоралар билан тўхталиб ўтган. Қош қўяман деб кўз чиқариб қўймаслик, оддий халқни адаштириб, тўғри тасаввурлардан чалгитиб қўймаслик мақсадида мукошафа илмини китобларда тушунтириш, уни оммалаштиришга рухсат йўқдир, дейди олим. Шунинг ўзиёқ Фаззолийнинг тобора кенг қулоч ёзётган тасаввуфдаги ирфоний ғояларнинг оддий халққа тавсия қилишини хоҳламаганлигини англатади. «Эҳёу улум ад-дин» асарида асосан, муомала илмидан баҳс юритилади. Ушбу асарда каломниңг ижтимоий аспектлари таҳлил этилади. Уларда тасаввуф мактабларининг ижтимоий қарашлари ҳам, комил мусулмонни тарбиялашга қаратилган диний аҳком ва суннат қўрсатмалари ҳам калом принциплари доирасида бир тизимга келтириллади.

Асар тўрт қисмдан иборат. Биринчи қисмida ибодатлар ва ақоид, иккинчисида ҳар бир нарсани бажариш тартиб-одблари, яъни ҳалол ва ҳаромни фарқлаш, суҳбат одоби, узлат, само ва важд, ал-амр бил-маъруф ва ан-наҳй ан ил-мункир ҳақида хабардорлик борасида сўз юритилади. Учинчисида ҳалокатга элтувчи амаллар (муҳлиқот) ҳақида, яъни қалб ажойиботлари шарҳи, тилдан келадиган оғатлар, ғазаб, дунёпарастлик ва ҳоказо иллатлар, шунингдек, нафс билан кураш, шаҳватни енгмоқ масалалари ҳақида, тўртинчисида мунжиёт, яъни нажот топишга ёрдам берувчи амаллар, яъни тавба, сабр

ва шукр, Аллоҳдан қўрқиши ва умид қилиш, фақр ва зуҳд, тавҳид ва таваккул, муҳаббат, шавқ, ризо, сидқ ва ихлос, ўз камолотини назорат қилиши, нариги дунё зикрини қилиши каби қатор яна бошқа масалалар ҳам ёритилган.

Ғаззолий табииёт соҳасида асар ёзмаган бўлса-да, калом ва фалсафа баҳсларида табиий фанларга бир неча марта мурожаат қиласди. Ҳар бир ўринда унинг қарашлари марказида жамият, дин, ахлоққа доир фалсафий масалалар туради. «Мақосид ал-фалосифа» (Файласуфларниң мақсади), «Таҳофут ал-фалосифа» (Файласуфларниң ихтилофлари), «Маҳак ун-назар» (Нуқтаи назарларни кўриб чиқиши), «Ал-Мунқиз мин аз-залал» (Залолатлардан қутқарувчи) асарларини яратишдан мақсади фалсафа тамойилларини рад этиш бўлса-да, унинг фикр ва хулосалари фалсафий оҳангни эслатади. У гоҳ билиш жараёнида ақлий тафаккурниң имкониятини чекласа, гоҳ дин ҳақиқатини ақл-мантиқ билан кашф этишини юқори қўяди. Бир жойда фалсафани кескин танқид қисса, бошқа жойда дин таълимотини ҳимоя қилиш мақсадида фалсафий далилларни келтиради. Аллоҳ зоти ва сифати масаласи ҳақидаги ўринларда яна фалсафий усуслардан фойдаланади.

Ғаззолийнинг ёзишиб, математика-риёзиёт, миқдор ва саноқ билан боғлиқ фанларниң ривожи дин аҳкомларининг инкори ёки тасдигига таъсир кўрсатмайди. Бироқ, сиёсий, ахлоқий фанлар динга бефарқ эмаслар, чунки уларниң мағзини фалсафа ташкил этади. Шунинг учун ҳам Ғаззолий баҳсларида асосий мавзу файласуфларниң мулоҳазаларини танқидий кўриб чиқишига бағищланди.

У «Файласуфларга раддия» асарида файласуфларниң мантиқан асоссиз деб ҳисоблаган уч тезиси: дунёниң абадийлиги, Аллоҳниң моддий дунёдан хабарсизлиги ва ўлгандан сўнг жисмоний тирилиш йўқлиги ҳақидаги ғояларини чуқур таҳлил қилиб, 17 та асосий хулосасини рад этди. Ғаззолий файласуфларни бегона таълимотни тарғиб этгандари учун эмас, балки илоҳиёт

билин боғлиқ (метафизик) мулоҳазаларида мантиқ ортидан қувиб, жиддий чалкашиб кетганиликда ва Аллоҳнинг оламни яратишдаги ролини иккинчи даражага тушириб қўйганиликда айблади.

Фаззолий баҳс мавзусига олиб чиққан асосий масалалар қўйидагилардан иборат:

Оlam, замон ва маконнинг азалийлиги.

Аллоҳ таоло зоти ва унинг сифатлари.

Аллоҳнинг ўзига хос илми ва оламнинг яратилиши.

Оlam тартиби ва юлдузлар сири.

Жавҳар (бўлинмас зарра), ибтидо ва ҳ.

Файласуфлардан фарқли, Фаззолий оламнинг вақтда чекланганлик foясини илгари сурди. Модомики, Аллоҳ оламларни яратишдан олдин мавжуд экан, у хоҳлаган пайтида уларни яратиши мумкин эди. Файласуфлар «Биринчи сабаб ва оламни яратилиши бир пайтда юз беради, чунки нарсанинг мавжуд бўлиши – сабабнинг мавжудлигидандир» деб ҳисобласалар, Фаззолий буни Аллоҳ ирода-хоҳиши билан боғлайди. Файласуфларнинг сабабият занжирининг чексизлигига алоқадор foялари биринчи ҳаракатлантирувчи кучга боғланади ва у ўз-ўзига зарурый, сабабдан холи моҳиятдир. Яратиш модели бири иккинчисини яратиш асосига қурилган. Фаззолий Аллоҳнинг олам яратилишининг барча қисмларида иштирок этишини таъкидлади. Унингча, Аллоҳ оламни ўйқдан бор қылган, унинг жисми ва шаклини, нарсаларни ўз ихтиёри ва иродаси билан яратган. Аллоҳ нарсани вужудга келтиришдан олдин ҳам, кейин ҳам унинг қанақа бўлишини билади. Барча неъматлар ундандир.

У файласуфларнинг олам Худо билан бир пайтда яралган ва биринчи сабаб фақат номоддий осмон сфераларини назорат қилади, деган фикрига қарши далил сифатида абадий осмон сфераларининг моддий оламдаги ўзгарувчаникка сабаб бўлишини мантиқий эмас деб ҳисоблайди. Агар оқибат (осмон сфералари) абадий

бўлса, улардан келиб чиққан ўзгарувчан ва вақтингча мавжуд жисмлар ҳам абадий бўлиши керак.

Газзолий файласуфларнинг вақт тушунчасини ҳам теран таҳлил қиласди. Арасту вақтни абадий ва узлуксиз ўзгарув, ҳаракатлар силсиласи деб ҳисоблаган. Бир сўз билан айтганда, вақт бошқа ҳаракатларни сон жиҳатдан ўлчовчи ягона ҳаракатдир. Газзолий файласуфларнинг принципларидан келиб чиқиб, Аллоҳнинг вақтдан олдин мавжуд бўлганини таъкидлайди: «Вақт яратилган. У инсонлар тафаккурида пайдо бўлган. Бунга оламдаги ўзгарувчанлик сабабдир».

Унинг асосий қарашларини шундай жамлаш мумкин:

1. Аллоҳ сабабга эҳтиёжи бўлмаган Вужуддир. Унинг ўзи барча нарсаларга Сабабдир. Унинг мавжудлигини ақл-мантиқ билан билса бўлади. У нарсаларнинг биринчи сабабидир. Аллоҳ ваҳий орқали инсонга маълум бўлган. Аллоҳ Ягонадир, Воҳиддир. Унинг вужудида иккилик йўқ (яъни дуализм). Аллоҳ зоти ва сифати билан азалий, қадимдир. Баъзи сифатлари унинг зотига тааллуқлидир (зотий). Масалан, ҳаёт, қудрат, ирода, илм, кўриш, эшитиш, нутқ каби сифатлар унинг зотий сифатларидир. Ва баъзилари ундей эмас. Аллоҳ оламни йўқликтан бор қилган. Оламнинг жисми ва шаклини, нарсаларни ўз ихтиёри ва иродаси билан яратган. Аллоҳ нарсани вужудга келтиришдан олдин ҳам, кейин ҳам унинг қанақа бўлишини билади. Барча неъматлар ундандир.

2. Фаришталар бор мавжудотлардир. Лавҳи Маҳфуз бор нарсадир. Барча пайғамбарлар унинг борлигини тасдиқлаганлар.

3. Пайғамбарлик ҳақиқатдир. Улар Аллоҳнинг юборган элчиларидир. Аллоҳ уларни гайб йўли билан (инсонга маълум бўлмаган йўл) осмону ер сирларидан огоҳ этадилар ва пайғамбарлар халқни тўғри йўлга бошлийдилар.

4. Пайғамбарларга мўъжиза ва ғайритабиий ишлар қилишга қобилият берилади.

Фаззолий эътиқодда сунний, шофиий мазҳабидаги ашъария мутакаллимни эди. У фалсафий тафаккур билан кескин мубоҳаса жараёнида ашъария ғояларини шу қадар такомиллаштириди, бурчакда мутакаллимларнинг ҳужумидан хавотирланиб турган тасаввувф намояндалари таълимотига деярли яқинлашиб қолганини сезмай қолди. Балки бу тасодифий бўлмаган ва бунда Фаззолийнинг муҳожирлик йилларида ўтказган руҳий камолот йўлидаги изланишлари ўз таъсирини кўрсатган бўлиши мумкин. Фаззолийнинг асарларида калом ва фалсафа баҳси асосий ўринда бўлса ҳам, ўз-ўзидан тасаввувфойдасига хизмат қиласиган хулосалар ясалган ва тасаввувфнинг шариат олдида ўзини назарий жиҳатдан оқлашига имкон ва асос яратиб берилган эди. Албатта, шуни таъкидлаш керакки, Фаззолий тасаввувфни ҳимоя қилиш учун ҳаракат қилмаган. Унинг мақсади ашъария мутакаллимни сифатида) шариатни ҳимоя қилиш, исломни турили ғайри исломий фалсафий ва сиёсий йўналишлардан тозалаш эди, шу сабабдан ҳам у исломни ҳам фалсафий, ҳам фиқҳий-мазҳабий, ҳам ахлоқий нуқталардан туриб ҳимоя қилишга уринди. Шунинг учун ҳам у ҳақли равишда «Хужжат ул-ислом», яъни ҳақиқий мусулмон унвони билан машҳурлик топди. Ҳар ҳолда Фаззолийнинг асарлари тасаввувфнинг илм майдонига эркин тушиши, Шайх Колободий ва Абу Наср Сарроҷ каби тасаввувф назариётчиларининг концепциялари тўлиқ тан олинишига хизмат қилди.

ИБН АЛ-АРАБИЙ ВА УНИНГ ТАЪЛИМОТИ

Буюқ мутафаккир Муҳйиддин ибн ал-Арабий (в.1241) асли испаниялик бўлиб, Суриядада вафот этган.

Вужуд муаммоси ислом фалсафасини илк шаклланиш давридан қийинаб келаётган метафизик муаммо эди. Эслаш жоизки, ислом фалсафасининг илк даврларида, хусусан, унинг вакиллари ал-Киндий, Форобий, Ибн Сино

ва Ибн Рушд фаолиятида «Вужуд» муаммоси кўпроқ «Мавжудлик» феномени нуқтаи назаридан диққат марказига қўйилганди. Бунда «Вужуд» муаммоси, асосан, «мавжуд»ларнинг, яъни реал нарсалар ички қонуниятининг (тузилишининг) бир қисми сифатида қаралар эди. Биринчи марта «мавжуд»дан «вужуд»га ўтиш Ибн ал-Арабий концепциясида мустаҳкамланди. Бунга, қайсиdir маънода, Ибн Сино таълимоти қўл келган бўлиши мумкин. Ибн Сино вужуд муаммосига «мавжуд»ни ташкил қилувчи компонент сифатида қараган ва Вужудни «Моҳият»нинг сифати (акциденти) деб билган. Айни шу мулоҳаза «Ваҳдат ул-вужуд» концепциясининг яратилишига турткি берган бўлгандир балки. Ибн ал-Арабий асарларида бу ўға ривожлантирилиб, таълимот даражасига кўтарилди. «Ваҳдат ул-вужуд» таълимоти вужуд воқелигини ҳис қилиш ҳақидаги метафизик қарашларнинг мантиқий қурилмаси (реконструкцияси) дейиш мумкин.

Биз шу ерда «моҳият» ва «вужуд» каби метафизик тушунчалар ўртасидаги фарққа аниқлик киритиб олишимизга тўғри келади. Моҳият – нарсаларга умумий қарашимизнинг фалсафий ифодасидир. Биз ҳар кунги ҳаётимизда атрофимизни ҳар томондан ўраб олган «нарсалар», яъни «мавжуд моҳиятлар» қамраб турган олам билан юзма-юз келамиз. Биз кузатаётган барча нарсалар «мавжуд бўлган» нарсалардир. Ҳеч қаерда вужуд ўзининг соғ ҳолатида кўринмайди. Шу нуқтаи назардан, мавжудлик моҳият демакдир. Моҳиятпаратлар (яъни файласуфлар) «Вужуд» категориясига моҳиятларнинг сифатлари ёки мулкидан бошқа нарса деб қарамайдилар. «Ваҳдат ул-вужуд» таълимотида, аксинча, моҳият ва вужуд ўртасидаги тескари алоқадорликни кўрамиз. Вужуд бунда асосий. У ягона воқеликдир (ҳақиқат), моҳиятлар унинг сифатларидир.

Вужудийлар файласуфлар Моҳият деб қабул қилган тушунчани фақат Аллоҳга нисбатан ишлатадилар. Си-

фатларнинг тажаллий қилишини Асмо, яъни исмлар дейдилар. Асмо бўлмаса, сифатлар ўзларини зоҳир қила олмайдилар. Асмо – кўзгудир. Асмо шунинг учун ҳам кўзгудирки, улар илоҳий борлиқнинг бутун сир-синоатини кўрсатади. Бу – илоҳий тажаллиёт назариясидир. Асмо кўзгу эканлигига яна бир сабаб бор. Аллоҳ олами ни йўқдан (Адам) бор қилган. Илоҳий сифатлар адам – йўқлик сифатларига қарама-қарши равишда зуҳур этади. Йўқликда (адамда) эшитиш, нутқ, назар, амал инсон тушунган ва тасаввур қилган тарзда мавжуд эмас. Аммо у бор, яъни тажаллиётда намоён бўлади. Эшитиш, Гапириш, Кўриш, Қудрат ва Амал (Аллоҳнинг эзгу амаллари) тажаллиётда амалга ошади. Улар Аллоҳнинг зотида бор. Аллоҳ зоти мукаммал бўлиб, абадий ва доимийлик сифатига эга. Адам – йўқликнинг сифатлари номукаммал, вақтинча ва ўткинчидир. Аллоҳ ўз илмларини ишга солишига Ибтидоий ҳаракат ёки Ибтидоий доира дейилади. Ушбу босқични Ибн ал-Арабий Муҳаммад ҳақиқати – (ҳақиқати Муҳаммадия) деб номлади. Бу истилоҳ унгача ҳам айрим суфийлар томонидан тилга олинган. Христиан илоҳиётшунослиги тарихида ушбу жараён Христос (Масиҳ) босқичи номи билан машҳур.¹⁶

Шуни эслатиш лозимки, моҳият ва вужуд тушунчалари инсон тажрибасининг содда даражасида бир-бирига қарама-қарши эмас. «Моҳиятпарастлик» юқорида айтилганидек, барча томонидан эътироф этилган табиатни жузъий билиш тажрибасининг мантиқий фалсафий ривожидир. Шу маъниода «вужудпарастлик» онгимиздан ташқаридағи Вужудни ўрганиш, яъни унинг базасидаги метафизик тизимни англатади. Бунда Ҳақиқатни ҳис этишдан туғилган мистик, экстатик ҳолат назарда тутилиб, унда воқелик (Ҳақиқат) ўзини муроқаба кенгликларидаги трансцендентал онгда намоён этади.

¹⁶ Khan Sahib Khaja Khan. Studies in tasawwuf, Madras, 1923, p. 10.

Мұхәммәддин ибн ал-Арабий назариясига күра, олам ягона Аллоҳ вужудида пайдо бўлган. Шунинг учун барча оддий моддий-номоддий нарсаларда У мужассам. Аллоҳ ва олам, яъни бошқача айтганда, Ваҳдат ва қасрат олами яхлитдир. Бутун борлиқ Илоҳ моҳиятини акс эттирувчи кўзгулардан иборат.

Ибн ал-Арабий бўйича, «борлиқнинг бирлиги (ваҳдат) нуқтаи назаридан қаралса, борлиқ яхлит бўлгани учун унинг оламдаги қўриниши (сояси) ҳам Аллоҳдир, чунки Аллоҳ – Ягонадир (ал-Воҳид), Яккадир (ал-Аҳад), оламнинг турфашакллиги (қасрат) нуқтаи назаридан эса Аллоҳ – оламдир».¹⁷ Илоҳий Ибтидо – бутун борлиқнинг ўзи-дир, У абадий ва шу вақтнинг ўзида ҳамиша ҳаракатда, чексиз тажаллийдадир. Аллоҳ тажаллийси чексиз имконнга эга, шунинг учун бу олам турфаҳиллиги ҳам чексиз. Шабистарий 1311 йилда «Гулзори асрор» деган достон ёзиб, 18 та саволга жавоб берганда, шу масалаларни шеърий баён қилган. Абдураҳмон Жомий ва Алишер Навоий асарларида ҳам бу ҳақида фикр юритилган.

Ибн ал-Арабий оламнинг илоҳий вужудга ўхшашлигини тан олмайдиганларни жиddий танқид қиласади.

«Вужуд» шундай воқеликнинг ҳақиқатидирки, уни инсон ўз миясининг ғайритабиий имкониятларини ишга солганда кузата олади. Исломда миянинг бундай имко-нияти бир қанча техник истилоҳлар билан белгиланади. Шулардан бири «каиғ» дейилади. У «очмоқ» маъносини беради. Бу кечинманинг ички, ботиний тузилиши фано ва бақо истилоҳлари билан белгиланади. Фано йўқ бўлган нарсани англатади. Худди буддавийликдаги нир-ванага ўхшайди. Бунда инсон «Мен» и тўлиқ йўқолади. Ведантадаги инсон руҳи «Атман»нинг «Браҳма» билан қўшилиши фанога ўхшаш. Бақо – тирилмоқ, қолмоқни

¹⁷ Мұхәммәддин ибн ал-Арабий. Фусус ал-ҳикам, Байрут, 1980. 103-бет. Бундан кейинги иқтибослар шу китобдан келтирилган.

англатади. У руҳоний мақом бўлиб, бунда бир марта «йўқлик» ичидаги эриб кетган ва вужуд бирлигининг абсолют мавҳумиятида йўқолиб кетган нарсалар (солик) Адам – йўқликнинг кенгликларида қайта жонланади.

Касрат (кўплик, борлиқ) олами ўзининг беҳудуд турли шакллари билан яна инсон кўз ўнгидаги гавдалана ва ривожлана бошлайди. Аммо «бақо»да кўринган касрат олами билан фано босқичидан кузатиладиган касрат олами айнан эмас. Фанода солик олам ашёларининг қандай қилиб ғуборга айланиб, ўзининг моддийлигини йўқотиши ва вужуд бағрига сингиб кетишини кузатади. Бақода эса ўша нарсаларнинг ҳақиқий моҳияти аниқланади.

Ушбу концепциянинг моҳияти унинг «Фусус ал-ҳикам» (1230 йилда ёзилган)¹⁸ ва «Футуҳот ал-Маккия» асарларида очиб берилгандир.

Ибн ал-Арабий борлиқ ягоналиги концепциясининг монистик асосини икки планда кўриб чиқади. Уларни шартли равишда, «космик» ва «феноменал» деб аташ мумкин. «Борлиқ ягоналиги» уч даражада кўринади: Абсолют, Асмо ва моддий (феноменал) олам даражалари.

Биринчи даражадаги борлиқни Ибн ал-Арабий Вужуди мутлақ, Аллоҳ деб номлайди: «Мен таъкидлайманки, биринчиси ўзи билан ўзи мавжуддир. Мавжудлик борлиқдан ташқари бўлиши мумкин эмас. Аксинча, У вужуди мутлақ бўлиб, унинг ўзидан бошқа манба (мабда)си йўқ. Қисқаси, бу абсолют борлиқ чексиз ва мустақилдир. Алҳамдулиллоҳ, У Аллоҳдир, Тирикдир, Абадийдир ва Қудратлидир» (Фусус, 65-б.). У ягона мавжуд воқеликдир (Ҳақиқат). Оламнинг пайдо бўлиши – Аллоҳнинг «ўз моҳиятини кўриш учун» ўзини ошкор эти-

¹⁸ Фусус (фасс) «кузукдаги қимматбаҳо кўз» маъносини англатади ва қимматбаҳо тош деганда Аллоҳ маърифатининг турли қирраларини ифодалаган пайғамбарлар назарда тутилади. Асар 27 бобдан иборат бўлиб, Одам Атодан Муҳаммад (с.а.в.) гача бўлган пайғамбарларга багишлиланган.

шидир. Бунинг сабаби – «ёлғизлик ғами». Аллоҳ ўзини танитишни, исмларини билдиришни хоҳлаган ва оламни яратишдан мақсад шудир.¹⁹ Ибн ал-Арабий бу фикрларида машҳур құдсий ҳадисста таянади: «Довуд пайғамбар Аллоҳдан бу оламни нега яратганини сұраганида, Аллоҳ: «Мен бир хазина әдим ва маълум бўлишни хоҳладим. Шунинг учун оламни яратдим», деб жавоб қилади. Ибн ал-Арабий ёзади: «Бироқ Аллоҳ тўлиқ тажаллий этмайди. У қоронғилик пардаси (жисмоний вужудлар) ва ёруғлик пардаси (нафис руҳлар) ортида яшириндир. Чунки олам дағал ва нафис материядан ясалган» (Фусус, 54-б.). Шундай мулоҳаза ҳиндуийларнинг ведаларида ҳам бор: Илоҳ «лила» – илоҳий ўйин пайти устига парда «майю» ёпиб олади.

Борлиқ ягоналитидаги иккинчи даража Асмо оламидир. Тажаллий (Аллоҳнинг кўриниши) 2 босқичда кечади: Биринчиси, унинг исмларida илоҳий борлиқ намоён бўлади, иккинчиси, ҳиссий оламнинг турли шаклларида.

Асмои ҳусна, яъни эзгу исмлар бир томондан, ўз соҳиби билан айнан, бошқа томондан эса, ўзининг маълум аҳамияти билан ажралиб туради: ҳар бири Ягона вужуднинг (ваҳдатнинг) бир қиррасини очади ва моҳияттан ўз вазифаси билан бошқа исмлардан ажралиб туради. Бу ҳолат исмларнинг чекланғанлик ҳусусиятига эгалиги ва уларнинг касрат (кўплік) гуруҳига тобе эканлигини анлатади. Қуръони каримда 99 исм келтирилган бўлса-да, Ибн ал-Арабий фикрича, улар беҳисоб.

Моддий оламда исмлар ўз ифодаси, кўринишини топган. Ўз навбатида, Асмои ҳуснада Ҳақиқат тажаллийси мавжуд. Асмои ҳусна яширин оламда (олами ғайб) Аллоҳнинг кўринишидир. Моддий олам – Илоҳий вужуднинг «шаҳодатлар олами (олам шуҳуд)да зоҳир бўлиши-

¹⁹ Қарант: Corbin H. Creative Imagination in the Sufism of Ibn Arabi. Princeton, 1969, p. 184.

дир. Ҳақиқий, вужуди мутлақ – Аллоҳдирки, унинг моҳияти(зоти)нинг зуҳури оламдир. Ваҳдати вужуд бир вақтнинг ўзида ҳам вужуднинг моддий оламга нисбатан алоҳидалигини, ҳам у билан бирлигини билдиради.

Ибн ал-Арабий айтади: «Биз илоҳий бағрикенгликнинг илоҳий асмодаги қўринишининг мевасимиз» (Фусус, 153-б.). Асмои ҳусна нур янглиғидир ва унинг шарофати билан Аллоҳ сояси у яратган оламга тушади. Нурсиз соя бўлмаганидек, нур ҳам ўзини ёлқинлантирувчи манбасиз бўлмайди. Ваҳдат ул-вужуд бир вақтнинг ўзида ҳам вужуднинг моддий оламга нисбатан алоҳидалигини, ҳам у билан бирлигини билдиради. Асмо, шундай қилиб, Вужуди мутлақ (Абсолют) ва Вужуди муқайяд (феноменал, моддий олам) ўртасидаги мұхитдир. Демак, Асмо, яъни исмлар абсолют ва моддий олам ўртасидаги занжир ҳалқаси бўлиб, абсолютта нисбатан тобе, моддий оламга нисбатан ҳукмдор ҳолатидадир.

Ибн ал-Арабий Умум (кулл) ва қисм (жузъ) маъноларини тушунтиришга ўтганда ўз фикрларини мураккаб суфиёна истилоҳлар билан ифодалайди. Унинг «асмои ҳусна»си фақат илоҳий сифатларни белгиловчи теологик категориялар эмас, балки фалсафий ғоялар (ал-умур ал-куллия) ҳамдир. Умум ва қисм ўртасидаги алоқа ва уларнинг Аллоҳ билан нисбати қандайлигини тушунтирап экан, Ибн ал-Арабий «Умумий (универсал) ғоялар алоҳида мавжуд эмас, онга аниқ ва равшан бордир», дейди (Фусус, 51-52-б.). Яна: «Нимаики фардий (алоҳида нарса) бўлса, у шу ғоялардан келиб чиқади, шундай бўлса ҳам улар ақл билан қаттиқ боғлиқдирлар ва ақл иштирок этмайдиган алоҳида индивидуал тажаллиёт йўқ» (Фусус, 52-б.).

Учинчى даражада моддий оламдир. Уни Муҳйиддин ибн ал-Арабий «Вужуди муқайяд» (Чекланган вужуд) деб номлайди. Қисқа қилиб тушунтирганда, Ҳақиқат (Вужуди мутлақ) – Аллоҳдирки, унинг моҳияти – зотининг зуҳури оламдир.

Ваҳдат ул-вужуд тизимида илоҳий вужуд шуҳуд (феноменал, моддий) оламидан ҳамиша ўзининг бирламчи ҳолатига қайтишга ҳаракат қиласи: «Барча воқелик бошдан-охир Ундан ва фақат Худодан таралади ва Унга қайтади» (Фусус, 49-б.). Ибн ал-Арабийнинг таълимотида инсон ёки олам Аллоҳ илмидан келиб чиқади ва дунё тажрибасини ўтаб, яна ўз воқелиигига (айн) қайтади. Фақат биргина моҳият мавжуд. У ўзининг «қўплиги»ни (касрат) ўз илмидан ташқарида жилоланирди. Бу тажаллиётда зоҳир бўлган илм – Унинг Ўзидир.

Ибн ал-Арабий ғояларига ўхшаш қарашлар антик давр грек файласуфлари фалсафий мулоҳазаларида кўплаб учрайди. Масалан, бундай ғоялар антик давр файласуфлари (э.ав. VI–V асрлар) Ксенофон Колофоныский, Парменид, Гераклитларнинг фалсафий мулоҳазаларида ҳам учрайди. Ибн ал-Арабий бу ғояни концепция даражасига олиб чиқди.

Афлотун ўзининг архетиплар ҳақидаги таълимотида фақат бир дунёвий Рӯҳ мавжуд бўлиб, унинг бағрида инсоният руҳлари мавжудлиги ҳақида гапирган. Шунга биноан, Универсал (коинот) индивидиумдан олдин мавжуд бўлган. Қуръони каримнинг бир қанча оятларида «Лавҳ ул-Маҳфуз», «Китоби мубин» борасида айтилган хабарлар (Аҳзоб сураси, 6-оят; Ёсин сураси, 12-оят) қайсиdir маънода, архетиплар ҳақидаги таълимотда акс этган ғояларни эслатади.

Муҳийиддин ибн ал-Арабий фикрлари Плотин ғояларида акс этган. Унингча, «касрат (қўплик, турфахиллик) бевосита Ягонадан эмас, балки Ақлдан тарқалган. Ақл ўзи ибтидодан олган ғояни руҳга беради. Ақл уни ўзининг нури билан ёлқинлантиради, унга онг беради, бир сўз билан айтганда унда ўз қиёфасини муҳрлайди. Аммо Ақл Биринчи вужуднинг нусхаси бўлса ҳам у касратга эга. Биринчи Вужуд Ягонадир, у ҳеч қандай қиёфа, шаклига эга эмас. Шуни тан олмоқ зарурки, Биринчи ибтидо

касратдан холидир. Акс ҳолда, у ўзидан юқори турадиган Воҳидга муҳтож бўлиб қолар эди».²⁰

Неоплатончиларнинг таълимоти Абу Наср Форобий томонидан исломлаштирилди ва такомиллаштирилди. У Ҳақ таолонинг ички (ботиний) ва ташқи оламларга ёйилган аксининг даражалари ҳақида гапириб, бу акснинг онгдан ташқари (трансцендент) ва моҳиятнинг абадий эканлигини тушунтириди. Шундай бўлса ҳам Муҳийиддин ибн ал-Арабий таълимоти юонон мутафаккирлари гояла-ри таъсирида яратилган дейиш унча тўғри эмас. Чунки тасаввуфда билим илҳом воситасида қўлга киритилади. Суфийларнинг ҳар бири ўз ҳоли даражасида бу билимларни кашф қилиади. Ибн ал-Арабий «Футуҳот ал-Маккия» асарини Маккадаги ҳаёти чоғида рўй берган руҳий ҳолатлар, файз ва илҳомлар туфайли, «Танзилоти мавсилия» асарини эса Мосулда яшаган пайтида ўзига келган илҳомлар сабабли ёзганлигини айтиб ўтган. У ёзади: «Аллоҳга ҳамдлар бўлсинки, илм борасида ҳазрати Расулуппоҳдан бошқасига тақлид қилмадим. Билимларимиз батамом нуқсондан ҳоли сақланган бўлиб, нақл ва ривоятга суюнмайди. Билимимиз ваҳий калом эмас, ваҳий илҳомдир... Бизнинг ва бу йўлдагиларнинг билим манбаи ақлу тафаккур эмас, файзи илоҳийдир... «Футуҳот ал-Маккия»нинг бирор қисмини иродамга ва ақлимга асосланиб ёзганим йўқ. Ҳақ таоло илҳом орқали қайтарзда етказган бўлса, ўша тарзда ёздим...»

Шуни ҳам эътибордан соқит қилмаслик керакки, Ибн ал-Арабий ўз руҳий кечинмалари ва назариясини асослашда ўзигача кент доирада маълум бўлган юонон файласуфлари истилоҳлари ва фалсафий баён усулидан фойдалангани кўриниб туради. Муҳийиддин ибн ал-Арабий бўйича, олам сабабий яратилмаган, балки, Аллоҳ измида мавжуд бўлган. Унинг илми унинг зоти каби абадий-

²⁰ Плотин. Избранные тракты. – Минск-Москва: 2000, с. 222.

дир. Бу, худді қоронғи музейда чироқ ёқилтанды барча нарсалар бирдан ёришиб кетганиңа үшаш ҳол. Илм чироқ мисол ёриттанды борлық, олам даражама-даражада тараққий этди ва ниҳоят зуҳур этди. Илмнинг ушбу хөхиши Моҳиятдаги нұқсон – етишмөчилік әмас. Бир томондан, бунда зуҳур этиш әмас, Уннинг үзини сингдидирип бориши күзатылади ва иккінчи томондан, У үзини үзидан ажратади ва шунда уннинг сифатлари зуҳур эта-ди. Илоҳий вужуднинг зуҳур қилиш шаклларининг сон-саноқсизлиги тажаллиёттіннің доимий, узлуксиз жараённи натижасидір: Илоҳий тартиб (ал-амр) – бу тұхтөвсиз ҳаракатдир, ботиндан зуҳурға (күринишга) ўтишдір (Фусус, 203-б.).

Хулоса шуки, оламдаги турфахиллик яратылған ва Илоҳий вужудға нисбатан иккінчи даражалидір. Олим-лар бу неоплатоник ғояни антик философия вакиғи Прокл (410–485) таъсирида Ибн ал-Арабий шундай шарҳлаган деган фикрни билдирганлар.²¹ Прокл учлигіда Ягона (Аҳад, Единое) дастлаб үзіда сокин бўлади, сўнг ўз че-гарасидан чиқади ва ниҳоят, яна ўзига қайтиб келади. Ваҳдат-ул вужуд тизимида ҳам моддий (феноменал) олам-даги ўз исм ва сифатига эга бўлмаган илоҳий вужуд ҳами-ша үзининг дастлабки ҳолатига қайтишга ҳаракат қила-ди: Барча воқелик бошдан охир Ундан ва фақат Худодан таралади ва Унга қайтади (Фусус, 49-б.).

Ягонага (Аҳад) қайтиши комил инсон тарафидан амал-га оширилади. Комил инсон илоҳий ижодкорликнинг гул-тожи, уннинг такомилидір. У узукдаты қымматбаҳо тош янглиғ олам гавҳаридір. У гүё ёмбита уриладиган муҳр янглиғ Аллоҳ хазиналарининг тамал тошидір. Шу маъ-нода инсон Аллоҳ халифаси бўлиб, Уннинг яратылмағари-ни худди хазинанинг муҳри каби асрайди (Фусус, 50-б.).

²¹ Қаранг: М. Степанянц, Восточная философия, Москва, 2001, с.36.

Аллоҳ биринчи ва комил инсон Одам Атога руҳ ато этгунга қадар олам губор босган кўзгу шаклида эди. Ибн ал-Арабий Қуръони каримдаги Сод сурасининг «Эй Иблис, «қўлим» билан яратган нарсага сажда қилишдан сени нима ман этди?! Кибр қилдингми ёки сен (одамга нисбатан) олий (зот) лардан эдингми?!» дейилган 75-оятга суюниб, Одам Ато икки шаклга эга: зоҳирян моддий олам шакли ва ботинан «худо», яъни илоҳий асмо ва сифатлар йиғиндисидан иборат эканлиги фоясини илгари сурди.

Инсон – энг олий хилқат. У илоҳий кўринишларнинг барча шаклларини ўзида мужассамлаштирган. Унда «бор мавжудотнинг сифати бор» (Фусус, 50-б.), унда оламнинг бор воқелиги (ҳақойиқ) мужассамдир (Фусус, 55-б.). Бошқа барчаси Худо сифатларининг ҳисобсиз томонларининг бирини акс эттиради. Олам макрокосм (олами акбар) бўлса, инсон – микрокосмдир (олами сатир). Бошқача айтганда, вужуднинг бирлиги тамойили (Ваҳдат ул-вужуд) ашёлар олами ичидан ҳам татбиқ этилади (Румий шундай дейди: «Сен кўринишда олами сурро бўлсанг ҳам, Моҳиятда олами куброссан»).

Олами сурро ва олами кубро фоялари қадимиј шарқ диний фалсафасида, шунингдек, антик файласуфлар Анаксимен, Пифагор, Гераклит ва Эмпедоклдан тортиб стоиклар ва неоплатоникларгача бўлган антик файласуфларда учрайди. Орфей ва Гностикларнинг қарашларида ҳам бор. Даосизмда ҳам бор,²² Фаззолийда ҳам²³ учрайди. Фаззолий «Инсон катта оламга ўхшатиб яратилган, у кичик нусхадир», дейди. Бироқ Фаззолий оламга мутакаллимларга хос назар билан қараган. Ибн ал-Арабий эса инсонни катта оламдан ажратмайди. Инсон

²² Горохова Г.Э. Универсализм раннего даосизма. Dao и даосизм в Китае. – М.: 1982, с.22.

²³ Наумкин. Абу Ҳамид ал-Газали. – М.: 1980, с.302.

ўзида ҳам илоҳий, ҳам жисмоний манбага эга бўлгани учун Худо ва олам ўртасидаги ҳалқа сифатида илоҳий ва моддий дунёнинг бирлигини таъминлайди.

Инсон – қалбига илоҳий моҳият сингдирилган мавжудот. Суфий символикасида қалб бир вақтнинг ўзида ҳам илоҳий билимлар махзани, ҳам мистик билиш органи (аъзоси) ҳисобланади. Ушбу хулоса вужудийлар наздида ҳадиси қудсийда «На осмон ва на ер, балки қулимнинг қалбида мен борман» деб айтилгани билан тасдиқланади. Қалб худди кўзгу каби илоҳий нурни акс эттиради, унда Ҳақ қиёфасини кўриш учун уни яхшилаб тозалаш керак. Ҳақиқат йўлига кирган соликнинг барча ҳаракати ана шу зангни кетказишга, яъни ахлоқан камолга эришишга қаратилган.

Инсон сезгилари «илоҳий соя» бўлган илоҳий тажаллиётни ҳис этиши мумкин. Аммо бу соя тушган жой, Ибн ал-Арабий бўйича, рангли ойнага ўхшайди. «У илоҳий нурни турли рангда жилолантиради. Ойна шаффоф нурга ўз рангини беради» (Фусус, 103-б.).

Суфийлар Қуръони каримда айтилган: «Биз самоларга, ерга, тоғларга... бердик, аммо улар рад этдилар ва фақат инсон уни кўтарди» (33:72) оятини инсоннинг илоҳиёт махзани (хазинаси) эканлигига тасдиқ келтирадилар. Инсоннинг жоҳиллиги шундаки, у ҳақиқатни ўз вужудидан излаб топиши кераклиги ҳақидаги ўз зиммасидаги бурч ва вазифани унутиб қўйди. Зотан, Ҳақни билиш зоҳирий «мен»дан воз кечиш ва ҳақиқий «мен»ни ўрнатиш орқали қўлга киради.

Суфийни ҳақиқатга етказадиган йўлбошчи – Ишқдир. Бу ҳиссиёт тахайюлни уйғотади. Тахайюлсиз «ғаввос» уммон тубидан «ҳикмат дурлари»ни олиб чиқа олмайди. «Агар кимда фаол тахайюл бўлмас экан, у муаммоларнинг моҳиятини оча олмайди. У кўрдир» дейди Ибн Арабий.

Билим қалбда яширин (қалб – илм махзани) дейиш орқали, мистик аслида Имон ҳақиқатини назарда тута-

ди. Инсон олам яратилишининг сир-синоати, ғайб олами сирларни ақлан идрок этишда қийналгач, билимсизликдан қутилиш ва руҳий барқарорликка эга бўлиш учун эътиқодга берилади. Эътиқод Вужуди мутлаққа чексиз муҳаббат туйғусини ўстиради.

Баъзи олимлар фикрича, ишқ концепцияси асли христианликдан бошланган бўлиб, дастлаб шу гояларни ҳаворийлардан Павел ва Юҳанно мактуб-мурожаатларида кўриш мумкин, баъзилар «Қадимги Аҳдда ҳам мавжуд» дейдилар.²⁴

Ҳақни севишга чақириқлар Веда матнларида ҳам учрайди. Қуръони Каримда ҳам Аллоҳга бўлган муҳаббат орқали ҳақиқатни билиш мумкинлигига ишора этилган қатор оятлар бор.

Шуни алоҳида таъкидлаш керакки, шариатда Аллоҳни севишдан кўра кўпроқ, ундан қўрқиш, унинг амрларига бўйсуниш, Худонинг қаҳр-ғазабига боис бўладиган амаллардан сақланиши тарғиб этилса, тасаввуф ирфонида Аллоҳни севиш гояси энг марказий ўринда туради. Шеърият ишқни атрофлича ҳассос кўйлаш ва ифодалаш учун яхши имкониятга айланди.

Муҳиддин ибн ал-Арабий «Фусус»да Аллоҳни аёлларда мушоҳада қилиш нега энг самарали ва такомилига етган усул эканлигини тушунтиришга ҳаракат қиласи (Фусус, 217-6.). Ушбу мушоҳада обьект ва субъектниң турли қутбга мансублигидан келиб чиқади. «Аллоҳни бевосита мушоҳада қилишнинг имкони йўқ, чунки У ўз зоти билан бу дунёдан алоҳида» (Ўша ерда), инсон (яъни эркак) мушоҳада учун ўзига ўхшатиб яратилган аёлни обьект қилиб олади. Ибн ал-Арабий «аёл эркакнинг қиёфадошидир... агар эркак Аллоҳни аёлда мушоҳада қилса, демак суст диққат қил-

²⁴ Майоров Г.Г. Формирование средневековой философии. -М.: 1979, с.45.

ган бўлади» (Аллоҳ тажаллийси сифатида), агар у аёл унинг жисмидан (қовурғасидан) яратилганидан келиб чиқиб Аллоҳни ўзида мушоҳада қиласа, демак фаол мушоҳада қилган бўлади (Аллоҳ ўз тажаллийсига қарагандек).

Суфий ишқининг чек-чегараси йўқ, чунки билим чашмаси туганмас манбадир.

Суфий учун ҳақиқий билимни бошқаларга етказишнинг реал воситаси (тахайюлни кучайтирадиган) рамзлар ва символлар орқали сўзлашдир. Шунинг учун суфия адабиётида масал, рамз, метафора ва ишоралар кўп учрайди. Айниқса, кўп тарқалган жуфт метафоралар парвона ва шам, булбул ва гул, булар ҳаммаси Ошиқ ва Маъшуқни, яъни ҳақталаб суфий ва Ҳақни ифодалайди. Инсон «Мен»и ва олам «Мен»и томчи ва уммон образлари орқали, ҳақиқатни билиш мастилик билан, ҳақиқат – май воситасида, Пайғамбар ёки пир – соқий образлари орқали ифодаланади.

Мұхьйиддин ибн ал-Арабий бўйича, «Худо – ҳамма нарса демак. У ҳатто ноқис нарсалар ва эътиrozга лойиқ сифатларда ҳам зуҳур қилади» (Фусус, 80-б.). Ҳар бир нарсанинг тескари қутби бордир. Аллоҳнинг жуфт сифатларининг кўриниши сифатида эзгулик ва ёвузликнинг бўлиши объектив ҳолатдир. Бу ҳолат ҳақнинг ўзини зуҳур этиш хоҳиши натижасидир. Инсон ўз фаолиятида эркин иродага эга, хоҳласа эзгуликка, хоҳламаса ёвузликка эргашади. Бу Одам Атодан мерос. Суфийлар ҳар бир ёмонликда Аллоҳнинг эзгулик иродасини кўрадилар. Одам Ато гуноҳ қилмаса, Ерга халифа бўлмасди, шайтон – Иблис ҳам Аллоҳ бандаси, унинг душмани эмас. У инсоннинг имтиҳон этилиши жараёнида иштирок этади. Мансур Ҳаллож, Аттор асарларида Иблис ҳақидаги фикрлар шу хуносага олиб боради.²⁵

²⁵ Степанянц, с.57.

Мұхәммәд ибн ал-Арабийнинг «Ҳақиқияттың тамоман кашфі ва шұхудда ассоғланады. Кашфда қатыяны хато бўлмас, аммо диний ҳужжат келтиришда янглишишлар бўлар» деган мулоҳазаси эндигина тинчиган ислом илмий доираларида янги қўзғалишга сабаб бўлди. Унинг таълимоти бутун моддий борлиқ, инсон ва худо бир эканлигини тарғиб этар эди. Ушбу қарашнинг тан олиниши шариат қонуни-қоидаларини иккинчи даражали деб қарашга олиб келар эди. Шунинг учун мутакаллимлар мазкур таълимотни шариатга таҳдид деб эълон қилидилар. Тасаввуф олимлари ичида ҳам мазкур концепцияга муносабат жиҳатидан икки бир-бирига қарама-қарши гуруҳ шаклланди. Бири мазкур гояни қўллаб-қувватласа, иккинчиси диний ҳужжатларни инкор қилиш инсон тафаккури ва таҳайюлига чексиз эрк берилишига олиб келади ва ижтимоий тартиботни бузуб юборади деб ҳа-вотирга тушди. Ислом оламида қайта бошланган баҳс-мунозаралар натижасида узоқ замонлардан бери каломнинг бақувват зарбалари таъсирида бош кўтара олмай юрган ўнлаб ботил илмий гуруҳлар жонлана бошлади. Улар ушбу назарияни байроқ қилиб, ўзларининг эски иддаоларини халқ орасида ёйишга уриндилар.

Ислом жамиятида ўзаро мухолифатда бўлган уч кучли мағкуравий оқим етакчилик қила бошлади. Бири «вужудийлар мактаби» намояндалари бўлган «Ваҳдат ул-вужуд» тарафдорлари, иккинчиси «шұхудийлар» номи билан танилган шаръий асосдаги тариқат суфийлари, учинчисини мутакаллимлар ва фақиҳлар гуруҳи ташкил этди.

Шундай қилиб, Мұхәммәд ибн ал-Арабий (1165–1240) томонидан яратилган «Футуҳот ал-Маккия» ва «Фусус ал-ҳикам» (1230–1240) асарларида кўтарилилган гоялар тасаввуфнинг ана шу йўналишда эришган ютуқларининг натижаси бўлди. Файласуфларнинг қарашларида устувор бўлган мистик-метафизик қарашлар унинг «Ваҳдат ул-вужуд» (Ягона Борлиқ) таълимотида турли кўринишларда ўз аксини топди.

Ушбу мистик-илоҳий таълимотни шеъриятдаги рамзлар, ҳижрон ва ишқ йўлидаги мащаққатлар, ошиқ ва маъшуқ образлари орқали ифодадаш одатга айланди. Фаридиддин Аттор (1181–1235), Жалолиддин Румий (1207–1273) қаби машҳур шоирлар ана шу таълимотнинг жўшқин тарғиботчиларига айландилар.

ШИҲОБИДДИН СУҲРАВАРДИЙ ВА УНИНГ ИШРОҚ ФАЛСАФАСИ

Суҳравардийнинг ишроқ фалсафаси Ибн ал-Арабийнинг «Ваҳдат ул-вужуд» таълимоти билан бир даврда дунёга келди. «Ваҳдат ул-вужуд» Илоҳий вужуд асосларини ўрганса, Суҳравардий таълимоти Илоҳий Моҳият (Зот) асосларини ўрганишга қаратилган илмдир.

Ишроқ фалсафаси мусулмон халқлари тафаккури тарихида муҳим ўрин тутади. Эрон олими Сайид Ҳусайн Наср Суҳравардий ҳаёти ва фаолиятига бағишлиланган тадқиқотида Ишроқ фалсафаси сафавийлар ҳукмронлиги даврида шиа мағкурасини мустаҳкамлаш ишларида асосий таълимот даражасига кўтарилиганини,²⁶ Ҳинд ўлкасига ислом фалсафасининг тарқалишида айнан Ишроқ таълимоти катта хизмат кўрсатганлигини алоҳида таъкидлаган.²⁷

Шайх Шиҳобиддин Суҳравардий ҳижрий 549 (мил. 1153) йилда Эроннинг гарбий қисмидаги жойлашган Занжон шаҳри яқинидаги Суҳравард қишлоғида туғилди. Мадрасани тутатгач, саёҳатни ихтиёр этди. У Эроннинг турли бурчакларида бўлиб, суфий пирлар билан суҳбатлар қурди, уларнинг ҳаёти, турмуш тарзи ва таълимотлари билан яқиндан танишди. Зикр йиғилишларида иш-

²⁶ Sayyid Husayn Nasr, *Suhrawardi and the School of Ishraq*, p. 146.

²⁷ Sayyid Husayn Nasr, *The Persian Works of Shaykh al-Ishraq*, p. 157.

тирок этди. Сўнгра Суриядаги машҳур сүфий жамоалари, файласуфлар ва илм арбоблари қошида турли таълимотларни ўрганди.

Шиҳобиддиннинг ўзига хос тафаккур тарзи, илоҳиётга оид мулоҳазалари ҳалқ орасида ёйилиб, тарафдорлари ҳам топилди. Улар асосан, «сал-фалсафа» аҳли бўлиб, улар шариатнинг ўткир зарбаларига дош беролмай йўқликка маҳкум бўлган ўз қарашларини «Ишроқ назарияси»да кўргандек эдилар. Чунки у физик жараёнларни перипатетиклар каби таҳдил этганди. Шунингдек, бу таълимот исломда мантиқий тафаккурга нисбатан ижобий қарашни шакллантириш йўлларини излаётган мурасасоз зиёлиларнинг ҳам таъбига мувофиқ келди. Сабаби, таълимотда фалсафанинг бош масалалари таҳдилида мистик-метафизик қарашларга асосланилган эди. Шу билан бирга, унинг метафизикаси, мистик хуросалари Арастунинг илоҳиётидан анча фарқли, ҳатто Ибн Синоникидан ҳам фарқ қиласарди. Суҳравардий асарларида физик жараёнлар руҳоний таҳлиллар орқали метафизик ҳодисаларга боғланган. Ишроқ таълимотига кўра, Руҳ нур бўлиб, у коинот кенгликларида зулмат қаърида изланиши лозим. Унинг метафизикаси айни шу нур ҳақидаги таълимот бўлиб, унда ақлий рационал мушоҳададан мистик мушоҳада устунлик қиласарди.

Тез орада Суҳравардийнинг таълимоти Ажам ўлкаларига ёйила бошлади. Ҳалаб ҳокими Малик Зоҳир уни саройга таклиф этди. Шоҳга Суҳравардийнинг суҳбати ёқиб, унга саройда қолишни таклиф этади. Суҳравардий бир оз фурсат саройда яшайди. Бироқ салтанат ва шариат устуни бўлган диний уламолар Суҳравардийнинг айрим мулоҳазаларини ислом дини учун хавфли деб топдилар. Улар Малик Зоҳирдан уни қатли этишини қатъий талаб қилдилар. Малик бу талабни рад этди. Шунда диний уламолар Султон Салоҳиддиннинг ўзига мурожаат қилиб, ундан Суҳравардийни зинданбанд қилиш ҳақида фармони олий чиқаришни талаб қилдилар. Султон давлатнинг қудратли

уламолари раъйига қарши боришга ожиз эди. Шу тарнца Суҳравардий зинданга ташланади. У кўп ўтмай милодий 1191 йилда 38 ёнда зинданда вафот этади.

Манбаларда унинг 50 дан ошиқ илмий ишлари бўлганлиги ҳақида маълумотлар келтирилган. Суҳравардийнинг илмий жамоатчиликка маълум бўлган илмий асарлари, асосан, 4 та катта фундаментал асарни ташкил этади. Уларнинг учтаси машшоййунлар (ал-фалсафа аҳли, перипатетиклар) фалсафасига бағишиланган. Тўртинчиси Ишроқ назарияси ҳақидаги «Ҳикмат ул-ишуруқ» асариидир».

Олимнинг бизгача етиб келган яна бир қанча асарлари юқоридагиларнинг турли даврларда бўлакларга бўлиниб кўчирилган фасллари, боблари ёки қисқартилган варианtlариидир. Улар форс ва араб тилиларида ёзилган бўлиб, қуидагилардан иборат:

1. Партивнома (Шуъланома).
 2. Ҳаёкил ан-нур (Нур асослари).
 3. Алвоҳ-и имодий (Имодуддинга аталган дорилар).
 4. Лугат-и мурон (Чумоли тили).
 5. Сафир-и симурғ (Симурғ навоси).
 6. Рузе бо жамоати суфиён (Суфийлар жамоасида ўтказилган бир кун).
 7. Рисола фи ҳолот ат-туфулийя (Болалик ҳолатлари ҳақида рисола).
 8. Овози пари Жаброил (Жаброил фаришта қаноти овози).
 9. Ақл-и сурх (Алвон фаришта).
 10. Бўстон ал-қулуб (Қалблар бўстони).
 11. Эътиқод ал-ҳукамо (Ҳакимлар эътиқоди).
 12. Ламаот (Шуълалар).
 13. Фурбат ал-ғарбия (Ғарб ғариблиги).
 14. Рисола фи ал-меъроҷ (Меъроҷ ҳақида рисола).
 15. Яздоншиноҳт (Худони таниш).
- Суҳравардийни файласуф ҳам, суфий ҳам дейиш мумкин. У Ибн Синонинг «Рисолат ат-тайр» (Қуш рисоласи) асарини форсийга таржима қилиган, «Рисолат ал-ишқ»

ва «Ишорот ва танбиҳот» асарларини Қуръони карим ва ҳадиси шариф воситасида шарҳлаган. Унинг бир нусхаси Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик илмий-тадқиқот институти қўлёзмалар фондида сақланади.

Кўриниб турибдики, Суҳравардий Ибн Сино таълимотини муайян дараҷада ўрганган. Шу билан бирга, Фаззолийнинг «Мишкот ал-анвор» асари унинг дунёқарашида катта бурилиш ясаганини ва ишроқ назариясининг яратилишида катта аҳамият касб этганини унинг ўзи эътироф этган. Айрим ўринларда суфийлар каби фикрлагани ва Мансур Ҳалложга мурожаат қилгани бу таълимотнинг кўпроқ тасаввуф билан боғлиқ ҳолда кўриб чиқиш нотўғри бўлмаслигини кўрсатади.

Эрон олими Сайд Ҳусайн Насрнинг ёзиича, Суҳравардий ёруғлик ва зулмат рамзларини ифодалашда, фаришталар олами тасвирида зардуштийлар таълимоти таъсирида бўлган. У Қадимги Миср, Халдей, Сабай (мил. авв. 800 йиллар) минтақаларида ривожланган таълимотларнинг таъсирида яратилган херметицизм анъаналаридан таъсиранган.²⁸

Суҳравардий асарларининг мундарижаси бир хил бўлмаса-да, тузилиш ва мазмун жиҳатидан, шунингдек, истилоҳлари билан бир-бирига ўхшашидир. Табиийки, уларнинг барчасида муаллифнинг хос услуби, шунингдек, ишроқ ҳикматининг тили ва аҳамиятли символлари акс этган.

Ҳар бир асар муаллифнинг ўз бошидан кечирган руҳий тажрибаларига асосланади. Таълимот аниқ ва равшан тушунтирилмагандек туюлса-да, бироқ «Маҳбуб» (Аллоҳ) билан бирлашув иштиёқида сафар қилаётганинг (солик) турли йўллар орқали руҳоний камолотга,

²⁸ S.H. Nasr. The Islamic Intellectual Tradition in Persia. Gurzon Press, 1996, p. 127.

демак, «Хақиқат»га эришиши жараёни жуда чиройли очиб берилган.

«Ҳикмат ул-ишроқ» Суҳравардийнинг энг буюк асари бўлиб, мутафаккирнинг асосий таълимоти шу асарда баён қилингандир. У ҳижрий 582 (мил. 1186) йилда бир неча ой давомида ёзиб тугатилган. Асар муқаддима, 2 қисмдан иборат. Биринчи қисмда мантиқ ва перипатетик фалсафанинг айрим жиҳатлари танқид қилинган бўлса, иккинчи қисмда нур таълимоти, фаришталар, борлиқ тузилиши, руҳий тавҳид масалалари ёритилган.

Суҳравардий «Ҳикмат ул-ишроқ» асари муқаддимасида ўз фалсафасининг қадимий таълимотлар билан алоқаси ва моҳиятини шундай тушунтиради: «Мен ушбу китобни ёзишдан олдин юонон фалсафасига доир бир неча асарлар ёзганман. Аммо ушбу китоб улардан фарқ қиласди ва ўзига хос услугга эга. У юонон фалсафаси асосланадиган мантиқий тажриба орқали эмас, балки кўпроқ мантиққа асосланган илҳом, кашф, завқ орқали қўлга киритилди. Бунда зуҳд амалиёти катта ўрин тутди. Биз ақлий тафаккурга эмас, ботиний мушоҳада ва илҳомга асосланганмиз. Хулосаларимиз асоссиз ҳиссиётлардан ва гумонлардан мутлақо холидир. Бизнинг эътиқодимиз суфийларнинг эътиқоди билан бир хилдир. Буюк Афлотун (Платон) нинг ҳам эътиқоди шу йўлда бўлган. Афлотундан олдин ўтган ва Идрисгача бўлган барча файласуфлар ҳам шу йўлда бўлганлар.

Қадимгилар ўз фикр-мулоҳазаларини халқ тўғри қабул қилолмаслигини чуқур идрок этиб, уларни рамз ва ишорот билан ифодалаганлар. Бу рамз ва ишоротларда Ишроқ фалсафасининг мағзи бўлган Нур ва Зулмат концепцияси яширин. Аммо бизнинг таълимотимиз Моний ва унинг издошлиари илгари сурган, ширк ва дуализмга олиб келувчи таълимотдан тубдан фарқ қиласди».²⁹

²⁹ Иқтибос манбаси: Ўша асар, р. 129.

Суҳравардийга кўра, метафизика нуқтаи назаридан ҳам, тарихий жиҳатдан ҳам, ишроқ фалсафаси қадимги тафаккур инъикоси бўлиб, у кўпроқ интуитив, яъни суғийлар тили билан айтганда «завқ» оқибатида кашф этилган илмдир. Яна ҳам соддароқ айтадиган бўлсак, ботиний кўз билан илғаб олинган ва уни тушунтириб бериш амримаҳол бўлган тасаввурлар мажмуидир.

Журжоний ўзининг «Гаълифот» асарида ишроқийларни «Афлотун (Платон) издошлари» деб атайди. Суҳравардийнинг ўзи «Мутараҳот» асарида ишроқ фалсафаси манбаларини Эронзамиининг буюк афсонавий подшоҳлари Қаюмарс, Фаридун ва Кайхусравларнинг фалсафасидан излайди.

Ислом фалсафасидаги марказий бош масала – бу Борлиқ, бошқача айтганда, Вужуднинг моҳиятга нисбатан бирламчи ёки бирламчи эмаслиги масаласидир. Моҳият сўзи арабча «мо» нима? саволини, «ҳият» – «у» олмошини англатувчи «ҳия» сўзидан ясалган бўлиб, «у нима?» маъносини англатади ва нарсанинг мавжудлиги аниқ ёки шубҳали кўринганда унинг ич-ташини, бошқача айтганда зотини ўрганишга нисбатан айтилади. Ишроқийлар вужуд ва моҳият юзасидан баҳс қилишни қоралайдилар. Улар бўйича, моҳият борлиқнинг ўзидир. Суҳравардий ўзининг илк «Сафири симурғ» («Симурғ йўлланмалари») асарида ваҳдатнинг беш дараҷасини кўрсатиб ўтади:

1. «Ла илоҳа илло ллоҳ» (Аллоҳдан ўзга илоҳ йўқ). Бу мақомдаги обидлар Аллоҳнинг ягоналигини эътироф этадилар ва Ундан бошқа илоҳга сиғинишни қоралайдилар.
2. «Ла ҳува илло ҳува» (Унинг ўзидан бошқа У йўқ). Яъни, дунёда фақат У (ҳува) бор, ундан бошқа, учинчи шахсни ифодаловчи «у»нинг ўзи йўқ. Демак, «у» (ҳува) дейилганда ҳам фақат Аллоҳ назарда тутилади.
3. «Ла анта илло анта» (Сендан бошқа ҳеч нарса йўқ). Бу мақомда Аллоҳдан ташқарида бирор нарса бор, деган қафаш қораланади.

4. «Ла ана илло ана» (Илоҳий «Мен»дан бошқа «Мен» йўқ). Бунда «Мен» олмоши фақат Аллоҳга хослиги, танҳо Аллоҳ «Мен» дейишига ҳақлилигига ақида қилинади.

5. «Ва куллу шайъин холиқун илло важҳуҳу» (Унинг юзидан (вужудидан) бошқа барча нарсалар ҳалокатга (йўқликка) мансуб) даражаси энг охирги ва олий дараҷадир.

Суҳравардий асарларида илк суфийларнинг таърифлари кўп келтирилган. Лекин улар асл матнларда шундай бўлганми ёки кейинчалик киритилганми бу ҳозирча аниқ эмас. Бироқ, Суҳравардий ва Ибн ал-Арабий таълимотларидағи ўхшашлиқ манбаларда эътироф этилган. Унда ҳам ҳидоятга бошлагувчи ёки илҳом берувчи йўлбошчи пирлар қутб, имом деб аталиб, маърифат мақомлари ҳам тасаввуф таълимотида кўрсатилганидек, Илоҳий ваҳдат сари юксаклашиб боради ва шаҳодат (мушоҳада) даражалари билан белгиланади.

Ишроқ таълимоти, Суҳравардий айтишича, Платон ва Аристотель фалсафасининг, зардустийлик ва Ҳермес (Идрис пайғамбар) ғояларининг уйғун таълимотидир. Суҳравардий матнлари Қуръон ва ҳадислардан келтирилган иқтибосларга бой.

Газзолий каби мутакаллим шариат уламоларининг фалсафа аҳли билан олиб борган аёвсиз кураши милодий XII асрда арастучиларнинг мавқенини жиддий заифлаштиргди. Бироқ фалсафани ижтимоий тафаккур доирасидан чиқариб ташлашнинг иложи бўлмади. Фалсафанинг элементлари Суҳравардийнинг «ишроқ ҳикмати» ва Ибн ал-Арабийнинг тасаввуфий таълимотига кўчди. Суҳравардий ва Ибн ал-Арабий деярли замондош эдилар. Улар турли ерда яшаган бўлсалар-да, қарашлари ўхшаш эди. Умрларининг охири бир давлат ҳудудида, Сурияда ўтди. Бири Дамашқда вафот этган бўлса, иккинчиси Ҳалабда жон таслим қилди. Бу икки буюк олимнинг таълимотлари машриқзамин мусулмон юртларида ўзлари-

дан кейинги ислом фалсафаси, исломий тафаккур тарақ-қиётида аҳамиятли бўлди.

Ҳар иккала таълимот ҳам «Илоҳий ҳақиқат»га даъвогар илм бўлиб майдонга тушди ва «Ал-фалсафа»нинг рационализмини интеллектуал интуиция, бошқача айтганда «завқ» билан алмаштирилдилар. Ибн ал-Арабий таълимоти кўпроқ ислом жамиятининг сунний аҳолиси орасида ёйилган бўлса, Ишроқ фалсафаси асосан шиа мазҳаби кенг тарқалган Эрон ва Ироқ интеллектуал-маънавий ҳаётида катта таъсир кучига эга бўлди. Алишер Навоий «Насойим ул-муҳаббат» асарида Жомийга тегишили маълумотга суюниб, Ибн ал-Арабий ва Шайх Шиҳобиддин Суҳравардий ўртасида бўлиб ўтган бир мулоқот тарихини келтирган: «Ва баъзи акобир дедиларки, ул мулоқот Ҳарам тарафида экандур. Ҳар бири алардин яна бириға нazzора қилиб ўтрушубдурлар, онсизки, ораларида каломе воқе бўлғай. Андин сўнгра Шайх Шиҳобиддин ҳолини алардин (Ибн ал-Арабийдан) сўрубдурлар. Алар дебтурларким, «У бошдин оёқ суннатга гарқдур». Сўнг Шайх Шиҳобиддиндан Ибн ал-Арабийнинг ҳолини сўрубдурлар. Дебтурки, (Ибн ал-Арабий) «ҳақиқатлар денгизидур».³⁰ Ушбу маълумот Жомийнинг «Нафаҳот ал-унс» тазкирасида мавжуд. Жомий бу маълумотни «Тарихи Ёғий»дан иқтибос этганини таъкидлаб ўтган.³¹ Назаримизда, Жомий ушбу маълумотни бериш орқали foятда нозик ихтилофий масалани ечиб берган. Маълумки, мазҳаблар ўртасидаги асоссиз тортишувлар айрим пайтларда илм тараққиётига тўсқинлик қилиб келган. Шу жиҳатдан ўша даврларда суннийлар орасида Суҳравардийнинг таълимотига ва аксинча, шиаларда Ибн ал-Арабий таълимотига ёвқараш кайфият бўлган бўлиши мумкин. Мулоқотда икки забардаст илоҳиётниу-

³⁰ Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ, 17-жилд, –Тошкент: 2001, 395-бет.

³¹ Абдураҳмон Жомий. Нафаҳот ал-унс. Босма, 496-бет.

нос олимнинг бир-бирига берган баҳосини келтириш орқали Жомий ҳар иккаласининг сунний ва шиалар учун бирдек азиз бўлиши лозимлигини уқтиради.

Ишроқ фалсафаси (Ҳикмат ул-ишроқ) моҳияти ҳақида гапирадиган бўлсак, араб тилида «ишроқ» – ёруғлик маъносини беради. Машриқ сўзи ҳам шундан ясалган. Этимологик жиҳатдан ҳар иккала сўз бир ўзакка эга ва нур таралишини англатади. Бунинг устига, «машриқиййа», яъни «шарқий» сўзи ва «мушариқиййа», яъни «ёрут» лафзи араб тилида бир хил ёзилади. Шарқнинг ёруғлик билан боғлиқ рамзий ифодаси ишроқийлар томонидан кўп ишлатилган. Шунинг учун «Ҳикмат ул-ишроқ» таълимоти аслида «Ёғду фалсафаси» деб номланганми, «Шарқ фалсафаси» дебми, аниқлаш қийин. Ибн Синонинг «Шарқ мантиғи» номли асари арабчада «Мантиқ уш-машриқиййин» деб аталади. Шихобиддин Суҳравардийнинг мазкур таълимоти айнан шу, Ибн Сино қаламига мансуб асар ғояси таъсирида яратилган. Шу жиҳатдан айрим олимлар Суҳравардийнинг таълимотидан мурод ёғду ёки нур эмас, балки Шарқ фалсафасидир, дейдилар. Бу гапларда жон бўлиши мумкин. Чунки Суҳравардийнинг ўзи эътироф этишича, Ибн Сино Шарқ фалсафасини тиклашга ҳаракат қилган, аммо етарли манбага эга бўлмаган. Дарҳақиқат, Ибн Синонинг «Ҳай ибн Яқзон», «Рисолат ат-тайр», «Саломон ва Абсол» асарларидаги илоҳиёт концепциясида юони фалсафаси таъсири сезилмайди. Суҳравардийнинг Ибн Сино асарларини форсийга таржима қилгани, «Ҳикмат ул-ишроқ» асарининг Ибн Сино томонидан Аристотелнинг «Илоҳиёт» асарига ёзилган шарҳ мазмунига жуда яқин туришини ҳисобга олсак, «Шарқ» ва «Ишроқ» лафзлари бир мазмунни ифодалаган, деган хulosага келиш мумкин. Аммо Эронда бу таълимот кўпроқ ёғду маъноси билан боғлиқ ҳолда талқин этилади.

Ишроқ фалсафаси моҳияти «Ҳикмат ул-ишроқ» асарининг «Нур» фаслидан бошланади.

Сұхравардийнинг баён услуби Ибн Сино услугуга ҳам-оңған гүлдік, унинг таълимотини тушуниш учун «ал-фалсафа» масалалари ва ғоялари билан яхши таниш бўлиш лозим. Ўшандада Сұхравардий қўллаётган истилоҳлар, у айтмоқчи бўлган фикр ўқувчига осон етиб боради. Масалан, у нурлар Нури (Нур ул-анвор) сифатида тақдим этган нарса фалсафада Абсолют Воқелик ёки Илоҳий Моҳият деб аталади. Фалсафадаги жисм ва шакл, ўзини таниш (ўзидан хабардорлик) феномени ва акциденция (аъроз) муносабатлари Сұхравардийда ҳам баён этилади, бироқ платформа ўзгача. Аристотель таълимотининг мағзини ташкил этган «шакл ва мазмун» ҳақиқидаги таълимот Сұхравардийда ўзгача талқин этилади. Аристотель таъриф берган «шакллар» Сұхравардийда қўриқловчи нурлар, яъни ҳар бир мавжудотнинг муҳофазасига жавоб берувчи фаришталарга айлантирилган. Материя тушунчаси зулмат тушунчаси билан алмаштирилган. Жисм – материя белгиси. У жисмни бирлашиш ва ажралиш хусусиятига эга ташқи оддий, жузъий субстанция (жавҳари босит) сифатида таърифлайди. Ушбу субстанция ўз мавжудлигига кўра жисм деб аталади, шакл кўринишига қараб қуий материя дейилади. Зулматнинг акси Нурдир. Демак, руҳоний олам нурлар оламидир. Унинг барча мушоҳадалари «Нур концепцияси» доирасида очиб берилади. Сұхравардий бўйича, бутун борлиқ нур ва зулмат даражаларидан ташкил топган. Коинот нур ва зулматнинг 18000 оламидан иборат. Барча оламлар ана шу бирламчи Нурнинг ёйилшиш ва ёритиш даражаларини ўзида акс эттиради.

Сұхравардий Воқеликни нур ва зулмат турларига мувофиқ равишда тасвирлайди. Агар нур ўзича мавжуд бўлса, у ҳақиқий нур (нури жавҳарий) ёки тоқ нурдир (нури мужаррад). Агар у бирор нарсага боғлиқ бўлса, унда акциденциал нурдир (нури аърозий).

Худди шунингдек, агар зулмат ўзича мавжуд бўлса, у мавҳум зулматдир (ғасоқ) ва агар ўзидан бошқа нарсага боғлиқ бўлса, «шакл»дир.

Ушбу тасниф идрок даражаларига ҳам боғлиқ. Борлиқ ўзидан хабардор ёки ўз ҳолидан бехабар бўлиши мумкин. Бундай дейилишининг маъноси шуки, номоддий (бирламчи) нур, Худо, фаришталар, архетиплар ва инсоний руҳлар Борлиқнинг ўзи билан ўзи мавжудлигини билдиради. Агар У ўзининг қанақалигини танишни истаб, бошқа вужуддан ўзига назар солишни истаса, бу акцидентал нурдир, масалан, юлдузлар ёки олов каби.

Борлиқ ўзи билан ўзи мавжуд бўлса-ю, ўзидан хабардор бўлмаса, яъни танимаса, бу барча шаклга эга жисмларни ташкил этган хира нурдир. Агар у ўзидан бехабар бўлса-ю, ўзидан бошқа нарса томонидан эътироф этилса, бу ранглар ва ҳидларга ўхшаш шакллардир.

Барча мавжудотлар Олий Нур, бошқача айтганда, Нур ул-анворнинг ишроқи, яъни ёғдусининг ифодасидир. Нур ул-анвор ўз мулкининг ҳар бир гўшасида бошқарувчиларни, масалан, осмонларда қуёшни, моддиятда оловни, инсон қалбидаги муқаддас нурни жойлаштирган. Инсон руҳи моҳияттан нурдан иборат, шунинг учун инсон нурни кўрганда завқланади, зулматдан қўрқади. Коинотдаги барча сабабий яратилмалар охир-оқибат Нур ул-анворга қайтади. Оламдаги барча ҳаракатлар, улар осмонлардами, моддиятдами, бариси Тарбиячи нурларнинг ишидир. Тарбиячи нурлар Нур ул-анвор нурларининг ёғдусидан ўзга нарса эмас, аслида.

Нур ул-анвор хира жисмлар макони – Зулматга етгунча бир қанча босқичлардан ўтиб заифлашиб боради. Ҳар бир босқич мавжудотлар устидан ҳукмронлик қилувчи муайян фаришталарнинг оламларидир. Фаришталарнинг босқичларини санашда Суҳравардий арастучилар Форобий ва Ибн Синонинг Ақллар ҳақидаги таълимотига эргашмайди. У зардуштийларнинг илоҳиёт тизими ни асос қилиб олади.

«Ҳикмат ул-ишроқ»да коинот яхлитлиги моддий ва руҳий оламларнинг физик ва руҳоний жиҳатлари фаришталар олами билан уйғунликда олиб қаралади.

Суҳравардий Нур ул-анворнинг (баъзи ўринларда Нур ул-аъзам) биринчи порлашини Баҳман фариштаси ёки «Ёвуқ (яқин) нур» деб атайди (Нур ул-ақраб). Мазкур Нур ўртада парда йўқлиги туфайли Нур ул-анворнинг ҳар порлашида ёғдуланиб туради. Иккинчи порлашда триумфал нур (нур ул-қоҳир) вужудга келди. У бирдан икки ёруглик манбасидан, бевосита Нур ул-анвордан ва Ёвуқ нурдан ёғдуланади. Шу тариқа Нур ул-анворнинг ҳар порлашида муайян нурлар (фаришталар) пайдо бўлди. Ушбу нурларнинг барчаси ўзидан олдин яратилган нурлардан, зарурий тарзда Ёвуқ нурдан ва Нур ул-анвордан ёғдуланади. Масалан, Учинчи нур 4 марта ёғдуланади: 2 марта ўзидан олдинги нурдан, 1 марта Нур ул-анвордан ва 1 марта Ёвуқ Нурдан. Тўртинчи Нур саккиз марта: тўрт марта ўзидан олдинги нурдан, 2 марта иккинчи нурдан, 1 марта Ёвуқ Нурдан ва 1 марта Нур ул-анвордан ёғдуланади. Суҳравардий ушбу нурларни фаришталар деб атайди.

Фаришталар шу тартибда «ал-уммаҳ», яъни «оналар» оламини ташкил қиласидилар. Бу оламда фаришталар сони Аристотель космологиясидаги Ақллар сонидан анча кўп.

Ҳар бир фаришта ўз даражасига кўра қуйидагиларига нисбатан қаҳр мақомида, яъни ҳукм ўтказувчи даражасида бўлади, худди шунингдек, қуйи даражадаги фаришта ўзидан юқоридагига нисбатан муҳаббат мақомида бўлади. Шу билан бирга, ҳар бир нур – фаришта юқори Нур ва қуий Нур ўртасидаги пардадир (барзах). Фаришталар шу тартибда Нур ул-анвордан ёғдуланиб турадилар ва Унга муҳаббат мақомида бўладилар. Нур ул-анворнинг муҳаббати ўзига қаратилган, зеро Унинг гўзаллиги ва комиллиги Унинг ўзига хосдир.

Фаришталарнинг мусбат ва манфий моҳияти бор. Уларнинг мусбат, яъни эркаклик жиҳати улуғлик, нур билан ёритиш ва мустақиллик қобилиятларидир. Улар энди бир-бирини яратувчи оналар эмас, балки, кўпроқ, моҳиятнан муайян вазифага эга фаришталардир. Шунинг

учун улар мутакофия фаришталар деб аталади. Сұхравардий уларни Платон архетипларига (ғоялар) менгзайди ва нур турларининг пешволари (арбоб ул-анвор) деб атайди. Демак, ҳар бир тур оламда ўз Ибтидоси – архетипи сифатида фаришталардан бирига эга, бошқача айтганда, бу оламдаги ҳар бир нарса-ҳодиса фаришталардан бирининг тилсими ҳисобланади. Масалан, сув Хурдод фариштанинг тилсими, маъданлар Шаҳривор фариштанинг тилсими, ўсимликлар фаришта Мурдоднинг тилсими, олов Урдивеңштники ва ҳоказо.

Шунинг учун ҳам бу фаришталар тилсим арбоблари деб аталади (арбоб ул-тилисм).

Сұхравардий уларни Амшоспандес (Зардуштийликдағи Амеша Спанта илоҳларининг умумлашма номи – Ш.С.) номи билан ҳам белгилайди ва бунда зардуштийлик илоҳларини Платон ғояларига татбиқ этмоқчи бўлади. Бироқ бу фаришталар Платон таълимотидаги каби мавҳум ва руҳий объектлар эмас, балки аниқ ҳамда фақат инсон тафаккурида моҳият касб этувчи мавжудотлардир. Ушбу фаришталар оламдаги барча ҳаракатларни содир этувчи, ўзгаришларни келтириб чиқарувчи реал бошқарувчилардир. Улар бир вақтнинг ўзида нарсалар борлигининг ибтидолари ва ақлларидир.

Фаришталарнинг манфий, яъни аёллик жиҳати бўлган муҳаббат, қарамлик ва нурдан жилоланиш хусусиятлари юлдузли осмонни яратди. Бу осмон фаришталарнинг умумий мулкидир. Юлдузлар фаришталарнинг Нур ул-анвордан ўзлаштирилган жиҳатларининг кўзга кўринимас кристаллашувидан ҳосил бўлган. Ушбу «моддийлашув» кўринувчи осмонлар ортида бўлган фаришталар олами, яъни соф нурдан иборат Шарқ билан ёғдули осмонлардан заминий мавжудотларга қараб тобора қуюқлашиб борувчи моддиятни ўзига қамраган Фарб ўртасидаги чегарани белгилайди.

Фаришталар (ёки архетиплар) табақасидан яна бир табақа ҳосил бўлган бўлиб, улар орқали нур турлари

бошқарилади. Сұхравардий бу ўрта табақани «анвор ул-мудаббирин», яъни мураббий нурлар, баъзи ўринларда «анвори испаҳбодий», яъни лашкарбоши нурлар деб атайди.

Мазкур ўрта табақанинг самовий мұхитларда қила-диган ҳаракати табиатдан эмас, балки мұхабbat туфайлидир.

Испаҳбод нурлар, шунингдек, инсон рұхининг асос – марказидир. Ҳар бир нур алоҳида бир шахснинг фариштасидир. Жами инсоният учун бир нур борки, у фаришта Жаброилдир. Инсоният рұхи шу нурнинг күриниши бўлиб, у одамзод ва гайб олами ўртасидаги воситачи. Шарқ (Эзгулик) нурлари унда мужассамдир. У, шунингдек, инсон рұхини ёритадиган барча билимларнинг ифодасидир. Мазкур фаришта Илоҳий Руҳ сифатида ҳам Биринчи ва Олий Ақлдир, У биринчи пайғамбардир. Охирги пайғамбар Мұхаммад ҳам удир. У одамзоднинг архетипи (рабб ул-навъ ул-инсон) ва Илоҳий илмнинг олий ифодасидир.

Сұхравардий жисмларни шакл ва материяга бўлмайди. Балки унинг жисмларни бўлишдаги ёндашуви жисмларнинг нурни қабул қилиш даражасига асосланган. Барча физик жисмлар ҳам оддий, ҳам мураккабдир.

Оддий жисмлар уч турга бўлинади: а) нурнинг ўтишига қаршилик қилувчи (ҳожиз); б) нурни қабул қилувчи (латиф); в) нурни қабул қилувчи ва уни турли даражаларда ўтказувчи (муқтасид) жисмлар. Улар ҳам, ўз навбатида, бир неча босқичларга бўлинадилар. Осмонлар нурланиш даражасига кўра биринчи категорияга мансуб жисмлардир. Осмонлар остидаги моддиятга тааллуқли зарралар 1-категорияда ерни, 2-категорияда сувни, 3-категорияда ҳавони ташкил этадилар.

Мураккаб жисмлар худди шундай, зарраларнинг хоссаларига, кам-кўплигига қараб юқоридаги категорияларнинг бирига тааллуқлидирлар. Барча жисмлар моҳиятан соғ ва нурнинг турли даражалари ўртасидаги чегара-

дир (барзах). Ушбу нурдан улар ёғду оладилар ва ёғду сочадилар.

Суҳравардий жисмларнинг ўзгариши зарраларнинг ўзаро бирикишидан ҳосил бўлади деб ҳисобламайди. Мисол сифатида кўзадаги сув иситилганда унга олов сингади, деган ўта жўн тажрибавий мантиқий фаразни инкор этади. Олим сув иситилганда унинг ҳажми ўзгармаслигини ҳисобга олиб, олов зарралари унинг таркибига кирмайди, жисмнинг сифат ўзгариши (сувнинг исиши), бирламчи сифатлар ва янги таркибий ўзгаришларнинг барча қисмларига, тегишли сифатларга боғлиқ деб хулоса қиласди. Бу сифатлар, яъни сувнинг совуқлик ва оловнинг иссиқлик сифатларидан ўзгача сифат Нур во-ситасида пайдо бўлиб, жисмнинг ўзгаришига сабаб бўлади.

Суҳравардий бўйича, оламда сезилувчи барча ўзгаришлар Нурнинг турли босқичларида юз беради. Зарралар осмонлар қаршисида заифдирлар, худди шундай осмонлар ҳам руҳлар қаршисида, руҳлар Ақллар қаршисида, Ақллар Умумкоинот Ақли қаршисида, у эса Нур ал-анвор қаршисида заифдир.

Ушбу зарралар ёки бошқача айтганда, оддий жисмлар алоҳида Нурлар (фаришта) қарамоғида бўлган маъданлар олами, ўсимликлар олами ва ҳайвонот оламини ўзида акс эттирган бирикмаларнинг шакллари билан қоришиб туради. Минераллар оламидаги барча мавжудотлар «нурланган жисм»лардир (нуроний барзах). Уларнинг доимиyllиги осмонлар кабидир. Олтин ва лаъл каби турли қимматбаҳо тошларнинг инсонга завқ бағишилаши уларнинг қаъридаги нур сабаблидир. Зеро, ушбу Нур инсон қалбидаги нур билан қардошдир. Минераллар ичидаги нур замин субстанциялари (Ибтидолар) фариштаси Исфандармуз томонидан бошқарилади. Зарраларнинг қоришувидан ҳосил бўладиган такомиллашув уларнинг қувватини оширади. Бу қувватлар уларни бошқарадиган нурнинг «аъзолари»дир. Юксакроқ ривожланган ҳайвон-

лар ва инсонда бу янада кучли намоён бўлади. Инсон микрокосм сифатида коинот образини ўзида жамлаган. Инсон инсониятни бошқарадиган испаҳбод нурнинг ўзи-дир. Руҳга хос нарсалар, қобилиятлар барча элементларни ёритувчи нурнинг қирралари дир. Ушбу нур тафаккур ва хотира қувватини ёритади.

Ушбу нур жисм билан, яъни ҳайвоний руҳ (жон) билан боғлиқ. У жигарда жойлашган бўлиб, тана ўлганда уни тарк этади ва ўзининг фаришталар оламидаги асл ватанига қайтади. Бу муҳаббат нури бўлиб, хоҳиш-истак қувватини туғдиради, чунки унинг ҳукмдори тоқат-сизликка олиб келувчи қаҳрdir.

Суҳравардий турли руҳларнинг фазилатларини са-нашда Ибн Синонинг руҳлар ҳақидаги таълимотини бироз ўзгариш билан қабул қиласди. Суҳравардийнинг тас-нифи қўйидагича:

Наботот руҳи	Озиқланмоқ	жозиба
	Ўсмоқ	сақланмоқ
	Кўпаймоқ	ҳазм қилмоқ
	Итармоқ	
Ҳайвоний руҳ	Ҳаракатланиш	шахват
	Истак-хоҳиш	ғазаб

Инсон юқоридаги сифатлар ва беш ташқи ҳиссий сез-тилардан ташқари, яна беш ички ҳиссий сезигига эга. Улар моддий ва руҳоний олам ўртасида кўприк вазифасини бажарадилар ҳамда макрокосмик даражада ўз мислла-рига, яъни нусхалари га эгадирлар. Ушбу ҳиссий сезги-лар қўйидагилардир:

Муштарак сезгилар	- барча ташқи ҳиссий сезгиларнинг қабул қилиниш маркази бўлиб, миянинг олд қисмида жойлашган.
-------------------	---

- | | | |
|-----------------------|---|--|
| Хаёл
(фантазия) | - | муштарак ҳиснинг қайд бўлиш ўрни бўлиб, мия олд қисмининг орқасида жойлашган. |
| Ваҳм
(Идрок) | - | ҳиссий сезгиларга тегишли бўлмаган ҳиссий нарсаларни бошқаради ва миянинг ўрта қисмида жойлашган. |
| Тахайюл
(тасаввур) | - | шаклларни таҳлил қиласи, синтез-лайди ва ясайди. У гоҳида Идрок (ваҳм) билан бирлашиб кетади.
Миянинг ўрта қисмида жойлашган. |
| Хотира | - | Идрокнинг қайд бўлиш ўрни.
Миянинг ўрта қисмида жойлашган. |

Мазкур фазилатлар «нафси хотиқа» – ақл қувватидандир. У руҳоний оламга тегишли ва тананинг асиридир. Гоҳида у муваққат танада ўзининг асл ватанини унтиб қўяди ва ўлим ёки зуҳд натижасида ҳушёр торгади.

«Ҳикмат ул-ишроқ»нинг охирги фасли қиёмат ва руҳоний ваҳдат масалаларига бағишлиланган.

Руҳ ўзининг асл ватанига қайтади ва покланади. Ҳар бир руҳ камолотнинг қайси дараҷасида бўлмасин, Нур ул-анворга талипинади, унинг хушвақтлиги Ундан равшанлашишидадир. Кимки улуғвор нурлардан равшанлашмас экан, ҳақиқий завқни туймайди, дейди Суҳравардий. Оламдаги ҳар бир қувонч туйғуси маърифат (билим) завқининг инъикосидир. Ўлимдан сўнг ҳар бир муайян покланиш босқичларидан ўтган руҳ кўринувчи осмондан юқоридаги фаришталар (архетиплар, ғоялар) оламига йўналади ва заминий шаклларнинг асл моҳиятини ташкил қилган товушлар, қарашлар, таъмларда иштирок этади. Зулм ва кибр билан булғанган руҳлар (асҳоби шақоват) эса, аксинча, хаёл исказнажасида бўлган, жинларнинг зулмат оламида муаллақ қолган суратлар оламига борадилар. Маърифат мақомларини эгаллаган тақводорларнинг руҳлари фаришталардан юқоридаги оламга йўл оладилар.

Сүхравардий таснифи бўйича, инсон руҳлари поклик даражаларига кўра фарқланадилар. Масалан, руҳ на бу дунё, на у дунё қайгусида бўлмаган боланинг ёки эси оғган одамнинг руҳи каби содда ва пок бўлиши мумкин; содда бўла туриб, пок бўлмаслиги, дунёвий нафсга боғланган бўлиши мумкин. Шу жиҳатдан бундай инсонлар ажали етгунча азоб чекадилар; руҳ содда бўлмаса ҳам комил ва пок бўлиши мумкин ҳамда ажал етгунча руҳоний оламдан узоқлашмаган бўлади. Бундай инсон Худонинг тажаллийсидан чексиз завқ олади. У, шу билан бирга, булғантган руҳ бўлиши ҳам мумкин ва шу жиҳатдан, ажал етгунча танани тарқ этишдан ҳам, руҳоний ибтидодан бегона бўлишдан ҳам хавотирда бўлади. Аммо бу оғриқли хавотир аста-секин уни моддий оламдан совутади ва ўз ўрнини руҳоний завқга бўшатиб беради; Руҳ нуқсонли, бироқ пок бўлиши ҳам мумкин. Унда комилликка интилиш ҳисси кучли бўлади. Шу жиҳатдан унда, гарчи нафсга боғлиқлик аста-секин йўқолса-да, ажалигача қийналади; яна шундай руҳ ҳам бўладики, у комил эмас, пок ҳам эмас. Бундай ҳолатда инсоннинг руҳи жиддий тарбияга, ҳайвоний сифатлардан тозаланмоқга муҳтож. Шу жиҳатдан ҳам у руҳини тарбиялаши, уни ҳайвоний эмас, фариштасифат қилмоғи лозим.

Руҳ эгаллаши лозим бўлған олий мақом – пайғамбарлар мақомидир (нафси қудсия). Бу мақомни эгаллаганлар самовий овозларни эшитадилар, руҳоний суратларни кўра оладилар. Пайғамбарларнинг ва буюк авлиёларнинг руҳлари покликнинг шундай даражаларига эришадиларки, худди Илоҳий Ибтидо жисмларга таъсир ўтказгандек моддий дунёга ўз таъсирини ўтказишлари мумкин. Ҳатто улар фаришталарни (архетиплар, гоялар) ўз хоҳишлирага бўйсундира оладилар.

Пайғамбарларнинг билимлари барча илмларнинг исосидир. Муҳаммад (с.а.в.) меъроj кечасида коинот юқорисидаги барча борлиқ мақомларидан ўтиб, Илоҳий даргоҳга сафар қилди, бошқача айтганда, ўз Руҳи ва Ақли

орқали Илоҳий «Мен»ига ўтди. Ушбу сафар маърифат мақомларининг рамзиdir. Маърифатга йўл кўрсатиш ва жамият қонунларини ўрнатиш учун пайғамбар зарурдир. Инсон яаша учун мияга, жамият эса қонунларга муҳтождир. Шунинг учун пайғамбарлар инсонлар ўртасида уйғуникини ўрнатиш мақсадида нариги оламдан хабарлар келтирадилар. Комил инсон маърифатли инсондир. Пайғамбарлар энг кўп маърифатга эгадирлар. Уларнинг яхиси мурсал пайғамбарлардир. Муҳаммад пайғамбарлик силсиласининг олий нуқтаси ва охири бўлиб, пайғамбарлик муҳри ҳисобланади.

Суҳравардий таълимоти, асосан, XIII асрдан бошлаб кенг ёйилган. Бунда унинг издоши Шамсиддин Муҳаммад Шаҳразурийнинг хизмати катта. Олимнинг «Талвиҳот» асарига ёзган шарҳи ишроқ таълимотини муфассал тушунтириб берган илк асардир. Асириддин Абҳарий гарчи машшойй фалсафаси тарғиботига бағишлиган «Ҳидоя» асари билан машҳурлик топган бўлса ҳам, кейинги асари бўлмиш «Кашф ул-ҳақойиқ фи таҳrir ал-дақойиқ»ни тўлалигича Суҳравардий таъсирида ёзган.³² Биз машҳур мутафаккир олим Носириддин Тусийни перипатетик (машшой) фалсафанинг яшовчанлигини таъминлашга катта ҳисса қўшган «Ал-ишорот ва’л-танbih-ҳот» асарига ёзган шарҳи туфайли Ибн Сино фалсафасининг асосий тарғиботчиларидан ва давомчиларидан бири сифатида биламиз. Мулла Садранинг Абҳарий «Ҳидоя»сига ёзган шарҳида Тусий Суҳравардийнинг таълимоти билан таниш бўлибгина қолмасдан, илоҳиёт масалаларида унинг таъсирида бўлғанлигини қайд этган. Аллома Ҳиллий ва Қутбиддин Шерозий каби олимлар ҳам Суҳравардий асарларига шарҳлар ёздилар. Жалолиддин Давоний (XV аср) ва Абдураззоқ Лоҳижий (XVII аср) каби олимлар томонидан Суҳравардийнинг «Ҳаёкил

³² S.H Nasr, p. 161.

ан-нур» асарига ёзилган шарҳлар бу таълимотнинг Марказий Осиё, Ҳинд ва Эрон халқлари зиёлилари орасида кенг тарқалганидан дарак беради. Бобурийлар саройида Суҳравардий асарлари зъзозланган. Асарларининг бир қисми санскрит тилига таржима қилинган.

Ўз даврида Суҳравардийнинг ирфоний таълимотига шариат уламоларининг жиҳдий муҳолифатда бўлиши ишроқ ҳикматининг келажагини хавф остига қўйғанлиги боис, Суҳравардий ва Ибн ал-Арабий таълимотларини синтезлашга уринишлар бўлган. Масалан, Ибн ал-Арабийнинг буюк тарғиботчиларидан бўлган Қутбиддин Шерозий шу ишни амалга оширишга уринган мутафаккирлардан биридир.

ХОЖА АҲРОРНИНГ ҲИНДИСТОНЛИК ИЗДОШЛАРИ

Нақшбандия тарихида олтин давр деб ном олган XV асрда Хожа Аҳорор Валининг шон-шуҳрати тариқат нуғузининг нафақат Ўрта Осиё, балки Яқин Шарқ ва Ҳинддиёрларида кескин ортишига имкон яратди.

Ҳинд олимларининг тадқиқотларида ёзилишича, нақшбандиянинг Ҳиндистондаги кенг фаолияти Хожа Аҳорор номи билан боғлиқ аҳорория тариқатининг тарғиботи билан бошланган. Холид Аҳмад Низомий ўзининг «Ҳиндистонда тасаввуф тарихи» китобида Хожа Аҳорор Валийнинг муридларидан бири Шайх Фаёзий Бухорий Бобурдан олдин Ҳиндга келиб нақшбандияни тарғиб этгани ва 1531 йилда Ҳинднинг Ражостон вилоятида вафот этганлигини қайд этади.³³

Бироқ, тан олиш керакки, нақшбандиянинг Ҳинд ўлкасида кенг тарғибот қилинишида Бобурнинг алоҳида хизматлари бор. Бобур ўз ёнига паноҳ истаб келган нақш-

³³ Khalid Ahmad Nizami. A History of Sufism in India. Vol II, p. 180.

бандий пирларни беҳад улуғлади ва мафқуравий фоалиятлари учун етарлича шароит яратди. Мовароуннаҳрда сиёсий вазият ўзгаргани ва яшаш хавфли бўлиб қолгани туфайли Ҳиндга кўчиб ўтган шундай нақшбандий сўфийларнинг энг машҳурлари Ҳожа Абдушаҳид ва Ҳожа Калон бўлиб, кейингиси Бобур наздида катта эътиборга сазовор бўлди.³⁴ Бобурга ҳамроҳлик қилган ўрта осиёликларнинг асосий кўпчилиги Ҳожа Аҳорор ва унинг халифаларига мурид бўлиб, улар ҳам нақшбандия гояларининг кенг халқ ўртасида оммалашувига хизмат қилдилар. Ҳайдар Мирзо «Тарихи Рашидий»да қайд этишича, Бобур Ҳожа Аҳороннинг невараси Ҳожа Калоннинг ўғли Ҳожа Хованд Маҳмудни (У «Тарихи Рашидий»да Маҳдуми Нуран номи билан зикр этилган) Ҳиндга таклиф этади. Ҳожа йўлга тушиб Ҳиндга келаётган маҳалда Бобур вафот этган бўлиб, йўлда унга пешвоз чиққан Панжоб вилоятининг ҳокими шаҳзода Мирзо Комрон ўз ёнида, Лаҳорда қолишни таклиф этади. Бироқ Ҳожа валиаҳд Ҳумоюн ёнига боришни афзал кўради. Ҳожа Ҳумоюн билан учрашганда, унинг шатторийлар таъсирига тушиб қолганини кўриб ранжийди ва Лаҳорга қайтиб келади. Бу воқеа ҳижрий 943-милодий 1536–37 йилда юз беради. У Мирзо Комрон олдида ҳам узоқ қолмайди. Унинг ҳузурида уч йил яшагандан сўнг Ҳиндни бутунлай тарк этади.³⁵

Акбаршоҳ таҳтга ўтиргач, унинг динларни ягона таълимот асосида бирлаштириш сиёсати кўплаб нақшбандий пирларнинг норозилигига сабаб бўлди. Унинг илк ҳукмронлик йилларида нақшбандийларнинг таъсири Ҳиндистонда ҳануз кучли эди. Кўпчилик нақшбандийлар турли давлат мансабларини этгалигани эдилар. Аммо Акбаршоҳнинг диний ислоҳотлари нақшбандиянинг ривожланишига жиддий зарап етказди.

³⁴ З.М.Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча, 1989, 323-бет.

³⁵ Khalid A. Nizami., p.181.

Шаҳзода Мирзо Ҳаким Кобул ҳокими бўлиб турганда унинг чексиз эҳтиромидан хабардор бўлган кўплаб нақшбандийлар ҳузурига йўналдилар. Сал ўтмай, шаҳзода атрофида нақшбандийларниң кучли жамоаси пайдо бўлди. Улар шаҳзода бошчилигида Акбаршоҳнинг янги диний ислоҳотига қарши чиқдилар. Ҳожа Убайд Кобулий Мирза Ҳаким тарафдорларининг пешвоси ҳисобланарди. У наманганлик Мавлоно Лутфуллоҳ Чустийнинг халифаларидан бири бўлиб, тариқат қарашларини ҳимоя қилиш ва Акбаршоҳни тўғри йўлга бошлиш мақсадида Кобулдан Атрага келди. Бироқ турли ҳинд диний таълимотлари вакиллари ва олимлари ҳузурида нақшбандия таълимотини ҳимоя қилиш унга жуда қийин кечди. Диний баҳсларда қизишиб кетиб Акбар зарарига сўз айтиб қўйгани учун зинданбанд қилинади.³⁶

Кашмирда нақшбандия ёйилишига катта ҳисса қўшганлардан бири Ҳожа Хованд Маҳмуд Алавий Ҳусайнийидир. У 965/1557–1558 йилда туғилган ва Самарқандда таълим олган.³⁷

У ўз пирі Ҳожа Исҳоқ Даҳбедий талаби билан Бухорога борди ва Ҳожа Нақшбандийнинг мозорида истиқомат қилди. Қайтгандан сўнг унга пирлик рухсати берилди. Шундан сўнг у Лаҳорга кетадиган карвонга қўшилиб Ҳиндга келади ва Кащмирда истиқомат қиласди. Кащмир ҳокими Жомилбек Ҳожа хонақоҳи олдида масжид қуриб беради.³⁸

Сал ўтмай, Ҳожа Исҳоқ Даҳбедийнинг жияни Ҳожа Муҳаммад Амин Кащмирга келди. Жомилбекнинг одамлари орасида Ҳожа Исҳоқ Даҳбедийнинг муридлари кўп эди. Ҳожа Хованд Кащмир ҳокими томонидан собиқ сulton Ҳусайншоҳга вақф қилиб берилган уйга кўчиб ўтди ва уни хонақоҳга айлантирди. Ёнида кичик масжид қурди.

³⁶ Муҳаммад Ҳошим Кишимий, «Насойим ул-қудс», шахсиј қўлёзма, 233^н - вар.

³⁷ Kh.A.Nizami, p.182.

³⁸ Kh.A.Nizami, p.183.

У Жаҳонгир таҳтга ўтиргач, 1015/1606–1607 йили Кашмирга қайтди ва халифаларини Кобулга тарғибот учун юборди.

Ҳиндистонда машҳур бўлган нақшбандийлардан яна бири Хожа Муҳаммад Боқибилоҳ Берангдир. У Кобулда ҳижрий 971–972 / милодий 1563–64–1564–65 йилларда туғилди. Онаси Хожа Аҳоронинг авлоҳтаридан бўлган.

978/1570–1571 йили самарқандлик олим ва шоир Мавлоно Содиқ Ҳалвоий Маккадан қайтишда Кобулда тўхтайди ва Акбарнинг кичик укаси Кобул ҳокими Мирзо Ҳакимнинг илтимосига биноан бир муддат шу ерда истиқомат қиласди. Шунда Боқибилоҳ унга шогирд тушди. Мавлоно Содиқ унинг гайратини кўриб, ўзи билан Мовароуннаҳрга олиб келади. Боқибилоҳ Самарқандда машҳур пирлар қўлида таълим олади. Дастлаб Мавлоно Лутфуллоҳнинг халифаси Хожа Убайд, сўнг Хожа Ифтихор Шайх Самарқандийга байъат қиласди. Боқибилоҳнинг кейинги пири Амир Абдуллоҳ Балхий бўлиб, икки йил унинг қошида зикр таълимини ўтади. Аммо у янада камол топишни истар эди. Кобулдан Ҳиндга ўтиб, бир қанча шаҳарларни кезди ва ниҳоят Кашмирда муқим бўлди. Бу ерда у нақшбандий пир Бобо Валий билан учрашди. 1592 йилда Бобо Валий вафот этгач, Балх ва Бадахшонга бориб суфийлар билан суҳбатлар ўтказди.

Мовароуннаҳрга келиб Имканана қишлоғида Мавлоно Хожаги Имканагий сұҳбатида бўлади.³⁹ Бир муддатдан

³⁹ Мавлоно Хожаги Имканагий ўз отаси Мавлоно Дарвеш Муҳаммаднинг (в.970 йилнинг мұхаррами/1562 йилнинг 18 сентябрь) халифаси эди. Мавлоно Дарвеш эса тоғаси Мавлоно Муҳаммад Зоҳид Вахшиворийнинг (в.936 йилнинг 1-рабиулаввали/1529 йилнинг 3 ноябри) халифаси бўлган. У эса Хожа Убайдулло Аҳоронинг халифаси эди. Хожа Имканагий Хожа Баҳовуддин йўлини маҳкам тутган бўлиб, шу даврларда Маҳдуми Аъзам халифалари томонидан киритилган саҳарги жаҳрий зикрни тамоман рад этган. Хожа Имканагий тўқсан ёшда 1008/1599–1600 йилда вафот этган.

сўнг Хожа Имканагий Боқибилоҳга Ҳиндга қайтиши маслаҳат берди ва унинг Ҳиндда нақшбандия силсилисини ёйишда муваффақият қозонишини каромат қилди.⁴⁰

Самарқанддан чиққач, у Лаҳорга қайтди, сўнг Деҳли ва бошқа шаҳарларга бориб, охири Ферузаободда тўхтади. Бир неча йил ўтиб 1008/1559–1600 йилда Деҳлига кўчиб келди. Ундан икки ўғил қолиб, улар аҳрория тълимотини давом эттиридилар. Боқибилоҳ 1012 йилнинг 25 жумодиссоний, шанба куни 1603 йилнинг 30 ноябрiddа дунёдан кўз юмди.

Боқибилоҳ ўзининг Хожа Аҳрор мадҳидаги бир рубойисида суфийларни аҳрория-нақшбандияга риоя қилишга чақиради. У бу тариқатни суфий камолоти учун энг яхши йўл деб айтади. Бу йўл – Бақога эришиш, (Аллоҳга қўшилиш) шариатга қойимлик асосида Расулуллоҳга муҳаббат билан бўлади. Аҳрория тариқати ўз гояларида Хожа Порсо ишлаб чиққан «Ваҳдат ул-вужуд» тълимотининг шаръий асосга қўйилган вариантига асосланади.

Хожа Боқибилоҳ Аллоҳ «тажаллий»сини сезишининг уч турини кўрсатади:

1. Сурий, яъни абсолютнинг ибтидода бўлган солик томонидан билинувчи тажаллийси.
2. Руҳий (маънавий) тажаллий, яъни ўрта йўлдаги соликлар сезувчи тажаллий тури.
3. Абсолютнинг ҳақиқий тажаллийси, яъни комил суфийлар билувчи тажаллий тури.

Шунга биноан унга эришиш йўлида суфийлар қуийдаги бурчларга риоя қилишлари лозим бўлади:

1. Тавба, яъни гуноҳлардан қайтиш.
2. Зуҳд.
3. Таваккул.
4. Қаноат.

⁴⁰ Мұхаммад Ҳошим Қишимий, «Насойим ул-қудс», қўлнозма. 259⁶–268³ – вараҳлар.

5. Узлат. Халқ билан, оила билан бирга, аммо қалбидан Аллоҳдан бошқа нарса йўқ.

6. Сабр.

Хожа Боқибilloҳниң Нақшбандия-аҳорория суфий сулук ҳақидаги ғоялари унинг мактубларида, экстатик-ҳиссий мистицизми унинг шеъриятида акс этган. Шайх Аҳмад Сирҳиндий унинг рубоийларига шарҳ ёзган. Хожа Боқибilloҳ «Ваҳдат ул-вужуд»нинг шариат асосидаги талқинини илгари сурди. У бунда хоксорлик ва риёзатни биринчи ўринга чиқарди. Аввало, ўзи ибрат бўлди. Бошқаларга хизмат қилса-да, бошқалар ёрдамини рад қилди. Самоъ, зикри жаҳр ва рақсни ман этди. У муридларни ниҳоятда танлаб оларди. Шундай бўлса-да, жуда қўпчилик унга ихлосманд эди.

Ҳиндистонда нақшбандия тариқатини ривожлантирган ва уни янги босқичга олиб чиққан суфий олимлардан энг забардасти Шайх Аҳмад Сирҳиндийдир.

Шайх Аҳмад Сирҳиндий Панжоб минтақасида ҳижрий 971 йили 4 шавволида / мил. 1564 йил 26 майда нақшбандия уламолари хонадонида дунёга келди. У тасаввуф сирларини отаси Шайх Абдулаҳаддан (927/1521–1007/1598) олди.

Отаси вафотидан сўнг Сирҳиндий ҳажга жўнайди. Йўлда, Деҳлида машҳур нақшбандий пир Боқибilloҳ билан танишади ва ундан таълим олади. Унинг вафотидан сўнг эса Сирҳиндга қайтади ва умрининг охиригача шу ерда яшаб, асарлар ёзади.

У Аграга, Акбаршоҳга, шоир Файзий (954/1547–1004/1595) ва унинг кичик укаси атоқли адаб ва шоҳнинг норасмий муншийси Абул Фазлга (958/1551–1011/1602) кўплаб хатлар ёзган ва нақшбандия тариқати ғояларини ҳимоя қилишга уринган.

Акбаршоҳниң ўғли Жаҳонгир мирзо (1014/1606–1037/1627) даврида шайхнинг муридлари Ҳинднинг бутун шаҳар ва туманларига тарқалдилар. Сирҳиндийнинг халифалари Исфаҳон, Кобул, Бадахшон, Қандаҳор ва

Толиқон каби сүфий марказларини бошқара бошладилар. Унинг саъй-ҳаракатлари билан янгиланган нақшбандияғоялари Ҳинд ҳудуди билан чегараланиб қолмай, Афғонистон ва Туркия, нақшбандийларнинг ўз Ватани – Ўрга Осиёга, Эрон ва Яқин Шарққача ёйилди.

Хулоса сифатида шуни айтиш мумкинки, Ҳожа Аҳрорнинг ҳиндиюнлик издошлири нақшбандиясининг XVII асрдан кейинги тараққиётига тамал тошини кўйидилар. Ҳинд нақшбандийларининг Ҳожа Баҳовуддин Нақшбанд гояларини ҳимоя қилишида ўз мавқеларини мустаҳкам ушлаб турганликлари ва кенг миқёсдаги тарғибот фаолиятида Ҳожа Аҳрор услуги ва воситаларидан унумли фойдаланганликлари нақшбандия таълимотининг дунё сүфия тариқатлари орасида тан олиниб, етакчиликни қўлга киритишига сабаб бўлди.

ШАЙХ АҲМАД СИРҲИНДИЙ

Аҳмад Сирҳиндий 1564 йил 26 майда (хижрий 971 йили 4 шаввол) Шарқий Панжобнинг Сирҳинд шаҳрида шайх Абдулаҳад оиласида туғилди. Шайх Абдулаҳад (1521/ҳ.927–1598 /ҳ.1007) ўз вақтида буюк чиштий пир Шайх Абдулқудус Жангоҳийнинг (в. 1583/ҳ.991) ўғли Шайх Рукниддиннинг халифаси бўлиб, унинг раҳнамолигида сулукни қодирия ва чиштия тариқатларида ўтаган эди. Аҳмад Сирҳиндий илк диний таълимни отасидан олди. Сал улғайгач, ўз билимларини янада такомиилаштириш учун Сиялкот шаҳрига жўнади. У ерда мантиқ, фалсафа, қалом илмларини ақлий илмларнинг машҳур олими Мулла Камол Кашмирийдан (в. 1608-9/ҳ.1017/), ҳадис илмини таниқли мушарриҳ ва қубровия тариқати пири Шайх Аҳмад Сарфий (в. 1594/ҳ.1003) қўлида ўзлаштирди. Қози Баҳлул Бадахшонийдан тафсир ва ҳадис илмининг мурракқаб масалаларини ўрганди.

Сирҳиндий 17 ёшида уйга қайтди. Унинг илмий иқтидори атрофдагиларга маълум бўлгач, 3 йил ўтиб пой-

тахт – Аграга таклиф қилинди. Шоир Файзий (1547–1595) ва унинг кичик укаси машхур вазир ҳамда атоқли адаб Абул Фазл (1551–1602) билан танишиб, уларга яқинлашди. Бир қанча вақт Абул Фазлга унинг ижодий ишларида кўмаклашди. Аммо алоқаси кўпга чўзилмади. Абул Фазл билан пайғамбарлик мақоми назарияси устида тортишиб қолиб, саройни тарк этди.

Ушбу ташвишли хабар Шайх Абдулаҳадга етиб келгач, у дарҳол Аграга отланиб, ўғлини уйга қайтишга кўндириди. Кўп ўтмай, отасининг қистови билан Танишвар улуғларидан бири Шайх Султоннинг қизига ўйланди.

Аҳмад уйда бекор юрмасдан, илм такомили билан шуғулланди. Отасидан тасаввуф сирларини ўрганишга киришди. Калободийнинг (в. 999/ҳ.390/ «Таарруф ли мазҳаби аҳли-тасаввуф», Суҳравардийнинг (в. 1234/ҳ.632) «Авориф ул-маориф» ва Ибн ал-Арабийнинг «Фусус ал-ҳикам» асарларини чуқур ўрганди ҳамда сулукни отаси қошида ўтади.

У ўзининг «Мабда ва маод» асарида отасидан олган сабоқларини шундай баҳолайди: «Мен фарзий нисбатни⁴¹ (нисбати фарзия) отам туфайли топдим. У буни кучли (қаттиқ) жазбали ва ўз кароматлари билан машҳур бўлган қодирий пирдан олган... Мен щунингдек, навофил амалларидан хусусан, нафл намозларидан завқ олиши ҳам отамдан ўргандим. У буни чиштия пиридан ўрганган эди».⁴²

1600 йилда ҳаждан қайтаётганда Сирҳиндиј Деҳлида тўхтайди. Шу ерда у нақшбандий пир Абдулбоқи – Бо-

⁴¹ Фарзий нисбат, Сирҳиндијнинг «Мабда ва маод» асарида ёзилиничча, суфийнинг ботиний ҳолати даражаси бўлиб. у мистик кўтарилиш (уруж) нинг охирги мартабасига (даражасига) эришганда рўй берадиган ҳолдири. Нақшбандийликда нисбат «ҳамиша Аллоҳнинг ҳузурини сезиб турадиган, шу билан бирга, Аллоҳ жамолини бир зум ҳам кўздан йўқотмайдиган даража-мақомга эгалик» деб тушунилади.

⁴² Сирҳиндиј. Мабда ва маод. Тошбосма, Ҳинд, 4-бет.

қибилилоҳ (971/1563–1012/1603) билан танишади ва бир муддат у билан бирга бўлади. Учрашув Аҳмад ҳаётида катта бурилиш ясади. Уни нақшбандия тариқатининг тамойиллари ва аҳкомлари тамоман ўзига мафтун этди. У Хожа Боқибilloҳга байъат қилиб, нақшбандия тариқатини қабул қилди. Уйга қайтгандан сўнг ҳам вақти вақти билан хожа ёнига келиб, суҳбат ва сабоқларини давом эттириди. Бир қанча вақт ўтиб, Хожа Боқибilloҳ унга таҳсил ва такмилни тугатганини эълон қилади ва янги муридлар тарбиясига рухсат беради.

Сирҳиндий ўз пирининг ўлимидан сал олдинроқ 1012/1603 йилда яна унинг олдига келди. Хожа унинг шарафи учун истиқболига юриб борди ва ўз ўғилларини унинг руҳоний тарбиясига топширди.

Шайх Аҳмад ўзининг руҳоний тараққиёт босқичларини қўйидагича тасвирлайди:

«Мен ёшлигимда Тавҳиди вужудий (ваҳдат ул-вужуд назарияси)га ишонардим. Отам ҳам шунга ишонарди ва «вужуд» тариқатида (йўлида) руҳоний тажрибага интиларди. Аммо шунга қарамай, у ўз ботинида (ал-ахфо) мавҳумлик (мартабаи би кайф) ҳолатини ўрната олишга қодир эди. Мен бу таълимотни жуда яхши билардим ва ёқтиардим. Кейинчалик Аллоҳ мени Шайх Боқибilloҳга йўлиқтирганда ва у мени нақшбандия тариқатига ошно қилганда, ҳақиқий Борлиқ бирлиги (Тавҳиди вужудий) нима эканлигини янгидан кашф қилдим. Мен буткул шу тажриба (кечинма)га гарқ бўлган эдим ва шу билан боғлиқ маънолар миямга ёғила бошлади. Менга юз кўрсатмаган ҳақиқат деярли қолмади. Шайх Муҳиддин ал-Арабий фалсафасининг чуқур маъноларидан хабардор қилинди ва Зот тажаллийсини тажриба қилиш имконияти билан иноят қилинди. Шунингдек, мен муфассал равишда Шайх таъкидлаган «хатм ул-авлиё»ларга хос тажаллий ҳақиқатларини англадим. Мен бу Тавҳидда шундай кўп гарқ эдимки ва у билан маст бўлгандимки Хожага ёзган хатларимнинг бирида, мен сукр (маст)

ҳолатининг авжида ёзган қуийдаги икки жуфтликни юбордим:

Шариат афсуски, нобинолар йўлидир,
Бизнинг йўлимиз кофирлар ва оташпаратлар йўлидир.

Куфр ва имон қулфdir ва Гўзалнинг юзиdir.

Бизнинг йўлимизда куфру имон бирdir.

Ушбу шароит ойларга ва йилларга чўзилгандир.⁴³

Бир қанча вақт ўтиб онгимни эгаллаган нарсаларни яна мушоҳада қилдим. Илгари мен тушунган Ваҳдат ул-вужуд билан кейингиси ўртасида фарқни кўрдим. Аммо Ваҳдат ул-вужудга бўлган эътиқодим илгариги қарашларимни таҳрир қилишга имкон бермасди.

Мен анча вақт икки ўт орасида қолдим. Охири, у таълимотдан воз кечишга ишонтирилдим. Менга Тавҳиди вужудий қуий босқич эканлиги кўрсатилди ва Зиллиёт (зиллиёт – мушоҳада мақомларидан бири. Унда барча нарсалар Аллоҳнинг сояси бўлиб, ундан алоҳида эканлиги мушоҳада қилинади) босқичига ҳаракат қилишим сўралши. Кўпчилик суфийлар Ваҳдат ул-вужуд мақомида қолдирилганлиги туфайли бу мақомдан ўтишни хоҳламасдим. Бироқ менда ихтиёр йўқ эди. Мен Зиллиёт мақомига чиқарилдим. У ерда мен ўзим ва олам соялар эканимизни англадим. Шунда менда Зиллиёт мақомидан орқага қайтиш истаги туғилди. Чунки у мен учун комиллик рамзи бўлган «Ваҳдат ул-вужуд» (назарияси) билан ниҳоятда ўхшаш эди. Аммо шундай содир бўлдики, Аллоҳ ўзининг илоҳий инояти ва муҳаббати билан мени мақомнинг нариги томонига етаклади ва «Убидият» мақомига (убидият-қулчилик, бандалик. Инсон Аллоҳнинг қуилидан бошқа нарса эмаслиги, нарсалар бор-йўғи Унинг хилқати ва У оламдан мутлақ ўзга ва фарқли эканлигини мушоҳада қилиш мақоми) киритилдим. Ўшанда мен бу

⁴³ Сирҳиндий. Мактубот 1-жилд: 160-мактуб.

мақомнинг нақадар буюклигини англадим ва улугвор салобатини кузатдим. Мен олдинги эътиқодимга пушаймон бўлдим ва Аллоҳга бурилиб, тавба қилдим, шафқат сўрадим. Агар мен шундай йўналтирилмаганимда ва бирин-кетин мақомларнинг буюклиги менга кўрсатилмаганида эди, мен Тавҳид (Ваҳдат ул-вужуд) мақомида қолиб кетган бўлардим, чунки ундан кўра баландроқ мақом йўқ деб фикрлардим. Аллоҳнинг ўзи ҳақиқатни ўрнатувчи ва қандайлигини кўрсатувчидир».⁴⁴

Сирҳиндий метафизик маънода ўз тажриба (мушоҳада) ларини З босқичга бўлади: Борлик бирлиги (Тавҳиди вуҷудий ёки Ваҳдат ул-вужуд); Зилиёт (соялик); Убудият (бандалик ёки қулчилик). Уларни соғ мистик тилга айлантирса, биринчиси бирлашув мақоми (жамъ) ёки кўпроқ жам ул-жам (фарқлаб бўлмас) деб айтиладиган мақом, қейингиси бирлашувдан кейин ажralув (фарқ баъд ал жам) мақоми ва мутлоқ фарқлашув (Тафарруқ-ажralув) мақомидир. Биринчи икки мақом умумий ва суфийлар томонидан кең тажриба қилинган, аммо охиргиси ҳаммага ҳам насиб қилавермайдиган, унча умумий бўлмаган мақомдир.

Шайх Аҳмад бу мақомларни қайта-қайта таъкидлашига кўра, у ўз даври суфийларига, биринчи мақомдан кўчган ёки иккинчи мақомда қолган кўпчилик соликларга янада баландроқ мақом борлигини, унга етишган солик «инсоннинг Аллоҳ билан бирлигини, яъни олам ва Аллоҳ бир мавжудлик эканини, шу билан бирга Аллоҳ тамоман фарқли ва мутлақо бошқа эканлигини, оламнинг Аллоҳ билан ҳеч қандай умумийлиги йўқлигини, инсон оддий бир яратилмиц ва банда эканлигини англашини тушунтиришга ҳаракат қилган кўринади.

Хожи Абдул Боқибилоҳ вафотидан сўнг, у Сирҳинда қайтди. Ўзини нақшбандия тариқати foяларини ёйишга багишлади.

⁴⁴ Мактубот. I жилд, 160-мактуб.

Шу орада Акбаршоҳ (963/1556–1014/1605) давлати мафкуравий ҳаётида рўй берган жиддий воқеалар, ўзгаришлар Сирҳиндиини сиёсий саҳнага чиқишга мажбур қилди. Акбар ниҳоятда заковатли ва истеъоддли олим эди. Унинг илоҳиёт ва фалсафий масалаларга ўта қизиқиши саройда Веда ҳақиқатларини тафсир қилувчи браҳман олимлари ва Ҳинддаги турли диний таълимотлар вакилларининг тўпланишига олиб келди. Суҳбатлар кундан-кунга жиддий тус олиб, Акбаршоҳда барча мавжуд динларни ягона маҳражга келтириш (синтезлаш) фикри туғилади. Саройдаги тор фикрли уламолар Акбаршоҳни замонанинг энг билимдон мужтаҳиди, энг покдомон ва тақводор инсони деб эълон қилдилар ва унинг ғоясини қўллаб-қувватладилар. Янги дин лойиҳасига Ҳинд диний таълимотлари асос қилиб олинди. Худога ибодат қилиш масаласига дахл қилмаган бўлсалар-да, имон масаласида айрим ўзгача талқинлар пайдо бўлди. Фаришталарнинг мавжудлиги, оламнинг яратилгани, инсоннинг қайта тирилиши, ваҳий ва пайғамбарлик рад этилди. Оламнинг боқийлиги, руҳнинг кўчиши таъкидланди. Аммо бу динни унинг муаллифлари, мухлислари ва бош имом бўлган императордан бошқа одам жиддий қабул қилмади. Акбаршоҳ даврида, барча бобурийлар даврида бўлгани каби ислом дини давлат таянчи бўлиб, қозихона, маҳкама ишлари шариат қонун-қоидалари асосида олиб бориларди. Маҳаллий ҳинд зодагонлари ва браҳманлар бу ҳолга ичдан қаттиқ норозилик билдиришар, аммо ошкор қилмас эдилар. Акбаршоҳнинг айни нияти уларнинг йиғилиб қолган аламларини юзага чиқишига имкон яратди. Улар сарой уламолари, обрўли дин арбоблари билан тил бириктириб, Акбаршоҳнинг изланишларини исломга қарши кампанияга айлантириб юбордилар. Пайғамбар ҳаёти (суннат) танқид қилинди. Одамларнинг исмига қўшиб айтилган Муҳаммад сўзини ўчириб ташлаш буюрилди. Намоз ва бошқа

ибодатлар чүлтоқ қилиб қўйилди. Ҳаром ва ҳалол нарсалар ҳақидаги таълимот масхара қилинди.

Биринчи навбатда, улар бобурийлар асослаган шаръий давлат қонунчилик тизимига болта уришга ҳаракат қилдилар ва Акбаршоҳни қонунчиликка айрим ўзгартиришлар киритишга ундалилар. Натижада, у закот ва жизяни бекор қилди. Ичимлик ичиш ва турли қимор ўйинларига қўйилган тақиқларни олиб ташлади. Ҳўқиз сўйишни ман қилди. Шариат рухсат берган қариндошга уйланишни ман этди. Ҳижрий тақвимни бекор қилди. Араб тили мактабларига бериб туриладиган давлат нафақасини тўхтатди. «Ислом пайдо бўлганидан минг йил ўтди, ундаги фоялар эскирди ва янгиланиши лозим» шиори остида янги дин тарғиб қилина бошлади. Янги минг йиллик шарафига янги танга зарб этилди. Ислом асосларини эркинлаштириш, ўз-ўзидан ислом дини ичидаги турли тасаввифий оқимларнинг ҳамда исломни қабул қилган маҳаллий кўчманчи қабилаларнинг диний бошбошдоғлигига сабаб бўлди. Оқибатда, мусулмонлар ғайримусулмонларга эргашиб, маросимларида қатнаша бошладилар. Мушкилкушодлик истаб уларнинг санамларига ва Ҳудоларига сифина бошладилар. Ҳиндуларнинг «рокҳи» ва «диповали» деган диний байрамларида чироқлар ёқиб, гуруч пиширдилар ва уни ҳиндуларга ўҳшаб рангли идишларда қариндош-уругларига тарқата бошладилар. Айниқса, суфийлар орасидаги бузилиш ва айнишлар фақат Ҳиндистон эмас, Кашмир ҳамда қўшни давлат ҳудудлари, хусусан, афғон қабилаларига ҳам ёйила бошлади. Мусулмонлар орасида ким ўзарга авлиёларга назр қилиш, уларнинг қабрларида қурбонликлар уюштириш пойгаси бошланди. Аёллар суфий пирлари учун рўза тута бошладилар, ҳатто пирларнинг хотинлари ҳам шу муносабат билан турли ибодатларни ўtkазишга тушдилар. Масалан, фақат тиланчилик қилиш орқали олиб келган овқати билан рўза очиш урф бўлди. Улар тиланчиликка зарурат сезмаса-да,

тиланчиликни буддавийлар каби ўзларига шараф била бошладилар.⁴⁵

Суфийлар мусиқа кечалари ташкил этишни ёқтира бошладилар (самоъ), рақсга зўр бердилар ва буни Аллоҳга етишиш воситаси деб била бошладилар. Ҳиндуларда авлиёларнинг туғилган кунлари нишонлангани сингари суфийлар Пайғамбар туғилган кунини тантанали нишонлашга ўтдилар (мавлуд). Сирҳиндийнинг ёзишича, ҳатто айрим пирзодалар ҳам мусиқа ва сесанба кечалари ўтказиладиган рақс ва қўшиқ йиғинларидан қолмайдиган бўлдилар.⁴⁶ Бу суфийлар фарз ва суннатдан кўра кўпроқ зикр ва фикрга, руҳоний машқларга (йога, арбайнот, чилла) беришдилар. Муридлар манфаат юзасидан ўз пирларини илоҳийлаштиришга ўтдилар ва халқ орасида муайян фикр ҳосил қилишга зўр бера бошладилар: гўё, уларнинг пири шундай кучга эга эмишки, агар жаҳл қиласа муридларнинг руҳоний қувватларини бекор қилиши мумкин экан, агар у хурсанд қилинса жиноят содир қилингларга Худонинг марҳаматини олиб берар экан.⁴⁷ «Ваҳдат ул-вужуд»га эргашган тоифалар умуман шариатни инкор қилишгача бордилар. Улар шариатнинг мақсади билим беришдан иборат деб билдишар. Демак, уларнингча, ким Ваҳдат ул-вужуд ҳақиқатини тушунса, унга шариат керак бўлмай қолади, унинг фарзларига амал қилиши шарт бўлмайди.⁴⁸ Уларнинг баъзилари намозни ҳам тўхтатди.⁴⁹ Бошқалари қайта тирилишни тасаввуфий Фано билан тенглаштирди, ухровий ҳисоб-китоб ва жазони рад этди. Баъзилар ҳатто чиройли қиёфалар, ёқимли овозларга хуштор бўлди ва буни абадий гўзалликнинг тажаллийси деб билди.⁵⁰

⁴⁵ Мактубот, III жилд, 41-мактуб.

⁴⁶ Мактубот, I жилд, 266-мактуб.

⁴⁷ Мактубот, III жилд, 41-мактуб.

⁴⁸ Мактубот, I жилд, 276-мактуб.

⁴⁹ Мактубот, I жилд, 261-мактуб.

⁵⁰ Мактубот, I жилд, 232-мактуб.

Мамлакатда ҳиндуййлик динининг жонланиши бу шароитни янада оғирлаштириди. Мусулмонлар яшайдиган бир қанча ҳудудлар хавф остида қолди. Масжидлар вайрон этилди.⁵¹ Булар ҳақида Сирхиндий мактубларидан бирида ёзади: «Файримуслимлар ҳатто масжидларни вайрон этишдан тийилмаяптилар. Масалан, Курукшетрада масжид ва пир қабри бор эди. Улар уни бузиб ташладилар. Ҳиндуййларнинг Екадоши кунларида улар рўза тутадилар, агар мусулмонлар шу даврда овқат пиширганини ёки сотганини кўрса қаттиқ тортишадилар. Бошқа тарафдан эса Рамазонда улар очиқ овқат тайёрлаб, сотиб юрадилар. Исломнинг нотавонлигидан мусулмонлар уларга бир оғиз гапира олмайдилар. Афсуски, ҳукмдор бизнинг биримиз бўлса ҳам, биз шундай ночор аҳволдамиз».⁵²

Шундай шароитда Шайх Аҳмад Сирхиндий Ҳиндистондаги мусулмонлар ҳақ-ҳуқуқларини ҳимоя қилишни ўзининг бурчи деб билди. Шунингдек, тасаввуф ниқоби остида турли маънавий тубанникларни қонунийлаштираётган бидъат оқимларга курашга киришди. У бидъат ва хурофий таълимотларга очиқдан-очиқ қарши чиқди. Халқни ёвузликни қоралашта, суннатга монанд Аллоҳни улуғлаш, тўғри ибодат қилиш ва риоя қилишга чақирди. Сирхиндий бутун кучини ва маънавий салоҳиятини шу мақсадларга эришишга сарфлади. У турли суфий пирлар ва тоифаларга нақшбандийликнинг турли масалаларини, қарашларини тушунтиришга ҳаракат қилди. Жумладан, у Санешвордаги пирга ёзади: «Сиз ҳеч қачон таҳорат олиш учун ишлатган сувингизни одамларга ичишга рухсат бермаслигингиз керак. Чунки таҳоратдан оқсан сув ифлосдир, Абу Ҳанифага биноан, фақиҳлар буни ман эттанлар. Мен, шунингдек, ишончли ман-

⁵¹ Sufism and Sharia. p. 26.

⁵² Мактубот, I жилд, 92-мактуб.

бадан эшитдимки, сенинг халифаларинг қаршиисида улар-нинг шогирдлари сажда қилаётган эмишлар. Бу қора-лашга (эътиrozга) лойиқ ва бу ман этилиши лозим».⁵³

У ўз мактуб ва рисолаларида жамиятнинг турли таба-қалари – авом, олим, суфий, амалдорларнинг хато та-факкури ва ибодатларини қаттиқ танқид қилиб, асл ибо-дат қанақа бўлиши, ҳақиқий имон нималигини тушун-тирди ва сохта эътиқоддан сақланиш йўлларини кўрсат-ди. Тасаввуфнинг тарбиявий аҳамияти ва моҳиятини Қуръ-он ҳамда Суннат асосида ҳимоя қилди. Кўплаб хатлари-да олиб борилган баҳсларда Сирҳиндий барча ислом ило-ҳиёти анъаналарига, айниқса, Мотуридий илоҳиёти (ка-лом) тамойилларига суюниб фикр юритди. Янги қарааш-лар ва асослар, хусусан Аллоҳнинг зоти ва сифати, ил-ҳом, мукошифа, ирова эркинлиги ва инсон масъулияти-га доир масалаларда «Ваҳдат ул-шуҳуд» номли таъли-мот нуқтаи назаридан ёндашди.

Ҳинднинг турли минтақаларидан илмталаб халқ унинг олдига руҳоний раҳбарлик излаб кела бошлади. У уларни тўғри йўлга бошлаб, камолотига раҳбарлик қилди. Уларнинг ичидан энг иқтидорлilarини Ҳинднинг муҳим катта шаҳарлари Лаҳор, Дехли, Агра, Саҳарантур, Ба-даюн, Жавалпур, Аллоҳобод, Манқапур, Ратна, Мангаль-ком (Бенгал), Бурҳонпур (Деккан) ва бошқа жойларга юборди ва силсилани давом эттиришларини бујорди.

Сирҳиндийнинг таъсир доираси кенгайганлигини Жаҳонгирижоннинг қуйидаги эътирофидан ҳам билиш мумкин: «Шайхнинг муридлари қисқа давр ичida Ҳинднинг бутун шаҳар ва туманларига тарқалдилар».⁵⁴ Сил-сила Ҳинд билан чегараланиб қолмади. Афғонистон ва Нақшбандийларни ўз Ватани – Туркистонга, Табарис-

⁵³ Мактубот, I жилд, 29-мактуб.

⁵⁴ Djahangir. Tuzuk-i Djahangiri. Ed. Sayed Ahmad Khan, Aligarh 1281/1864, pp. 272-3.

тон ва Эронгача ёйилди. Сирҳиндий ўз халифаларини Исфаҳон, Кобул, Кишим (Бадахшон), Берк (Қандаҳор ёнида) ва Толиқон минтақаларидаги суфий марказларига юборди. Агар унинг халифалари бирор сўралган саволга жавоб беришга қўйналгани ёки бирор муаммога юзланганини эшитса, у ҳамиша ўз халифалари билан боғланиб, уларга маслаҳат ва йўриқлар берар, хатлар ёзар эди. Бу мактубларда Шайх Аҳмад Сирҳиндий Нақшбандий тариқатининг ўзига хос жиҳатлари, хусусан, унинг суннатга қатъий риоя қилишини тушунтиради. «Нақшбандия бошқа тариқатлардан фарқли равишда мусиқий маросимлар (самоъ), дарвишлар ўйини (рақс) ва зикри жаҳрийдан сақланади. Бу тариқат машаққатли ибодат ва оғир машқлардан холидир. Овқатда, ичиш, уйқу ва кийинишида ўргат-ҳолликни маъқұл биләди, деб айтарди.

У важд, мушоҳада, тажаллиёт мушоҳадаси билан мақтанувчиларни ва шатҳ сўзловчиларни ёқтирумасди. Ўз руҳий мукошифаларини шариат асосида таҳлил қиласди. Нақшбандияда тасаввупдан мақсад Аллоҳга қўшилиш ёки унинг сифатларида қатнашиш эмас, балки оддийгина Шариатга риоя қилиш ва Аллоҳнинг обид қули бўлишдир, деб таъқидларди. Бунда убудият (бандалик) мақомидан улуғ мақом йўқ, деб ҳисобларди.

Шайх Аҳмад Сирҳиндий нақшбандия тариқатининг жаҳоншумул пешвосига айланди. Акбаршоҳ дунёдан ўтгач, таҳтга Жаҳонгир (1014/1606–1037/1627) ўтиреди. Сирҳиндий Жаҳонгирмиззоронинг шариат олдидаги бурчини қучлантириш ва етарли маслаҳат беришни мақсад қилиб бир қанча мактублар ёзди. Жаҳонгир отаси йўл қўйган сиёсий парокандачиликка чек қўйди. Мусулмонларнинг ҳақ-ҳуқуқларини тиклади.

Жаҳонгир таҳтга чиққандан сўнг олти йил ўтиб Нуржаҳонга уйланди. У гўзал, ноёб қобилиятли, маданиятли бўлгани учун Жаҳонгир унинг измидан чиқа олмай қолди. Унинг отаси саройнинг нуфузли одамига айланиб, бутун давлат назоратини қўлига олди, акаси бош вазир

этиб тайинланди. Улар шиа эдилар ва энди шиа-сунний мажаролари авж олди.

Шайх Аҳмад Сирҳиндий сунний жамоанинг нуфузли намояндаси бўлгани боис, шиалар ҳужуми унга ҳам қаратилди. Улар Жаҳонгирга Сирҳиндийнинг бутун Ҳиндда, лашкарбошилар ўртасида ва вилоятларда катта эътибори борлиги сабабидан салтанат учун хавфли деб уқтирилар.⁵⁵ Иккинчи томондан, Сирҳиндий танқид қилган суфий пирлар ундан ўч олиш пайида эдилар. Ўзини авлиё атагани учун Сирҳиндийнинг ҳужумига учраган бир неча шогирдлари ҳам унинг обрўсизланишидан манфаатдор эдилар.⁵⁶

1028/1619 йилда Жаҳонгир уни саройга чақиртириб сўроққа тутади. У хотираларида ёзишича, султон унинг сўзларидан қониқмаган ва халқни тинчлантириш учун уни зинданбанд этган.⁵⁷

Бир йилдан сўнг Жаҳонгир уни озод этади ва саройда олиб қолади. У Жаҳонгир билан бўлган пайтларда Қуръон тиловат қиласар, уни тафсир этар ва имон масалаларини батафсил тушунтиришга ҳаракат қиларди. Бу кутилган натижани берди. У ҳижрий тақвимни тиклади. Тангаларга ислом рамзларини туширди, масжидларни қайта тиклади. Ислом дини ва араб тилини ўрганишни давлат ўз ҳимоясига олишига эришди.

Сирҳиндий саройда уч йил турди. У шу давр мобайнида шоҳга турли сафарларда ҳамроҳликда кўп жойларда бўлди. Унинг соғлиги оғирлашгач, рухсат сўраб Сирҳиндга қайтди.

У камдан-кам Сирҳинддан чиқар, у ҳам бўлса Деҳли ёки Аграга суҳбатга чақиришганда юз берар эди. Ҳамиша зикр ва ибодат билан машғул бўлди.

⁵⁵ Ўша асар. 28-бет.

⁵⁶ Ўша ерда.

⁵⁷ Ўша ерда.

Ҳиндистондаги ислом тарихида Сирҳиндиининг ўрни аҳамиятлидир. Албатта, у динга янгилик киритмади. Аммо унинг аниқ вазифаси, равшан концепцияси ва ўз замонаси учун долзарб бўлган гоялари бор эди.

Шайх Аҳмад 1034/1624 йил 28 сафар/10 декабрь куни дунёдан ўтди. У муридлари томонидан иккинчи минг йиллик янгиловчиси, яъни «Мужаддида алфи соний» фахрий унвони билан аталди. Имом Раббоний унинг иккичи номига айланди. Унинг «Мактуботи Раббоний» номи билан йиғилган машҳур хатлари Ҳиндистонда ислом тафқури тарихидаги муҳим манбага айланди. Мактубларда Сирҳиндиининг асосий гоялари ўз аксини топган. Ушбу мактублар тўплами жуда кўплаб қўлёзма ва тошибосма нусхаларда учрайди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Шарқшунослик институти фондида ҳам ўнлаб нусхалари мавжуд.⁵⁸ Мактублар уч қисм – жилдан иборатдир. Улар Шайх Аҳмаднинг ҳаёт пайтида тўплам ҳолига келтирилган бўлиб, хронологик кетма-кетликда тартиб берилган. Бундан муҳаррирлар воқеалар кетма-кетлигига қараб хатларни жойлаштирган деган хуносага келиш мумкин. З қисмда 534 та мактуб келтирилган. Уларнинг 70 таси сарой амалдорларига, қолганлари суфийларга ёзилган. Мактуб йўллангандар қарийб 200 кишини ташкил этади. Мактуботдан ташқари унинг «Рисола дар радди равофиз», «Мабда ва маод», «Маорифи ладуния» ва «Исбот ал-Нубувва» асарлари ҳам мавжуд. «Рисола дар радди равофиз»асари Сирҳиндиининг илк китоби ҳисобланиб, Ақбаршоҳ даврида ёзилган ва унда унинг ислом динига оид қарашлари ифодаланган.⁵⁹ Кейинги икки асар тасаввуф маса-

⁵⁸ Аҳмад Сирҳинди Мактубот. ЎзФАШИ, Қўлёзмалар фонди №5858, №5036, №6268, №10785, №10742, №10548-1, №10951, №11241, №11021.

⁵⁹ Сирҳинди. Рисола дар радди равофиз. ЎзФАШИ, Қўлёзмалар фонди №482-6. Ҳижрий 1079 йилда кўчирилган.

лаларига бағишиланган. «Мабда ва маод» 1599–1610 йиллар орасыда ёзилган.⁶⁰

«Маорифи ладуния» тузилиш ва мазмун жиҳатидан «Мабда ва маод»га ўхшаш. Унинг ёзилган санаси аниқ эмас.⁶¹ «Исбот ал-Нубувва» Сирҳиндийнинг тўлиқ араб тилида ёзган ягона асари дидор. Унинг қачон ёзилгани маълум эмас, аммо у ҳам 1599 йилдан олдин ёзилган деб гусан қилинади. Унда пайғамбарликнинг зарурияти, хусусан Мұхаммаднинг пайғамбарлигин ҳақида исботлар, маълумотлар келтирилган. Унинг қисмлари Fazzолийнинг «ал-Мунқиз мин ал-залол» боблари билан бир хил. Унинг эътиборли томони фақат шундаки, Шайх Аҳмад унда ўзининг Ақбаршоҳ даврида Ҳинддаги ислом шароити ҳақидаги қарашларини баён қиласди.

Шайх Аҳмад Сирҳиндий ғояларининг Марказий Осиё, хусусан, Ўзбекистон ҳудудига кириб келиши Шайх Ҳабибуллоҳ Бухорий фаолияти билан боғлиқ. Ҳабибуллоҳ Бухорий Сирҳиндийнинг ўғли Мұхаммад Масъумнинг халифаси эди. Сўфи Оллоёр дунёқарашининг шакллашида Шайх Ҳабибуллоҳ катта ўрин туттган.

СЎФИ ОЛЛОЁР

Сўфи Оллоёр ҳаёти ҳақидаги маълумотлар тўлиқ эмас. Шўролар тузуми даврида диний-мистик шоир тамғаси остида унинг ҳаёти ва фаолиятини ўрганиш ман этилгани сабабли улуғ ватандошимиз шахсиятига холис баҳо бериш олимларимизга насиб қилмади. Мустақилликдан сўнг бу зотнинг ҳаётига ва ижодига бўлган қизиқиш жуда ҳам ортди. Чунки ҳаммани бир неча саволлар қизиқти-

⁶⁰ Сирҳиндий. Мабда ва маод. ЎзФАШИ, Қўлёзмалар фонди №2274-1, №482-1, №517-1, №5473-1, №3996-4, №7517-5, №5505-3, №505-3.

⁶¹ Сирҳиндий. Маорифи ладуния. ЎзФАШИ, Қўлёзмалар фонди №482-5, №1488-3, №5655-2 .

рарди. Биринчидан, нега совет тузуми Сўфи Оллоёрни шунчалик қоралаган? Шундай бўлишига қарамай, нега унинг номини халқ қалбидан, юрагидан суғуриб ташлашнинг иложи бўлмади? Уни кўпчилик шоир сифатида талқин қиласди. Ундай бўлса, совет тузуми оддий шоир одамни шунчалар қоралаш, унинг китобларини куйдириш, бу китобларни сақлаган одамларни қамаш ва отиш билан маҳсус шугулланиб ўтирармиди? Наҳотки у фақатгина шоир бўлган бўлса? Не сабабдан унинг китоблари туркий қавмлари бор дунё мамлакатлари мадрасаларида икки юз йилдан ортиқ асосий дарсликлардан ҳисобланган? Бу қандай китоблар ўзи? Уларда нималар ёзилганки, совет тузумини бунчалик қўрқитган? Сўфи Оллоёрнинг бу қадар машҳурлигига асосий сабаб нима? Хуллас, сўз шу ҳақда.

Сўфи Оллоёрнинг таржими ҳоли борасида

Сўфи Оллоёрнинг қабри Сурхондарё вилоятининг Вахшивор мавзесида эканлиги ва у ерда унинг авлодлари шу бугунгача истиқомат этиб келаётганлиги маълум. Бироқ, унинг туғилган жойи ва вақти, ҳаёти тафсилотлари масаласида якдил фикрга келинмаган.

Мустақилликдан кейин Сўфи Оллоёрни ўргана бошлигар айрим олимлар ишни Воҳид Абдуллаевнинг олий ўқув юртлари учун ёзган «Ўзбек адабиёти тарихи» дарслигидаги қўйидаги маълумотлардан бошлаган: «Сўфи Оллоёр ҳозирги Самарқанд обlastининг Янгиқўрғон яқинида бир вақтлар «Минглар» деб аталган қишлоқда Оллоқули (Темирёр) хонадонида дунёга келган. Шайхлар қишлоғидаги (ҳозирги Иштихон туманидаги Шайхлар қишлоғи назарда тутилмоқда – Ш.С.) масжид мактабида ўқиган, сўнгра Бухорога бориб Жуйбор шайхлари даргоҳида тарбияланган. У ерда уч марта уйланиб, бир неча вақт бож йиғувчилар маҳкамасида хизмат қилинган, пировардида мурид овлаб, шайхлик мартабасига

кўтарилиган ва ўз таъсирини кенгайтириш ҳамда диний идеологияни омма ўртасида кенгроқ тарғиб этиш ниятида «Муродул-орифин», «Туҳфатут-толибин», «Маслакул-муттақин» каби китоблар яратган».⁶² Жумладан, адабиётшунос олим И.Сувонқулов шу айтилганларга сяниб, уни иштихонлик деб ҳукм чиқаради ва ўз тадқиқотларида уни оммалаштиришга ҳаракат қилади.⁶³ Совет тузумидан илгари ёзилган айрим тазкираларда «Сўфи Оллоёр Миёнкол воҳасидандир» деган таъкидлар мавжуд. Тарихдан маълумки, Миёнкол воҳасига Самарқанд ва Бухоро оралиғидаги, аниқроғи, бугунги Самарқанд вилоятининг Кармана, Нарпай, Каттақўрғон ва Иштихон туманларининг Зарабшон атрофида жойлашган ерлари кирган. Хусусан, ҳижрий 1277 мил. 1860 йилда ёзилган Фаҳмийнинг тазкирасида шундай келтирилади: «Сўфи Оллоёр Самарқандий шайхи дилафрӯз Сўфи Наврӯзниң таниқли халифалариданdir. «Маслакул-муттақин», «Сабот ул-ожизин», «Маҳзанул-мутеъин», «Муродул-орифин» китоблари муаллифиdir. Ҳол ибтидосида сипоҳ бўлган. Отасини Оллоқули ва инисини Фарҳод Оталиқ дейдилар. Улар ўзбекларнинг Самарқанд ва Бухоро Миёнколидаги хитойи қабиласининг бошлиқларидан бўлганлар. Фарҳодбий Абулфайзхон даврида Самарқанд ҳокими ва амирлик мансабларига эришган. Сўфи Оллоёр Шайх Наврӯзга иродат ва иnobat қилгандан сўнг унга зоҳир ва ботин илмлари эшиклиари очилди. Хосу омга мақбул бўлди. Олимлар ва амирлар унинг суҳбатига ошиқдилар. Миёнколотдан Ҳисорнинг Деҳинав томонига кетди. Мавлоно Зоҳид Вахшиворийнинг файзосорли мозоридан юқорироқдаги Вахшивор қишлоғига борди. У ерда хонақоҳ ва уй қурди.

⁶² В.Абдуллаев.Ўзбек адабиёти тарихи. Дарслик. –Тошкент: Ўқитувчи,1980.115-бет.

⁶³ И.Сувонқулов. Сўфи Оллоёр. –Тошкент: Фан,1995; Маънавият илдизлари, –Самарқанд: 2000.

Унинг кутлуғ қадамидан ўша минтақани илонлар тарк этдилар. Ўша ерда 1136 ҳижрийда дунёдан ўтди».⁶⁴

Садриддин Айний «Намунаи адабиёти тохик» китобидаFaҳмийнинг «Тазкират уш-шуаро» тазкирасидаги маълумотларни айнан такорласа-да, уни Каттақўргоний нисбаси билан келтиради. Садриддин Айний бухоролик бўлгани учун ҳам бу масалада аниқроқ маълумотга эга бўлганлиги қўйидагилардан ҳам кўриниб туради: «... умри ниҳоясида Ҳисор томонга кетган ва қабри ўша ерда. Ҳозир ҳам Каттақўргон шаҳрида унинг номи билан боғлиқ гузар ва жой мавжуд». ⁶⁵ Дарҳақиқат, Каттақўргон шаҳрида Сўфи Оллоёрнинг ўзи қурдирган хонақоси ҳозир ҳам сақланган. Бундан ташқари, Каттақўргон шаҳри аҳолиси ўртасида унинг ватани шу ер экани ҳақидаги ривоят кенг тарқалган. Унинг катта ўғли шоир ўз юртидан кетмасдан илгари вафот этган бўлиб, дағи этилган жойи ҳозирги Каттақўргон шаҳри марказидаги сарбозор ичидадир. С. Айний Оллоёрнинг ҳукумат вазифаларида ишлаганини таъкидлайди, аммо аниқлик киритмайди. Мақсад б. Мир Носириддин Ҳусайнин Бухорийнинг «Равоийҳ ул-қудс» тазкирасидаги маълумотлар ҳам юқоридаги икки тазкирадан деярли фарқ қилмайди. Шундай бўлса-да, унинг маълумотларида битта янгилик кўзга ташланади. У Оллоёрнинг Сўфи Наврўзга мурид тушиб, Ҳумул мавзесида анча йиллар риёзат ва мужаҳада билан шуғулланганидан хабар берган.⁶⁶ Ҳумул ҳозирги Ургут туманига қарашли қишлоқлардан биридир. Айрим манбаларда Сўфи Оллоёр Бухорода бож маҳка-

⁶⁴ Тазкиран Абдулматлаб Фаҳми. ЎзФАШИ қўлёзмалар фонди, Р-2331-1, 9⁶-10⁶-варақ.

⁶⁵ С.Айний. Намунаи адабиёти тохик. –Самарқанд:1925 йил,169-171-бетлар.

⁶⁶ Мақсад б.Мир Носириддин Бухорий. Равоийҳ ул-қудс. Қўлёзма, XVIII аср, 216-бет. Мазкур қўлёзма самарқандлик олим К.Каттаевнинг қўлида сақланади.

масининг бошлиғи сифатида фаолият кўрсатгани ҳақида айтилади. Жумладан, бу маълумот ҳижрий 1221—милодий 1806 йилда татар олими Тожиддин Ёлчиғул ўғли томонидан ёзилган «Рисолай Азиза» китобида келтирилган. Асар «Сабот ул-ожизин» асарига ёзилган шарҳ бўлиб, Сўфи Оллоёрни турк дунёсида машҳур қилди ва унинг асарларидағи буюк ғояларнинг бошқа мамлакатларга тарқалишига катта ҳисса қўшди. Муаллиф асар муқаддимасида кўрсатишича, уни қизи Азизанинг илтимосига мувофиқ қўлланма тарзида ёзган ва шунинг учун номини «Азизанинг китоби», яъни «Рисолай Азиза» деб номлаган.⁶⁷ Унда келтирилган шоир таржимаи ҳоли анча мунозарали. Жумладан, шундай келтирилади:

«Самарқанд элинда Мийнкалан отлиғ овул бор эди.
Ул оувулнинг жамоати аксар эзгу инсонлар эди. Ул оувуда Темирёр деган бир кимса бор эди. Ғоят солиқ ва тақвадор эди. Асли ва насли нўғай эрмиш. Андин бир ўғил туғилмиш, отини Оллоёр қўйдилар. (Отаси уни) Ўн ёшинда Бухорога келтируб мадрасага солди. (Оллоёр) Илмлар ўрганди. Кўп фанлар ҳосил айлади. Йигирма беш ёшинда Бухоро подшоҳи уни бож маҳкамасига тўра (бошлиқ) қилди. (У) Ғоят қон тўккучи бўлди. Кунлардан бир кун Растон бозорида шайх Ҳабибуллоҳнинг бир муридини қаттиқ урди. Муриднинг боши ёрилди, қонлар оқди. У Шайх Ҳабибуллоҳ олдига бориб Оллоёр тўрадан шикоят айлади. Шайх айтди: «Сабр айла, ман они сизлардек айлайин» деб қўлини дуога кўтариб: «Бу тўрани бизлардек ғарибкўнгил айлагил, дунё ва охирати муродини бергил» деб дуо қилди».⁶⁸ Баён давомида Оллоёрнинг кўнглига жазба тушиб, шайх ҳузурига келиши, унга мурид тушиб, шартларини бажариши ва хизматида 12 йил юриши ҳақида сўзланади. Бу маълумотларни

⁶⁷ Рисолай Азиза. Литография. —Казан: 1914. 3^а-варақ.

⁶⁸ Ўша асар, 4^а-варақ.

Ёлчиғул ўғли қаердан олғанлығи номаълум. Улар Сўфи Оллоёрнинг ўзи ёзib қолдирган ёки бизга аниқ маълум бўлган манбалар билан мувоғиқ келмайди. Унинг яна бир жойида Сўфи Оллоёр ҳаётига таалуқли маълумотлар келтирилган: «Айтмишлар, Оллоёрнинг ўғли Мұҳаммад Содиқ дегон эрди. Бухорода туғилмиши эрди. Йигирма етти ёши тўлғонда асл юрти Самарқандга кетди. Оллоёр Бухорода қолди. Ўн йилдан сўнг Байтуллоҳга зиёрат учун азм айлаб, бизнинг Булғор юртина душ келиб, Қозон қалъасинда бироз тавакқуф (тўхтамиши) айламишдир. Аввал замонда Булғорнинг бир комил сўфиси бор эрди. Ислами Идрис Ҳофиз дерлар эди. Онинг била сил-силалари бир эрмишдур. Оқибат, Оллоёр Сўфи Булғор юртидин Арзирумға бормиши. Анда чу, кароматлари билинмишдин сўнг Искандария шаҳрина келди. Анда дор ул-фанодан дор ул-бақога кўчди. Ражаб ойининг йигирма тўққизинчи куни эрди, Оллоёрнинг ул замондаги ёши тўқсон эди. Узун бўйлик, қўй кўзлик, жайрон соқоллик демишлар».⁶⁹ Ушбу таржимаи ҳол, аввало, қўлимизда тўплланган фактик материаллар ва иккинчидан, юртимизда яратилган қўллэзма манбалардаги маълумотлар билан қиёсан ўрганилди. Шоирнинг ўғли Мұҳаммад Содиқ Каттақўргон ва Қашқадарё чегарасидаги Чўнқаймиш қишлоғида дағи этилган.⁷⁰ Сўфи Оллоёрнинг ўзи эса Вахшиворда дағи этилгани барча қўллэзма манбаларда тасдиқланган.⁷¹ «Маҳозин ут-тақво» муаллифи унинг жанозасида Шайх Кўлобий имомлик қилгани ҳақида ёзib қолдирган.⁷² Сўфи Оллоёрнинг авлодлари эса унинг 90

⁶⁹ Рисотай Азиза, 247^а-варақ.

⁷⁰ Чўнқаймиш қишлоғи ҳозирги Самарқанд вилояти Нуробод туманидаги Жом қишлоғининг ёнида жойлашган. Мұҳаммад Содиқ қабри устидаги тощда унинг шахсини тасдиқловчи ёзув мавжуд.

⁷¹ Тазкираи Фаҳмий. ЎзФАШИ. қўллэзма, инв№ 2331, 70^а-варақ. Маҳозин ут-тақво. ЎзФАШИ. қўллэзма, инв№ 51, 16^а-варақ.

⁷² Мир Ҳусайн. Маҳозин ут-тақво. ЎзФАШИ. қўллэзма. инв№ 51, 16^а-варақ.

ёшда вафот этганигини таъкидлайдилар.⁷³ Сўфи Оллоёр бирор-бир асарида ўзини нўғай деб айтмаган, аммо баъзи шеърларида ўзи ўзбекнинг ўтарчи уругига мансублигини айтиб ўтган. У рубоийларининг бирида шундай келтирган:

*Холиқо! Ё аввало! Ё охиро!
Нафсу шайтон жонима бўлди бало.
Гарчи Оллоёр Ўтарчиудур ямон,
Қўймагил душман қўлига мубтало.*

ёки

*Одамининг қадри йўқ бир-бирга юрганда амон,
Қадри ўтар аммо жудолиг бўлса санда бегумон.
Гарчи йўқ дунёда Оллоёр Ўтарчидан ёмон,
Уни ҳам қадри ўтар бир неча, ки ўтган замон.⁷⁴*

Ёлчиғул ўғли шарҳидан фойдаланган айрим олимлар, жумладан, «Сабот ул-ожизин» китобини нашр эттирган хориждаги ватандошларимиздан Саййид Туркистоний ҳам шоир таржимаи ҳолини нотўғри келтирган.⁷⁵

Сўфи Оллоёрниң вафот этган йили масаласида ҳам манбаларда икки хил маълумот учрайди. Бири Фаҳмийга тегишли бўлиб, у ҳижрий 1136 йил деб ҳисоблаган. Бироқ бир неча таърихлар борки, улардан ҳижрий 1133 йил келиб чиқади. Масалан, Убайдуллоҳ ибн Исломқулининг «Сабот ул-ожизин» шарҳида берилган:

*Чероги кулбай асрори тавҳид,
З-софии машраб Сўфи Оллоёр.*

⁷³ «Маҳозин ут-тақво» муаллифи Оллоёрни 63 ёшда дунёдан ўтган деб кўрсатади (16^а-варақ).

⁷⁴ Сабот ул-ожизин. ЎзФАШИ, Қўллэзма, инв.1203. 77⁶-варақ.

⁷⁵ С.Туркистоний. Сўфи Оллоҳер/Фойиблар хайлидан ёнган чироқлар, Тўплам. –Тошкент: 1994, 285-бет.

*Агар жусуянд тарихи вафоташ,
З-қофи жиму гайну лом бардор.*

(Сўфи Оллоёр имоннинг соғлигидан Аллоҳ сирлари сақланадиган кулбанинг чироғи ҳисобланади. Агар вафоти таърихини изласалар, қоғ ва жим ва гайн ва ломдан изла).

Таърихидаги абжад ҳисобида ҳарфлардан 1133 йил ҳосил бўлади.

«Сабот ул-ожизин»нинг саккизта нусхаси асосида тайёрланган Техрон нашрида келтирилган сўзбошида ҳам шу таърих келтирилган. Шунингдек, XIX асрнинг охирги чорагида Исройлжон Тошкандий томонидан кўчирилган «Сабот ул-ожизин»нинг нусхаси охирида қўйидаги таърих ёзиб қўйилган:

*Абу Ҳанифаи вақт аст Сўфи Оллоёр,
Худо дода ба у қолу ҳолро бисер.
Ҳар онгаҳ омада тарихи фавти у пурсанд,
Бигу, ту қофи жиму гайну ломро бишумор!*

(Сўфи Оллоёр замонанинг Имом Аъзам–Абу Ҳанифасидир, Худо унга қол (диний илмлар) ва ҳол (суфийлик)-дан кўп баҳраманд этгандир. Қачон унинг вафоти вақтини сўрасалар, айтгил: «Сен қоф, жим, гайн ва ломни сана!» ЎзФА Шарқшунослик институтида сақланаётган «Сабот ул-ожизин»нинг яна бир нусхаси охирги варагида айни шу таърих келтирилган.⁷⁶ Кўриниб турибдики, кўлчилик таърихларда ҳижрий 1133 йил кўрсатилган. Бу эса унинг вафоти 1720–1721 йилга тўғри келишини билдиради.

⁷⁶ Сабот ул-ожизин. ЎзФАШИ, қўлёзма, инв. 09/ 867. Ушбу қўлёзма А.А.Семенов томонидан тавсиф этилган. Қаранг: Семенов А.А. Описание персидских, арабских и турецких рукописей ФБ Среднеазиатского Государственного университета. –Ташкент: 1935, стр. 68.

Агар Сўфи Оллоёрнинг ҳижрий йил ҳисоби билан 90 ёшда вафот этгани ҳисобга олинса, у кишининг туғилган йилини ҳижрий 1043 йил деб белгилаш мумкин. Бу сана милодийга айлантирилганда 1634 йил ҳосил бўлади.

Сўфи Оллоёр Каттақўрғондан 50-60 ёшларда бўлганида чиқиб кетганилигини тахмин қилиш мумкин. Мир Ҳусайнинг ёзиб қолдиришича, у ҳар йили яшаш жойини ўзgartирар экан. Маълум муддат Кешда, Тўнмачи деган қишлоқларда ящаган ва шу ерларда ундан баъзи кароматлар зоҳир бўлган.⁷⁷ Умрининг охирги йиллари ни Сурхондарё тоғ этакларида, хусусан, Вахшивор мавзесида ўтказган. 1721 йилда шу ерда вафот этган.

Сўфи Оллоёрдан бир неча асарлар мерос қолган. Охирги пайтларда унинг номига нисбат берилган турли асарлар борлиги маълум бўлмоқда. Уларнинг аниқ Сўфи Оллоёр қаламига мансуб ёки мансуб эмаслиги кейинги тадқиқотларда аниқланар. Ҳозирча бизга маълуми тўртта бўлиб, «Маслак ул-муттақин», «Сабот ул-ожизин», «Маҳзан ул-мутеъин» ва «Мурод ул-орифин» асарларидан иборат.⁷⁸ Улар ислом дини асослари ва тасаввуф илми шарҳига бағишланган. Олдинги икки асар шеърий

⁷⁷ Мир Ҳусайн. Маҳозин ут-тақво. ЎзФАШИ, қўлёзма, инв№ 51. 15⁶-варақ. Муаллиф ёзади:

Карда ҳар сол як замин маскан
Куҳҳоро ба худ намуди ватан.
Гар иқомат намуди ҳар арз,
Ганжҳо пеши у намуди арз.
Гашта зоҳир ба шайх махзанҳо,
Жилтва доди ба чашми у дунё,
Рафти аз он макон ба жойи дигар,
Дур буд аз ҳирсу сийму зар.
Ба ҳама дошт баски ваъзу панд.
Жони худро ба шаръ кард ҳадаф.
Гоҳ амволи худ намуди талаф(15⁶-варақ).

⁷⁸ Мурод ул-орифин. Тошбосма. –Тошкент: XX аср боши. 2-бет. Унда аввал «Маслак ул-муттақин», кейин «Сабот ул-ожизин», сўнг «Маҳзан ул-мутеъин», кейин «Мурод ул-орифин» ёзилгани айтилган.

битилган бўлиб, бири ўзбекча, иккинчиси форсча ёзилган. «Маҳзан ул-мутеъин» араб тилида ёзилган.⁷⁹

«Маслак ул-муттақин» Сўфи Оллоёрнинг энг йирик асари бўлиб, муаллифнинг ўзи қайд этишича, уни ҳижрий 1111 йил қурбон ойининг жума куни ёзил тутатган. Асар форсий назмда битилган, ҳажми 12000 байтдан ортиқдир. Бу ҳақда «Сабот ул-ожизин»да маълумот беради:

*Битибмен форсий тилда бир китобе
Тамом анда масойиллинг жасавоби.
Ҳама фаткову тақвонинг баёни
Ўн икки мингдан ортиқ байти они.*

«Маслак ул-муттақин»нинг тутатилган вақти унинг «Дар адами таснифи китоб» фаслида ҳижрий 1111 йил қурбон ойининг жума куни деб қайд этилган.⁸⁰ Бу милодий 1700–1701 йилга тўғри келади. Сўфи Оллоёр ҳижрий 1133 / милодий 1720–1721 йилда вафот этган.⁸¹ Шунга биноан, асар 1700–1720 йиллар орасида ёзилган дейиш мумкин.

«Сабот ул-ожизин» ислом дини асосларини ўргатувчи энг муҳим фан бўлган ақида (ақоид) масалаларининг туркийдаги шарҳидир. Аммо унинг бош мақсадларидан бири ёт мағкурага қарши қурашиб бўлганилиги, ўша даврда Афғонистондан кириб келган ва аҳоли орасида кенг тарқалаётган бидъат ва ботил суфий оқим – рав-

⁷⁹ Охирги пайтларгача ушбу асарнинг нусхаси сақланниб қолмаган деб ҳисобланар эди. Жиддий изланишлар оқибатида унинг ягона тошбосма нусхасини топишга мусассар бўлдик. Асар ЎзФАШИ, Кўлёзмалар фондси, № 4982 остида сақланмоқда.

⁸⁰ «Маслак ул-муттақин»нинг қўнимизга тушган бир тошбосма нусхасида «1112 ҳижрий йили муҳаррам ойининг 24-сидага, душанба куни деб ёзилган (тошбосма нусха. –Тошкент: 1915. 560-бет).

⁸¹ Фаҳмий унинг вафот этган йилини ҳижрий 1136 йил тарзида келтиради. Қаранг: Тазкира-и Фаҳмий. ЎзФАШИ. қўлёзма, №2331-1, 106-варақ..

шанийлар ҳаракатига қарши ҳалқни кўтариш, оммани ўз таъсири остига олишига йўл қўймаслик эканлиги кўриниб туради.

«Маҳзан ул-мутеъин» асари араб тилида ёзилган бўлиб, калом илмига багишланган. Унда Сўфи Оллоёр Худонинг зоти ва сифатлари, инсон амаллари каби калом илмининг бош масалаларини шарҳлаган. Асарнинг араб тилида ёзилишига сабаб, машҳур мутакаллимларнинг мулоҳазаларини тизимлаштирган ҳолда кўриб чиқиши бўлган бўлиши керак.

«Мурод ул-орифин» асари Сўфи Оллоёрнинг охирги, тўртинчи китобидир. Китоб 15 фаслдан иборат. Унда калом ва тасаввуфий қараашлар ислом оламининг ўттизга яқин машҳур уламолари ва буюк суфийларининг рисолаларига суюнган ҳолда тушунтирилган.

Сўфи Оллоёр ўзбек ва форс тилларида, мумтоз адабиётнинг ғазал, маснавий каби лирик жанрларида ижод этган. Бу Сўфи Оллоёрнинг иқтидорли шоир сифатида ўзбек ва тожик адабиётлари тарихида муносиб ўрни борлигидан далолат беради. Аммо шоирлик унинг ягона фазилати эмас. Сўфи Оллоёр, биринчи навбатда, йирик илоҳиётчи олим ва суфий, Абу Ҳанифа – Имом Аъзам анъаналарини ривожлантирган таниқли дин арбобидир.

Сўфи Оллоёр ижоди ва фаолиятини ўрганиш XVII асрнинг охири – XVIII аср бошлари ижтимоий-маънавий муҳити ва ўша даврнинг асосий ғоявий йўналишларини белгилашда қимматли маълумот беради.

«Сабот ул-ожизин» асари XVII–XVIII асрлар Ўрта Осиё ҳалқлари маънавий ҳаётига доир муҳим манба сифатида

Шубҳасиз, темурийлар сулоласининг Ўрта Осиё илмфани ва маданиятига қўшган жиддий улуши фонида улардан кейинги даврларда минтақада ҳукмдорлик қилган сулолаларнинг бу соҳада эришган муваффақиятла-

ри хира қўринади. Бу ҳол, кўпроқ XVI–XVIII асрларга тааллуқли. Бу даврларда аграр хўжаликда, шаҳарсозликда муайян силжишлар рўй бергани тарихий манбаларда кенг ёритилган. Шунингдек, ўша даврдаги сиёсий вазиятга ҳам муайян баҳо берилган.⁸² Олимларимиз томонидан халқимизнинг ўша даврлардаги маънавий-маданий ҳаёти етарли ўрганилмаганини ҳам алоҳида таъкидлаш ўринли. Айниқса, аштархонийлар сулоласи (1599–1745) ҳукм сурган даврларда халқининг ижтимоий аҳволи, жамиятда устувор бўлган диний-фалсафий қарашлар, улар орасидаги муайян зиддиятларни ўрганиш ҳамон ўзининг илк босқичида турибди. Бунинг сабабларидан бири, ушбу муаммо шу давр тарихига бағишиланган бирламчи манбаларда ҳам хира ёритилган. Бошқача бўлиши ҳам эҳтимолдан йироқ. Чунки аксар тарихчилар моддий манбаатдорчилик юзасидан хонларни мақташ, уларни улуғлаш позициясида туриб ижод қилганлар. Ва табиийки, кўпроқ ҳукмдор табақаларнинг фаолиятини ёритганлар, ўзаро урушларга хон қарашларидан келиб чиқиб баҳо берганлар. Бундай ёндашувларга асосланган айрим узуқ-юлуқ эпизодлар орқали давр мафкуравий жараёнларини объектив ўрганиш ва баҳолаш осон эмас. Шундай ўринларда қўшимча манбалар, жумладан, ўша даврларда яратилган турли адабиёт намуналари ва агиографик маълумотлардан фойдаланиш тўлароқ та-

⁸² Муҳаммад Юсуф б.Ходжа Бақо.Тарихи Муқим-хани. Пер.,предисловие, прим. и указатели. А.А.Семенова. –Ташкент: 1959; Мир Мухаммад Амин Бухари. Убайдуллоҳнома. Пер.., прим.. Семенова, – Ташкент: 1957; Хоғиз Таиниш Бухорий. Шарафномайи шоҳи.Пер.,введ., прим. и указ.М.Салаҳетдиновой. Ч.1. –Москва:1983; Ходжа Самандар Термизи.Дастур ул-мулук. Факсимиile рукописи.Пер.предисл.,прим.,М.Салаҳетдиновой. –М.: 1971; Б.Ахмедов. Историко-географическая литература Средней Азии XVI-XVIII вв. –Ташкент: 1985; Абдарраҳман Давлат Толеъ. Тарих-и Абул-Файз-хани. ЎзФАШИ, №11.

саввурга эга бўлишга имконият беради. Оллоёр ибн Оллоқули Каттақўргоний қаламига мансуб «Сабот ул-ожизин» асари ана шундай манбалар жумласидандир. Унинг яратилиш вақти ҳақида маълумотлар йўқ.⁸³

«Сабот ул-ожизин» асарини ўзбек тилида яратилган илк ақоид китоби деб ҳисоблаш мумкин. У XIX асрда нафақат Марказий Осиёда, балки Константинопол (Туркия) ва Қозонда кўплаб нусхаларда кўчирилган ва тошбосма усулида нашр этилган.⁸⁴ Шундан маълум бўладики, туркий златлар яшовчи минтақаларда бу китобга талаб ниҳоятда кучли булган. Нисбатан яқин даврларда ҳам Эрон ва Ироқдаги туркий қавмлар орасида унинг нуфузи сақланиб қолганлигини кўриш мумкин.⁸⁵ Марказий Осиё халқлари орасида кенг тарқалган диний китобхонлик маросимларида ҳозирги даврларда ҳам бу асардан кенг фойдаланилади. Шунга қарамасдан, ҳозир-

⁸³ Ўзбекистон Фанлар академияси Шарқшунослик институти қўллэзмалар фондида «Сабот ул-ожизин»нинг қирқа яқин қўллэзма нусхаси ва кўплаб тошбосма нусхалари мавжуд. Бироқ бирор тасаввурниң ёзилиши вақтини аниқлаштиришга ёрдам берадиган маълумотларга кўзимиз тушмади. А. Семенов ҳам «Сабот ул-ожизин»нинг уч нусхаси ҳақида маълумот берган тадқиқотида унинг ёзилган вақтини кўрсатмаган. Тавсифларнинг қисқалиги бу ҳақда умумий тасаввурни кенг бўлмаганлигини кўрсатади (Қаранг: А. Семенов. Описание персидских, арабских и турецких рукописей Фундаментальнойной библиотеки Среднеазиатского Государственного Университета. Ташкент. 1935. стр. 68-69.). Шуни қайд этиш керакки, ЎзФАШИдаги қўллэзмаларнинг энг олдин кўчирилганлари ҳижрий 1240/1824–1267/1850–1851 йилларга тўғри келади ва бошқа фондларда қадимиyoқ нусхалари топилса бу масала ойдинлашиши эҳтимолдан холи эмас.

⁸⁴ Қаранг: А. Семенов. Описание персидских..., стр. 68. Шунингдек, баъзи маълумотлар учун: Blochet,Cat.de la col.de Schefer, p.142 N 968.

⁸⁵ Сабот ал-ажизин. Техрон, Гунбади Кобус. ҳижрий.ш.1366 йил. Ушбу асар «ал-Мактабат ал-исломийа» талаби билан нашр этилган бўлиб, унинг сўзбошисида «Сабот ул-ожизин» йиллар давомида Вафоийнинг «Равнақ ул-ислом» асари билан бир қаторда мадрасаларда дарслек сифатида ўқитиб келингандиги қайд этилган.

гача Сўфи Оллоёр феномени ва унинг «Сабот ул-ожизин» асари яхши ўрганилмаган.

«Сабот ул-ожизин» асари бир қарашда исломий ақида масалаларининг ўзбек тилидаги содда шеърий шарҳига ўхшаб туюлади. Бу асарнинг «Маслак ул-муттақин» асари билан бир бутунликда кўриб чиқиш эса унинг жиддий асар эканлигини, кўз илгамас ишораларининг тагига етиши унинг муҳим қирраларини очиши мумкинлигига имкон берди.

Юқорида зикр этилганидек, Сўфи Оллоёр аввал «Маслак ул-муттақин»ни яратган. «Маслак ул-муттақин» исломнинг беш устуни – имон, намоз, рўза, закот ва ҳаж каби фарзи айн ибодатларини форс тилида оддий шеърий йўсинда тушунтириб беринши ўз олдига мақсад қилиб қўйган. Бироқ ҳаж боби ёзилмаган.⁸⁶ Китоб айрим бобларининг номланиши Убайдуллоҳ Масъуддининг «Мухтасари виқоя» – фиқҳий асари тартибига ўхшаб кетади.⁸⁷ Унинг исломий ақида шарҳига бағишлиланган биринчи қисми аҳамиятли бўлиб, асардан кўзланган асосий мақсадни ифодалайди. «Сабот ул-ожизин» ана шу ақида қисмининг янада кенгайтирилган ўзбекча варианти сифатида қабул қилиниши мумкин.⁸⁸

⁸⁶ Муаллиф буни ҳажга бориб келгандан сўнг ёзиш нияти билан изоҳлайди.

⁸⁷ «Маслак ул-муттақин» ҳам деярли «Мухтасар ул-виқоя»га таянч манба бўлган асарлар асосида ёзилган. Бироқ бунда муаллиф ўзи зарур деб ҳисоблаган ўринларга кўпроқ тўхталланлиги жиҳатидан «Мухтасар ул-виқоя»дан фарқ қиласди.

⁸⁸ Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин»да айтади:

Ёзилди форсий тил бирла мактуб (яъни Маслак ул-муттақин-Ш.С.).

Ақидоту фуруъи қурби Маҳбуб.
Аниким кўрдилар туркий ёронлар,
Дедилар: «Гар дуо қилса эранлар
Битилса туркий тил бирла ақида
Кўнгуллар бўлса ондин орамида».

Шу билан бирга, муқояса натижасида кўзга ташланган фарқлар «Сабот ул-ожизин» («Маслак ул-муттақин» ҳам!) фақат ақида ҳақида ёзилган анъанавий руҳдаги шарҳ бўлиб қолмасдан, балки муайян шарт-шароит тақозоси туфайли яратилган зарурий қўлланма эканлигига ишонч уйғотади. Ҳар иккала асар муаллифнинг жамиятдаги қандайдир жараёнларга нисбатан салбий таъсири ифодаси сифатида дунёга келган деган фикрга бориш мумкин. Бунинг дастлабки учқуни «Маслак ул-муттақин»нинг ниҳоясида, унинг ҳаж сафарига кетиш ниятини изҳор этишида сезилади.⁸⁹ Жамиятдаги муҳитга берган баҳосидан унинг кайфиятини белгилаш қийин эмас:

*Ҳам дар ин балдаҳои мо дони
Заъф рафтааст дар мусалмони.*

⁸⁹ Унинг ҳажга борган-бормаганилиги ҳозирча аниқланмаган. Тоқиддин Ёлчиғул ўели уни ҳажга борган, дейди (Рисолаи Азиза, 247-бет). Унинг маълумоти Сўфи Оллоёрнинг асарлари нусхаларига котиблар томонидан қўшилган илова-ғазалларда жумладан, «Сабот ул-ожизин»нинг баъзи нусхалари охирида келтирилган иниси Фарҳод Оталиққа ёзган шеърий мактубига асосланган бўлиши мумкин. Шеърий мактубининг матла ва мақтаси қўйидагича:

*Ҳама ёру биродарлар, хуш қолинглар,
Жигарбандим, азизим, хуш қолинглар.*

*Кел, Оллоёр, сўз куюҳ қилигил,
Белигни боғла, азми Рум қилигил.* (ЎзФАШИ №12013, 81а-варап). Қоғия қоидаларига кўра, «кутоҳ»га «роҳ» «Рум»дан кўра муносиброқ. Астиди «азми роҳ» бўлган бўлиши керак. «Сабот ул-ожизин»нинг Техрон нашрида «азми роҳ» шаклида келтирилган (340-бет). Тоқиддин қўлида хато ёзилган нусхалардан бири бўлган бўлиши мумкин, чунки у Сўфи Оллоёрнинг таржимаи ҳоли баёнида унинг «Арзи Рум»га борганини таъкидлаган (Рисолаи Азиза, 247-бет). «Азми роҳ» қилиш эса ҳажга боришдан бошқа маънони ҳам англатиши мумкин. Мазкур шеър Оллоёрнинг ватанини ташлаб чиқиши муносабати билан ёзилган бўлиши ҳам мумкин. «Сабот ул-ожизин» нусхаларига илова этилган шеърлар сони кўп ва турлича бўлиб, уларнинг қайси даврларда ёзилганлигини аниқлашнинг иложи бўлмади.

*Зоҳидоники шайх номиданд,
Хештапро бузурги Ҳақ диданд.
Баъзи олимон чунон шуданд,
Фитнаомузи омиён шуданд.⁹⁰*

Бу даврда исломий эътиқоднинг сусайгани ҳақидаги хабар – муҳим ишора. Тарихий ёки бошқа жанрдаги манбаларда бундай айбловни учратмайсиз. «Маслак ул-муттақин»дан келтирилган юқоридаги сатрлар давомида жамиятдаги яна бир қанча иллатлар – дин аҳлларининг мутакаббир бўлиб кетганлиги, уламоларнинг халқни авраб, бойлик орттиришга рағбати, адопатсизлик ва зулмнинг кучайгани каби фикрлар биз учун янгилик эмас. Булар тарихий манбаларда ҳам ёритилган. Бироқ, Бону (?) лўлиларининг кўчиб келиши ва улар олиб келган мафкуравий қараашларнинг жамият ахлоқ нормаларига таъсири борасидаги ахборот назардан қочирилмаслиги керак. «Маслак ул-муттақин»да икки сатрда айтилган фикрга «Сабот ул-ожизин»да қайта-қайта мурожаат этилади.

Сўфи Оллоёрнинг тўртала асарида ҳам асосий мавзуу исломий ақида ва ёт мафкураларнинг нотўғри қараашларини ханафий мазҳаб нуқтаи назаридан тушунтиришга багишлиланган. Бироқ, «Сабот ул-ожизин» «Маслак ул-муттақин»даги фоя ва руҳиятнинг бевосита давоми сифатида, ўзининг содда тили ва бевосита ўқувчининг ўзига мурожаат услубида ёзилганлиги билан диққатни жалб этади. Унда биз кўриб чиқаётган даврларда ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг деярли барча жабҳаларини ўз таъсир доирасига тортган тасаввуф тариқатлари фаолиятидаги салбий тенденциялар кескин танқид қилинади ва ўқувчиларга насиҳатлар қилинади. Танқид обьектларининг

⁹⁰ Маслак ул-муттақин. Қўлёзма. Дар баёни адами таснифи китоби ҳаж. 18⁶-варақ.

асосийси Равшания тариқатидир. Бунинг номини қуйидаги мисралардан билиш мумкин:

*Фараз, эй бандалар нозир бўлинглар,
Ёмон йўл фирмага ҳозир бўлинглар.
Бани одамда бордур бир фариқа,
Тутарлар ўзларини аҳли тариқа.
Алар шаръи Набининг душманидур,
Аларни оти, яъни Равшанийдур.*

Шайбонийлар ва Аштархонийлар тарихига бағишиланган манбаларда бу тоифа ҳақида бирон маълумотга ҳозирча кўзимиз тушмади. Равшания ҳаракати ҳақидаги тўлиқ маълумот берувчи манбалар кам сонли бўлиб, уларнинг асосийси XVII асрда яшаган Али Муҳаммад Мухлиснинг «Ҳолномаи Боязид Равшан» маноқиби ва ушбу тариқатнинг жиҳдий мухолифи бўлган Охунд Дарвиза Нангархорийнинг «Тазкират ул-аброр вал-ашрор» ҳисобланади.⁹¹ Равшанийлар ҳаракати сардори Боязид Анзорий (вафоти тахм. 1575й.) Қандаҳорда пуштун қабилясининг улуғларидан бўлган. У ёшлигига аввал отаси, сўнг отасининг шогирди Поянда қўлида тарбияланади. Охунд Дарвизанинг ёзишича, асосий дунёқараши Мулла Сулаймон Мулҳид номи билан машҳур суфийнинг таъсирида шаклланган. Сулаймон Мулҳид таълимоти ўша даврда Ҳиндда кенг тарқалган барча таълимотлар, жумладан, «Ваҳдат ул-вужуд», ҳиндларнинг таносух ақидаси, лўлиларнинг турмуш тарзини ифодаловчи уму-

⁹¹ Бу асарнинг бир нусхаси ЎзФАШИ қўлёзмалар фондида 9337 рақами остида сақланади. Асан ҳ. 1021 йилда ёзилган. Мазкур нусха котиб Каримуллоҳ Мулло Муҳаммад томонидан Гилонда ҳ. 1117 йилда кўчирилган. Равшанийлар тарихи С.Андреев томонидан кенг ўрганилган. Қаралсан: S.Andreyev / Sufi illumination Gurson Press, 1999; Яна: The Ravshaniyya. In: The heritage of Sufism. Volume III, Ed. by L.Lewisohn and D.Morgan, pp.290-318.

мий хўжалик ва эркин эр-хотин муносабатларини ўзида акс эттирас эди. Бу таълимотда Аллоҳ билан бирлашиш гояси эркин ва қувноқ ҳаёт, рақс ва шеърхонлик йигинлари алоҳида ўрин тутган. Боязид юритига қайтиб, Мулҳиддинг гояларини ёя бошлайди ва аҳоли томонидан жиддий таъқибга учрагач, Нангархорга қочади.⁹² Унинг таълимотидаги шариат қонун-қоидаларини инкор этиш, турли куфр сўзларни ишлатиш Аллоҳга муҳаббатнинг кучлилиги билан изоҳланди. Равшанийлар ўз шеърларида ягона эркин жамият, Илоҳий ва заминий ишқ бирлиги ҳақида фалсафий мулоҳазаларни тарғиб этдилар. Равшанийлар шеърияти пуштун адабиётининг шаклланишига хизмат қилди. Аммо мафкуравий жиҳатдан, улар кўтариб чиқкан гоялар ислом жамиятини емиришга қаратилган сиёсий ҳаракатнинг ниқобланган чақириqlари эди. Сал ўтмай, Боязид Ансорий ўз сафига турли тоифаларга мансуб аҳолини тортишга муваффақ бўлди ва «равшанийлар» ҳаракати сифатида сиёсий саҳнага чиқа бошлади. Бобурий ҳукмдорлар ушбу тариқатнинг авом халқни саросимага солиб қўйгани ва жамиятда бошбошдоқлик бошланганидан жиддий хавотирланиб, қатъий чора-лар кўрди ва ҳаракат пешволарини таъқиб қила бошлади. 1575 йилда Боязид Ансорий вафот этгандан сўнг унинг ўғли шайх Умар ҳаракатни бошқарди. Бу даврда равшанийлар тариқат гояларини амалга оширишдан кўра, сиёсий манфаатларни кўзлаб ҳаракат қила бошладилар. Бироқ пуштун қабилаларини бирлаштириш гояси амалга ошмагач, ҳаракат ич-ичидан емирила бошлади. 1630 йилларга келиб, бобурийларнинг савъ-ҳаракати билан тариқат тарқатиб юборилди.⁹³ Шундан кейин ўтган давр мобайнида равшанийлар тариқатининг аъзолари турли

⁹² Охунд Дарвиза Нангархорий. «Тазкират ул-аброр вал-ашрор», ЎзФАШИ, № 9337, 160^н-варақ.

⁹³ S.Andreyev . The Ravshaniyya. In:The heritage of Sufism, Volume III, p.301.

ҳудудларга тарқаб кетдилар ва ҳар ким ўз ҳолиша тариқат фояларини тарғиб этиш билан шуғулланди. Шу жараёнда турли кассоб, бузуқ ва товламачилар ўзларини улуғ тақвадор пир-суфийларга менгзаб тариқат пешволарига айландилар.⁹⁴

Айни шу даврларда, аниқроғи, XVI асрнинг II ярмидан Ўзбекистон ҳудудида нақшбандия тариқатининг мавқеи жиддий заифлашиб, унинг таянч марказлари Ҳинд минтақасига кўча бошлаган эди.⁹⁵ Бунинг сабаби Мовароуннаҳр ижтимоий-сиёсий ҳаётидаги нотинчлик, беқарорлик ва тариқат пирларининг ҳокимиятни қўлга киритиши, ҳалқ орасидаги тарбиявий ишларнинг сусайиб қолиши билан боғлиқ бўлган дейишга асос бор. Айниқса, XVI асрнинг I ярмида Ўрта Осиё сиёсий-ижтимоий ҳаётida маълум мавқега эга бўлган нақшбандия тариқати пири Хожа Аҳмад Косоний-Махдуми Аъзам (1461–1542) вафотидан сўнг ўтган бир аср давомида ягона суфийлик ҳалқаси олдинги асрлардаги ўзининг пешқадамлигини йўқота бошлаганини кузатиш мумкин: Махдуми Аъзам авлодлари орасида тариқатга раҳбарлик қилишдан кўра сиёсий ҳокимиятга интилиш тамойили устуворлик қилди.⁹⁶ Тариқат пирларининг хонлар

⁹⁴ Охунд Дарвиза Нангархорий. «Тазкират ул-аббор вал-ашрор» , 129а-варақ. Шу ерда Кўлоб ва Андиконда ўғрилик билан машҳур бўлган Муялло Валининг қандай қилиб пирликка эришгани унинг ўз оғзидан ҳикоя қилинади.

⁹⁵ Ж.Гримингэм. Суфийские ордены в Исламе/Пер.с анг. А.Ставиской, под. Ред. О. Акимушкина. Москва, 1989, стр.84.

⁹⁶ XVII асрнинг II ярмида Шарқий Туркистонда Махдуми Аъзам авлодларининг оқтоғлиқ ва қоратоғлиқлар атальмиш тармоқлари ўртасида ҳокимият учун бўлган кескин курашлардан сўнг Ёркент таҳтига оқтоғлик Ҳидоятуллоҳ Офоқхўжа ўтиради. Ушбу сулола 78 йил давомида ҳокимиятни бошқарган. Қаранг: К.Каттаев. Махдуми Аъзам ва Даҳбед. –Самарқанд: 1994.55-б; И.Абдуллаев. Баҳовуддин Нақшбанд / Голиблар хайлидан ёнган чироқлар. Тўплам. –Тошкент: «Ўзбекистон», 1994, 172-б.

даврасига интилиши, катта вақфларни қўлга киритишга ва мол-мулк тўплашга ҳаракат қилиши одат тусини олди. Натижада, Мовароуннаҳр ҳудудида кўплаб мустақил ҳалқалар ташкил бўлиб, минтақавий чегараланиш ва ўзаро рақобат пайдо бўлди. Махдуми Аъзамдан кейин нақшбандиянинг қудратли даргоҳини бошқариш учун масъул бўлган Жуйбор шайхлари эса тўлиқ сиёсат билан банд, уларнинг тариқат даргоҳлари юзаки таълимга асосланган номинал ташкилотга айланган эди.

Нақшбандиянинг XVI асрдан кейинги тараққиёти Ҳиндистон билан бўғлиқ. Деҳлида Боқибилоҳ Беранг (1563–1603) асос солган аҳория-нақшбандия маркази қисқа вақт ичида ўз таълимотини бутун Ҳиндистонга ёйишга эришди. Бу ерда, кейинчалик, нақшбандиянинг турли тариқатлар, эътиқодлар ва фалсафий қарашлар таъсирига тушиб қолганини кўриш мумкин. Шу даврларда Ҳинд ва Туркияда сон-саноқсиз суфий тоифалари, турли усуллар ва қонун-қоида, расм-руsumларни тарғиб этиш орқали суфийлик мартаба-мақомларини эгаллашга даъват этувчи таълимотлар пайдо бўлди. 1935 йилда Қоҳирада чоп этилган Мұҳаммад бин Али ас-Санусийнинг «Ас-Салсабил ал-маъин фи-т-тароқ ал-арба’ин» асарида ўша даврда Ҳиндда мавжуд бўлган қирқ тариқат таълимотининг моҳияти очиб берилган. С.Ж. Тримингэм шу даврда мавжуд бўлган тариқатларга баҳо берар экан, ёзади: «Ҳиндистондаги ҳеч бир тариқат атрофдаги диний муҳит таъсиридан ҳоли қола олмасди. Кўпчилик тармоқлар турли ирфоний таълимотлар ва зиддиятли оқимларнинг ғояларини ўзига сингдириб, омихталашиб кетдилар. Қаландарлар хилидаги сон-саноқсиз дарвишлар пайдо бўлди».⁹⁷ Албатта, хорижда ривожланган бу таълимотлар Хитой, Афғонистон, Эрон, Ҳиндистон ва Туркия билан савдо ва умумий миграция ҳудудига эга

⁹⁷ С.Ж.Тримингэм. Суфийские ордены, стр. 87.

бўлган Мовароуннаҳрнинг ижтимоий-маънавий ҳаётига ҳам ўз таъсирини ўтказиб тургани табиий. Афсуски, тарих, тасаввуфга оид мавжуд адабиётлар ва манбалар ичida XVI–XVIII асрларда Мовароуннаҳрда мавжуд бўлган тариқатлар ҳақида тўлиқ тасаввур берадиган салмоқли асарга кўзимиз тушмади. Ҳозирча шу давр маънавий муҳити ҳақида тасаввур берадиган манбалар – бу Сўфи Оллоёрнинг асарлари ва Тожиддин Ёлчиғул ўғли томонидан «Сабот ул-ожизин»га «Рисолаи Азиза» номи билан ёзилган шарҳдир. Шориҳ Сўфи Оллоёр «Сабот ул-ожизин»да танқид қилган фирмә ва оқимлар шарҳида ўша пайтларда кенг тарқалган 14 та бидъат таълимат устида тўхталиб ўтади.⁹⁸ Албатта, уларнинг гояла-ри атрофлича очиб берилиган деб бўлмайди. Ёлчиғул ўғли, асосан, Сўфи Оллоёр байтлари мазмунига мувофиқ бидъат таълимотларнинг халқ мағкураси ва маънавиятига жиддий зарар етказган жиҳатларинигина кўрсатиш билан кифояланган. Сўфи Оллоёр асарларида ва «Рисолаи Азиза»да номи тилга олинган тариқатларга доир қўшимча маълумотлар ҳозирги даврда чоп этилган тасаввуф тариқатларига бағишланган тадқиқотларда учрамади. Кейинги тадқиқотлар ушбу мавзуга ойдинлик киритар, деган умиддамиз. Сўфи Оллоёр ёзади:

*Фараз, эй бандалар, нозир бўлинглар!
Ёмон йўл фирмага ҳозир бўлинглар!
Бани одамда бордир бир фариқа,
Тутарлар ўзларин аҳли тариқа.
Алар шаръи Набининг душманидур,
Аларни оти, яъни Равшанийдур.
Алар ўзларига ориф қўюб от,
Ўқурлар омиларга яхши абёт.
Валекин айтшишур беҳуда маъни,*

⁹⁸ Рисолаи Азиза, 137-138-бетлар.

*Ўзини йўлига солмоққа, яъни.
Уларда бўлмагай ҳеч яхши ният.
Аёлу аҳлида бўлмас ҳамият.
Аларни феълини ким яхши билди,
Бўлуб кофир, ёнар ўтиқа ииқилди.*

Ёлчиғул ўғли Равшанийларни балхлик Ибн Сафвон Равшаний номи билан боғлайди. Унинг шарҳида кўрса-тилишича, Ибн Сафвон ўз таълимотини, асосан, Туркис-тонда – Бухоро ва Қашқар ўлкаларида ёйган. Шориҳ унинг бидъатлари Қозонга ҳам етиб келгани ва ҳатто унинг даврида ҳам булғор вилоятининг баъзи чеккала-рида сақланиб қолганилитини айтиб ўтади. Равшанийлар жаҳрия зикр билан шуғулланганлар, «жазба аҳлимиз» дея девона қаландар бўлиб шаҳарма-шаҳар, қишлоқма-қишлоқ изғиб юрар эканлар. Ёлчиғул ўғли уларнинг мазҳаби моҳиятини шундай тасвирлайди: «Ўзини тасав-вуф аҳлидан деб ҳисоблайдиган бу гуруҳларнинг энг каттаси «Ҳуруфийлар»дур. Улар икки хилдир. Бирисин «ҳуруфий ул-фаръий» ва иккинчисини «ҳуруфий ул-ас-лий» дерлар. Биринчиси авбошийлар ва кейингиси рав-шанийлар мазҳаби билан машҳурдирлар. Улар бир-бир-ларини ориф деб чақиришади. Сўзларини турли ҳикмат-ли байтлар билан безайдилар. Оқшомлари жам бўлишиб, турли мусиқа асбоблари – даф (доира), най, қўбизлар чалиб, охират ҳолини баён этувчи ҳикматлардан сўйлайдилар. Йигилган хотинлар ва ёш йигитлар жўр бўлишиб, ашула айтадилар. Айтишларича, бу тоифа бир-бирла-рига севги изҳор қилгувчилардир. Бир-бирларидан хотинларини аямаслар. Шариат олимларини душман би-лурлар. Намозни севмаслар ва айтурлар: «Кимки бизнинг мажлисимиизда бир кеча иштирок этса қирқ йиллик ибо-дат савобини олади».

XVI–XVII асрларда Ўрта Осиё, хусусан, ҳозирги Ўзбе-кистон ҳудудида кучли мавқега эга бўлган нақшбандия ва яссавия мактаблари фаолиятининг сиёсийлашуви на-

тижасида, улар подшоҳлар ва аслзодаларнинг, ҳокимларнинг тарбиячилари га айланиб қолганлар. Халқ орасида юғор маънавий тарбиянинг олиб борилиши савиясига эътибор берилмай қолган. Натижада, оддий халқ ичидаги юзлаб сохта шайхлар, сохта эшонлар пайдо бўлган. Руҳий маънавий озуқага муҳтож аҳоли «улуг пир», «дастгир Валий» ниқоби остида ташқаридан кириб келган кассоб кимсаларнинг «каромат»ларига ишониб, уларнинг тилёғламалик билан ишонтирилган бидъат таълимотларга эргаша бошлади. Баъзи сохта таълимотлар масалан, «равшания» деган тариқат Имом Аъзам мазҳабига тўғри келмайдиган ғояларни сингдиришга ҳаракат қила бошлаган, ҳатто аёллар ва эркакларни бир жойга йигиб, турли сухбатлар ташкил қила бошлаган. Бу эса исломга зид урфодатларнинг жонланишига ва аҳоли ўртасида исломий эътиқоднинг сусайишига олиб келди.

«Сабот ул-ожизин» китобида Сўфи Оллоёрнинг халқпарвар зиёли, фидойи қалб соҳиби сифатида жамиятнинг нақадар аянчли ҳолатга келиб қолганини, залолатга ботиб, нафс қурбонига айланадётганини теран англаб етгани ва даҳшатга тушгани аниқ ифодаланган. Қуйидаги сатрларда бу яққол кўринади:

*Бу умматлар ажаб зиҳит этди ҳолин,
Ёнар бидъат билан суннат жамолин.
Баҳоимдек шин ичмак-емакдур,
Қуруг тил била умматмиз демакдир.*

Сўфи Оллоёр тасаввуф тариқатлари даги амалий риёзатлар инсонни юксак камолотга эриштиришини инкор этмайди. Аммо тасаввуф таълимотининг XVII асрга келиб турли бидъат қарашлар билан қоришиб кетгани ва Ўрта Осиё халқлари ақидасига, маънавияти-мафкурасига жиддий зарар етказаётганини кўргач, халқнинг ҳидоят йўлидан чалғиётганига ишонч ҳосил қилган дейиш мумкин. У жамият ислоҳ қилинмас экан, сохта авлиёлар нафс

илинжида халқни гумроҳ этиши, кўр-кўрона сифиниш оқибатида имон-эътиқодга штурм этиши мумкин эканлигини чуқур англаб етди. Нафс, таъма, ўғрилик, товламачилик авж олган, маърифат унугилаёзган, илм-фан та-наззулга юз туттган жамият тақдирига бепарво бўлиш унинг эътиқодига зид эди. Бу жирканч балонинг олди олинмаса, барчани ўз домига тортиши муқаррар бўлиб, бундан қутулиш чораси кучли раҳбар етакчилигида бидъатларга қарши ёппасига кураш эълон қилиш эди.

Сўфи Оллоёрнинг ўзи раҳбарлик вазифасини бўйнига олишига тўғри келган. «Маслак ул-муттақин» асари сўнгига шоирнинг Муҳаммад алайҳиссаломга қилган хитоби юқоридаги фикрларимизни аниқ тасдиқлайди.

«Маслак ул-муттақин»нинг 1700 йилда ёзилганини эътиборга олиб, Сўфи Оллоёр шу даврдан бошлаб сокин норозилик кайфиятидан онгли равищда кураш майдонига чиққан дейиш мумкин. Қуйидаги байтлар мазмуни шоирнинг қатъий қароридан дарак беради. Сўфи Оллоёр Пайғамбар алайҳиссаломга хитоб қилиб, дейди (шеър форс тилида ёзилгани ва кўп жойни эгаллаши учун унинг мазмунини келтиришни маъқул кўрдик):

Мазмуни: «Агар сенинг айтиб кетганларингни бажарип учун жонимизни жабборга бермасак, эрта қиёматда Сенинг юзингта қандай қарамиз. Эй, Худонинг ҳабиби, мен (курашга) белимни боғладим. Аммо мен аждарҳо комидаман. Аждарҳо комида ўтирган киши қутулишга қандай йўл топсин? Лекин биз умид қиласизким, аждарҳо комидан албатта қутулгаймиз».

Кўриниб турибдики, Сўфи Оллоёр ўзини жамият тақдирни учун масъуль деб билади ва ушбу кураш муқаррарлигини таъкидлайди.

Мутафаккир «Маслак ул-муттақин» асарининг ёзилишига сабаб бўлган нарсалар баёнида ўз даври ижтимоий-маънавий муҳитининг ислоҳ этилиши лозим бўлган қирралари билан таништиради :

*Ин сухан аз барои чандин вазисҳ,
Ба хусус, эй бародарон, з-ин вазисҳ.
Бу Ҳанифа, ки шамъи уммат буд,
Ба забони шакар чунин фармуд:
«Ончи имон ба ў дуруст ояд,
Эътиқоди кас он қадар бояд».*

Мазмани: Ушбу китобни ёзишга бир неча сабаб турткі бўлди. Хусусан, эй, биродарлар, шу сабабданки, уммат шамчироги бўлган Абу Ҳанифа ширин тили билан шундай деди: «Ҳар кимнинг имони қанчалик бақувват бўлса, унинг эътиқоди ҳам шу даражада бўлади».

Демак, китобнинг ёзилишига биринчи сабаб – халиқда ИМОН моҳиятини чукӯрроқ тушунтириш эди.

Халқнинг маърифатсизланиши ва ёт мағкуралар тузыгига тез илиниб қолишидаги асосий сабабни Сўфи Оллоёр ўзбек ва тожикларнинг ўз она тилларида ақида-вий ва фиқҳий масалаларни ўқиш имконияти йўқлигига деб билади. Дарҳақиқат, эътиқод масалаларига оид барча дарслик ва қўлланмалар араб тилида бўлиб, форс тилида ёзилгани ҳам мураккаб ибора ва ифода услубига эга эди. Уларни тушунишда маълум қийинчилликлар туғилар эди. Фақатгина мадраса кўрган, саводи яхши бўлган зиёлиларнинг чекланган гуруҳларигагина тушунарли эди, холос. Аммо саҳро ва шаҳар жойларда истиқомат этувчи кўпчилик авом халқ бу китобий ибораларни тушуниш у ёқда турсин, ҳатто ёзув-чизувдан деярли бехабар бўлиб, муайян қатлами фақат бошланғич маълумотга эга эди. Сўфи Оллоёр китобнинг ёзилишига туртки бўлган иккинчи сабаб шу эканлигини қайд этади:

*Важеҳи дигар з-толиби илмон,
Донанд онҳо далил сад чандон.
Дар шуруҳ, ҳавоши маълум аст,
Санги мушкел ба наздашон мум аст.
Дар биҳори улум амвожсано,*

*Ба чунин нусхаҳо на муҳтожсанд.
Порае, ки шекастапо ҳастанд,
Толиби шаръи Мустафо ҳастанд.
Фаҳмашон дар баёни Ҳақтаби,
Нанешинад ба нусхай араби.
Шояд, ки он ҳалқро муғид бувад,
Гуфтани ман ба ин умид бувад.*

Мазмуни: Иккинчи сабаби, илм толиблари юзлаб далилларни биладилар, «Шарҳ»лар ва «Ҳошия»лардан уларга маълум. Энг мушкул масалалар тоши улар наздида мум кабидир. Улар илм дентизларининг мавжла-ридиirlар ва бундай китобларга муҳтоҷ эмаслар. Аммо бу фанда оқсоқ бўлганлар борки, гарчи Пайғамбар шариатини ўрганишга иштиёқлари бўлса-да, ҳидоят ҳақидаги китоблар араб тилида бўлгани учун фаҳмлари етмайди. Менинг умидим, шояд айтганларимнинг ўша ҳалққа фойдаси тегса, дейман.

Учинчи сабаби асл исломий эътиқоддан чалғимаслик, ёт мағкураларнинг турли бидъат таълимотларига учмаслик, улар исботлашга уринаётган турли «илмий» қарашларнинг беҳудалигини таъкидлаш ва ақидавий-фиқҳий масалаларни Имом Аъзам Абу Ҳанифа мазҳаби доирасида ҳалққа тушунтириш мақсадида ёзилган:

*Fайр аз ин, дар китобҳо дидам,
Илми бихударо бегузидам.
Ин сабаб аз муҳолифон-и мазҳаб,
Накуշудам зи қавли онҳо лаб.
Лек андар фуруъ жон кандам,
Жони ширин барои он кандам.*

Мазмуни: Ундан ташқари, кўп китобларни кўрдим, беҳуда илмларни чиқариб ташладим. Шу сабабдан мазҳаб муҳолифлари қарашларини келтирмадим. Аммо фуруъ-фиқҳий масалаларни тўғри изоҳлаш йўлида ўзим-

ни аямадим ва шириң ҳаловатимни шу ишга бағишиладим.

Асарнинг форсийда битилганига қараганда, Сўфи Оллоёр дастлаб ўтроқ аҳолидан иборат шаҳар, қишлоқлардаги тожик ва ўзбеклар орасида иш олиб борган. Шу жиҳатдан ҳам «Маслак ул-муттақин»нинг тожикча, «Саботул-охизин» китобининг эса ўзбек тилида ёзилишидан кўзланган мақсад аниқ бўлади. Бу икки китобнинг оддий, содда тили ва таъсирчан руҳи халқ мафкурасига тез ва самарали таъсир кўрсатди. Улар ўзига хос панд-насиҳатнома, ёшларни тарбиялаш дастури, қўлланмаси сифатида ҳар бир хонадонга кириб борди. Шоирнинг:

*Ақида билмаган шайтана элдур,
Агар минг ўйл амал деб қиласа елдур.
Уялма маърифатни ўрганурдин,
Танур⁹⁹ жойинг бўлур қолсанг танурдин –*

каби чақириғи шаҳару қишлоқларда, чўлу саҳроларда, тоғ ёнбағирларида дунё ғамига берилган ҳар бир гумроҳ қалбда акс-садо берди.

Сўфи Оллоёр ижоди ва фаолиятини ўрганиш шундай фикрга олиб келдики, у жамиятни қайта тарбиялаш, унинг вужудини турли маразлардан даволаш, маънавияти булоқлари кўзини очиш ва халқ мафкурасини ёт унсурлардан тозалаш, ислоҳ қилиш ҳаракатларида аниқ дастур билан иш кўрган. Бу дастур мақсадини икки босқичли деб аташ мумкин. Биринчиси, инсон эътиқодини мустаҳкамлаш, аҳоли онгини ёт мафкуралардан, хурофий бидъатлардан тозалаш, сохта авлиёлар ва улар шахсига сифиниш иллатларини илдизи билан қўпориб ташлаш, иккинчиси, эътиқоди мустаҳкам, иллатлардан покланган, тозаланган Комил инсонни тарбиялаш. Сўфи

⁹⁹ тандир

Оллоёрнинг ушбу тозаланиш дастури икки йўналишда тарғибот ишларини олиб боришга асослангани ҳам яққол кўриниб туради. Бири, оддий халқ яъни – «авом ун-нос» ичida, иккинчиси, жамиятнинг зиёли табақаси орасида.

Дастурнинг биринчи йўналиши ҳақида унинг дастлабки асари «Маслак үл-муттақин»да баён этилган.

Авом ун-нос йўналишидаги ишлар Сўфи Оллоёр томонидан икки босқичда амалга оширилганини мушоҳада этиш мумкин.

Биринчи босқич халқни покланиш, тозаланишга даъват босқичи ишларида намоён бўлади. Иккинчи босқич эса ахлоқ ва маърифат тарбияси босқичи бўлиб, ҳушёр тортган халқни маърифатли қилиш, бузғунчи мағкураларга илм ва маърифат билан муносиб қарши тура оладиган онгли, эътиқодли шахсни камолга етказиш учун курашда кўринади.

Даъват босқичи

Дастлаб, у «лоқайдлик – эътиқодга хиёнат» шиори остида халқни уйғонишга чақирди. Жамиятни тезроқ жар ёқасидан қайтариш уни Ҳақ йўлига ўнгариш ҳар бир ватанпарвар фуқаронинг жамият олдидаги бурчи эканлигини тушунтиришга ҳаракат қила бошлади:

*Мусулмон ўғлини кўрсанг кўзингдек,
Зарарда, нафъда билсанг ўзингдек,
Қаю қулини мушингдек бўлса ҳоли,
Булур бешак мусулмонлиг камоли.
Агар чандики бўлса шубҳаи кам,
Раво кўрсанг ани ўз нафсингга ҳам.
Раво кўрма мусулмонега запхор,
Агар берсанг бандогоҳ, айла изҳор.*

Сўфи Оллоёрнинг иккинчи шиори «шахс ва жамият бир-бирига масъулдир» даъвати эди. У «агар ушбу бидъат ишларни ўзинг қилмасанг-да, аммо жамиятнинг ту-

банлашувига рози бўлиб, лоқайд бўлишинг айни гуноҳ-
дир, гуноҳ бўлганда ҳам, гуноҳларнинг энг оғири – куфр-
та тенгдир», дея бонг уради ва Абу Ҳанифанинг «куфр-
та ризо бўлишнинг ўзи ҳам куфрдир» деган машҳур ибо-
расини яна бир бор эслатади:

*Хиёнатким эрур пайдо кўнгилдин
Муни англа, диёнат берма қўлдин!
Наким, тушса кўнгилга ё кўзингга,
Раво кўрмасанг ул шини ўзингга,
Қаю шига ризо бўлсанг кўнгилда,
Агарчи қилмасанг, бўлсанг у йўлда,
Эрур исён¹⁰⁰ Ризоий¹⁰¹ чунки исён!
Ризоий куфрдир, куфр, эй, мусулмон!*

«Билиб туриб, йўл кўрсатмаслик – баҳиллик», – дей-
ди у. – «Баҳилликнинг ҳам, хиёнатнинг ҳам энг каттаси
– ҳалқ тарбиясидан ўзни четга олишдир»:

*Хиёнатнинг бари ҳам бўлди мавсуф.
Билиб, қилмаса ҳар ким амри маъруф.
Ва гар наҳий этмас мункар шини,
Хиёнатлиг дегил андог кишини!
Бирор йўл билмайин юзланса чўлга,
Билиб, гар солмасанг сан яхни йўлга,
Қаю инсоф эрур, қайси диёнат?!
Эрур андог улуг бухлу хиёнат!
Агар олингда тифле¹⁰² бўлса ногоҳ
Ёнар ўтга тушарин билсанг огоҳ,
Узатмас бўлсанг анга дасти алтоф,
Нечук бўлгай мусулмонлигда инсоф?!*

¹⁰⁰ исён – гуноҳ

¹⁰¹ ризоий /0 розилик

¹⁰² тифл – бола, гўдак

*Жамишы бандай мүймин саросар,
Эзурмиз бир-биримизга биродар.
Бирор чиқса тариқи охиратдин,
Үгурса юз мақоми магфиратдин,
Агар күрсатмаса йўл кўрган инсон,
Бахиллик мунидин ўтмас, эй, мусулмон!*

Сўфи Оллоёр ўз чақириғига жавоб берган дастлабки маслакдошларига халқ ичидаги «амри маъруф» яъни тўғри йўлни кўрсатиш ва «нахий мункар», яъни ёмон ишлардан қайтаришни буюради. Шу билан бирга, ҳар бир амри маъруфчи ўзи биринчи навбатда айтганларига амал қилмоғи лозимлигини, акс ҳолда натижага эришиб бўлмаслигини таъкидлаб, ўзининг учинчи – «ибрат ва риёсиз амал» шиорини ўртага ташлайди. Бу ислоҳотларда ўзи ва маслакдошлари олдинги сафда туриб, риёсиз амаллари билан ибрат бўлишиларини шарт деб билади:

*Ва лекин амри маъруф айлаган мард,
Ўзи бўлгай амаллиг соҳиби дард.
Агар омир¹⁰³ эмае росих¹⁰⁴ сўзига
Қачон таъсир этар ўзга кишига?!
Ишимиздур риёу ҳийла, тазвир,
Қилур айгон сўзимиз кимга таъсир?!*

Агар сен айтган билан тузалмаса, гуноҳи ўзига. Сен ишни тўхтатма. Кўлингдан ёки тилингдан келмаса, юриштуриш, маслак ва хулқинг билан бидъатларга қарши тур:

*Сан айгон сўнг туз бўлмаса ҳоли,
Ўзининг бўйнига ургай вуболи.
Очибдурсан биродарликни бобин,*

¹⁰³ омир – эга

¹⁰⁴ росих – асосли

*Топибсан амри маъруфни савобин.
Агар келмаса қўлдин ё тилингдин,
Ёмон кўр ул ишини жону дилингдин.*

Унинг чақириқлари ижтимоий иллатлар газак олган барча ерларда барадла акс-садо бўлиши ва саъй-ҳаракатлари кутилган натижаларни бериши учун халқни бошгоя атрофида бирлаштириш зарур эди.

Мутафаккир бу дунёда яшацдан мақсад фақат молдунё тўплаш, қийинчилликларсиз ҳузур-ҳаловатда яшаш ва дунё лаззатларини кўпроқ тотиб қолиш пайида бўлмаслигига диққатни қаратади. Қуръони каримда айтилади: «Дунё ҳаёти шунчаки бир ўйинчоқ, эрмак, зийнат, ўзаро керилиб, мақтамоғингиз ҳамда бойлик ва бола-чақа хусусида бир-бирингиздан ўтмоққа интилмогингиз бўлиб, ул бир ёғин кабидурким, (ундирган) экин-текини, ўт-ўланлари деҳқонларни таажжубга солади, кейин эрса, қарасант қуриб, сарфайиб синиқ чўп бўлиб ётади. Охиратда қаттиқ азоб берилмоғи бордир. Дунё ҳаёти алданмоққа сабаб бўладиган нарсадан ўзгаси эмас!» (Ал-Ҳадид сураси) Соғлом эътиқод ва унинг кўрсатмаларига қатъий амал қилиш инсонни фақат хайрли ишлар билан шугулланишга, маънавиятини эзгулик нурларига буркашига, ўткинчи дунё неъматларига тамомила берилиб кетмаслигига ёрдам беради. Нафс эса инсонни ҳамиша соғлом эътиқодга зид ишларга ундейди.

Сўфи Оллоёр беш кунлик бу дунёning лип этиб ўтиб кетиши, не азоблар, турли йўл ва воситалар билан то-пилган мол-давлатнинг охират учун фойдасизлиги, у дунёда фақат амаллар юзасидан сарҳисоб қилинишидан огоҳлантиради.

Сўфи Оллоёр инсонларни ақл-ҳушни йигишга, гуноҳ йўллардан қайтишга ундейди:

*Сочилмасдан бурун сочгил ўзингни!
Сўралмасдан бурун сўргил ўзингни!*

*Қозилмай ер санга, қайт озгонингдан!
Ёзилмай иқдалар, ён ёзгонингдан!
Бақодур дема айши бебағони,
Яқони тут, ажсал туттмай яқони!
Макон этган ерингдур мухталит лой,
Насиҳат гүша олсанг, гүша тут жой!
Ёниб айшу тараффин, иста Раббин,
Ўзин билган қачон қолгай талабдин!*

Тавба – бу Ҳақ субҳонаҳу ва таолони танишга қўйилган илик қадамдир.

Сўфи Оллоёр тавба қилиш ҳақида «Сабот ул-ожизин»-нинг бир неча ўринларида тўхтатган. Бу эслатмалар тобора қатъийлашиб бориши билан инсон онгига кучли руҳий таъсир кўрсатади.

Сўфи Оллоёр бутун жамиятни маънавий янгиланиш йўлида бирлашишга чақиради. Унинг назарида, бу Ра-сулуллоҳ суннатларидан четлашмасликнинг ягона йўлидир.

Сўфи Оллоёр умумий покланишга киришишга халақит берувчи инсон табиатига хос бўлган айrim руҳий ҳолатлар, жумладан, орланиб илм ўрганмаслик, жамоада тутган мавқеи ва мақоми залворидан амри маъруф, наҳий мункар, панд-насиҳатларга қулоқ тутмаслик каби салбий жиҳатларни йўқотиш учун жуда кескин даражадаги огоҳлантириш усусларини қўллайди. Жумладан, қўйидаги сатрларда ё Оллоҳ маърифатини ўрганиш ёки дўзах ўтини танлаш лозимлиги ва бундан бошқа йўл йўқлиги таъкидланган:

*Уялма маърифатни ўрганурдин,
Танур жойинг бўлур, қолсанг танурдин!*

Инсон ҳулқи ва фикри унинг ўз ихтиёри билан шаклланади. Маълумки, жамият мафкураси ва муҳит инсон онгини шакллантирувчи асосий омиллардандир. Шунга

биноан имон ва эътиқод нури кўпайиши ёки сустлашиши мумкин. Демак, имон унинг хулқи ва сўзида намоён бўлади. Хулқи ва сўз эса инсоннинг туриш-турмуши ва қилаётган амалларида шаклланади. Эзгу амал инсонни камолотга олиб чиқадиган воситадир. Комил инсонгина *Аллоҳ* севгисига мұяссар бўлади.

«Сабот ул-ожизин»да жамият тарбиясининг ўзак қоидалари бўлмиш ҳалоллик, гўзал ахлоқ ва меҳроқибатни шакллантиришга алоҳида эътибор берилган. Сўфи Оллоёр Қуръон таълимоти ва Расулуллоҳ ўйтла-рини шеърга солар экан, яхши хулқли инсонгина Оллоҳ файзидан баҳраманд бўлишини эслатади:

*Кўнгил Ҳақ файзига бўлсин десанг чок,
Ки аввал марта, хулқингни қил пок.*

Ҳаромдан сақланиш – инсоннинг аъло фазилатидир. Ҳаром луқма – ҳаром йўл билан топилган луқмадир! Ҳалол бўлсанг, тоатинг қабул бўлади:

*Ема зарра ҳаром оғуита нондин,
Бўлур чоҳи најасас бир қатра қондин.*

Ҳаром – бу фақат ман этилган егуликлар эмас, балки ман этилган хулқлардир ҳам! Бирорни ҳақоратлаш, фийбат қилиш, фисқ-фасод тарқатиш тилдан келадиган оғатлардир. Қуйидаги ўтли мисралар бугун ҳам ўз аҳамиятини йўқотмаган:

*Ёмон тил гоҳ саргартиур юзингни,
Тубан бошингни, термултираф қўзингни.
Ёмон тил икки оламда зарардур,
Гаҳи исён, гаҳи хавфу хатардур.*

Меҳроқибат ҳар биримизнинг ўзаро муносабатларимизда кўринмас экан, бу фоний дунёга ҳануз асир экан-

лигимииздан далолат беради. Бойликни киши төтмайды, у Худонинг иноятидир! Инсон шам янглиғ бирорларни ёритиш учун ўзи камайиб бормоғи лозим. Меҳр-оқибат кўрсатиши – имондандир. Улуғ суфий бобомиз ёзади:

*Кини молинки беҳӯсон емасдур,
Худони фазлидур, дунё эмасдур.
Кишиши эътиқоди бўлса солим,
Демас, гўру кафанликдур бу молим!
Агар кўз ёшича сук топса анда.
Китур ярмини эҳсон яхши банда.*

Манманлик ва кибр – риёкорликни келтириб чиқара-
диган энг қабиҳ феъллардир, дейди Сўфи Оллоёр. Тоат-
ни хушуъ билан бажарсангу сўнг бу билан мағрурлан-
санг, бу ҳам гуноҳ. Тоат суфийни Ҳақ субҳонаҳу ва тао-
лога яқинлаштираса, кибр узоқлаштиради:

*Кўзунгдин айла гафлат уйқусин дур,
Ва лекин бўлмагил тоатга мағур.*

Комил бўлай десанг, ўзингни хор тут, кибрга қарши
тавозеъни касб қил. Дарахтнинг меваси қанчалик кўп
бўлса, шунчалик эгилиб туришидан ибрат олмайсанми?

*Агар чандики гавҳарпорадурсан,
Яқин бил, бандай бечорадурсан.
Ҳамишиа бандадандур зори қилмоқ,
На ҳаддур, бошини юқори қилмоқ.*

Хўлоса сифатида шуни айтиш мумкинки, «Сабот ул-
ожизин» асари айни ана шу кураш дастурини амалга
оширувчилар учун изчил қўлланма ва ниҳоятда катта
тарбиявий аҳамиятга эга бўлган йўриқнома эди.

ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

МАНБАЛАР

1. Абу Али Ибн Сино. Фалсафий қиссалар. Нашрга тайёрловчи ва таржимон А.Ирисов. –Тошкент: Ўзбадабийнашр, 1963.
2. Абу ал-Ҳасан ал-Ашъарий «Мақолот». Қоҳира. 1950 (араб тилида).
3. Абу Наср Сарроҷ. Китаб ал-Лума фи ал-тасаввуф. Р.Никольсон нашри, Лейден, 1914.
4. Абу Райхон Беруний. ал-Асита ва-л-Ажиба. С.Ҳ.Наср ва М. Моҳезеҳ таҳрири остида. –Техрон: 1973.
5. Абу Ҳомид Ғаззолий. Кимёи саодат. Нашрга тайёрловчи Маҳкам Андижоний. Абдуллоҳ Умар Тошкандий. –Тошкент: 2005.
6. Абу Ҳомид Ғаззолий. Эҳёу улум ад-дин. А.Азимов ва тарж. гуруҳи, –Тошкент: 2003.
7. Абу Ҳомид Ғаззолий. Эҳёу улум ад-дин. Таржимон Фиёсиддин Жалол. –Тошкент: 2005.
8. Али Акбар Ҳусайнний. Мажмуат ул-авлиё. Қўллэзма. ЎзФАШИ. инв. № 1333.
9. Алишер Навоий. Насойим ул-муҳаббат. МАТ, 17-жилд, –Тошкент:
10. Аҳмад Сирҳиндий. Мабда ва маод, Тошбосма. Ҳинд.
11. Аҳмад Сирҳиндий. Мактубот 1-3 жилд: ЎзФАШИ, Қўллэзмалар фонди №5858, №5036, №6268, №10785, №10742, №10548-1, №10951, №11241, №11021.
12. Жомий. Нафаҳот ал-унс. Тазкира. Қўллэзма. Шахсий кутубхона.
13. З.М.Бобур. Бобурнома. –Тошкент: Юлдузча. 1989
14. Марғиноний Б. «Ҳидоя». 1-жилд. –Тошкент: Адолат. 2000.
15. Муҳаммад Ҳошим Кишимий, «Насойим ул-қудс». Қўллэзма. Шахсий кутубхона.
16. Муҳийиддин ибн ал-Арабий. Фусус ал-ҳикам. –Байрут: 1980.
17. Насафий Азизиддин. Зубдат ул-ҳақойиқ. –Тошкент: 1995.
18. Сирҳиндий. Маорифи ладуния. ЎзФАШИ, Қўллэзмалар фонди №482-5, №1488-3, №5655-2 .
19. Сирҳиндий. Рисола дар ради равофиз. ЎзФАШИ, Қўллэзмалар фонди №482-6. ҳижрий 1079 йилда кўчирилган.
20. Сирҳиндий. Мабда ва маод. ЎзФАШИ, Қўллэзмалар фонди №2274-1, №482-1, №517-1, №5473-1, №3996-4, №7517-5, №5505-3, №505-3.

21. Суламий. Табақот ас-суфия, Н.Шариба таҳрири остида, – Қоҳира: 1953.
22. Форобий. Рисолалар. –Тошкент: 1975.
23. Куръони карим. Ўзбекча изоҳли таржима. Таржима ва изоҳлар муаллифи Абдулазиз Мансур. –Тошкент: 2001, 2004.
24. Қушайрий. Рисола. –Қоҳира: 1930.
25. Ҳужвирий. Кашф ул- маҳжуб. Р. Никольсон таржимаси. – Лондон: 1936.

Ўзбек тилидаги адабиётлар

1. Алиқулов Ҳ. Жалолиддин Давоний. –Тошкент: 1992.
2. Алиқулов Ҳ. Жалолиддин Давоний. –Тошкент: 1992.
3. Ашараи мубашишара (Мұхаммад пайғамбарнинг 10 саҳобаси ҳақида қисса). Нашрга тайёрловчи А. Ҳакимжонов. –Тошкент: 1994.
4. Булгаков П.Г. Абу Райҳон Беруний. –Тошкент: «Фан», 1973.
5. Буюк сиймолар, алломалар (Ўрта Осиёлик машҳур мутафаккир ва донишмандлар) 1-китоб. Нашрга тайёрловчи акад. М.Хайруллаев. –Тошкент: 1995.
6. Имом ал-Мотуридий ва унинг ислом фалсафасида тутган ўрни. Халқаро конференция материаллари. –Самарқанд: 2000.
7. Исҳоқов С. Бурҳониддин Марғиноний ва фикҳ илми. –Тошкент: Адолат, 2000.
8. Комилов Н. Тасаввуф ёки комил инсон ахлоқи. Биринчи китоб. –Тошкент: 1996.
9. Комилов Н. Тасаввуф: Тавҳид асрори. Иккинчи китоб. – Тошкент: 1999.
10. М. Иномхонов. Маълоно Лутфуллоҳ Чустий/ «Имом ал-Бухорий сабоқлари», 2/2000.
11. Мансур А. Имом Аъзам – буюк имомимиз. –Тошкент: 1999.
12. Маҳмуд Асъад Жӯшон. Ислом, тасаввуф ва ахлоқ. Туркчадан С.Сайфуллоҳ тарж. –Тошкент: 1999.
13. Нуритдинов М. Тафаккур шуълалари. –Тошкент: 1998.
14. Обидов Р. Куръон, тафсир ва муфассирлар. –Тошкент: Мовароуннаҳр, 2003.
15. Ризоуддин ибн Фахруддин. Хулафои рошидин. Ислом тарихидан тўрт лавҳа. –Тошкент: 1992.
16. Сайид Мұхаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Н.Комил таржимаси, –Тошкент: 2003.

17. Саййид Мұҳаммад Хотамий. Ислом тафаккури тарихидан. Форсчадан Н. Комил тарж. –Тошкент: 2003.
18. Саодат қалити (пайғамбаримизнинг юқсак ахлоқлари ва ибратли ҳаётларидан лавҳалар). Нашрға тайёрловчи Й. Эшбек. –Тошкент: 2001.
19. Сулаймонова Ф. Шарқ ва Фарб. –Тошкент: Ўзбекистон, 1997
20. Туар Ү. Тасаввүф тарихи. Туркчадан Н. Ҳасан тарж. – Тошкент: 1999.
21. Уватов Ү. Имом ал-Мотуридий ва унинг таълимоти. – Тошкент: Фан, 2000.
22. Уватов Ү. Мұслим ибн ал-Ҳажжож. –Тошкент: 1995.
23. Уватов Ү. Мұҳаддислар имоми. –Тошкент: 1998.
24. Ульрих, Рудольф. Ал-Мотуридий ва Самарқанд суннитик иләҳиәти. –Тошкент: 2001.
25. Фалсафа. Қысқача изоҳли луғат, –Тошкент: «Шарқ», 2004.
26. Ҳасаний М., Қиличева К. Фиждувоний илм аҳллари хоти-расида. –Тошкент: 2003.
27. Шайх Нажмиддин Кубро: Мақолалар. Мас. муҳ. Э. Юсу-пов. –Тошкент: 1995.
28. Қадимги ва ўрта аср Фарбий Европа фалсафаси. –Тош-кент: 2003.
29. Қодиров З. Имом Аъзам (ҳаёти ва фиқҳ усуллари) –Тош-кент: Мовароуннаҳр, 1999.
30. Қориев О. Ал-Марғиноний–машҳур фиқҳшунос. –Тош-кент: 2000.

Рус тилидаги адабиётлар

1. Абу Райхан Беруни. Избр. произведения. –Ташкент: 1963.
2. Бертельс Е. Суфизм и суфийская литература // Избр. тру-ды: Т. 3. –Москва: 1965.
3. Болтаев М. Абу Али ибн Сина – великий мыслитель, ученый энциклопедист средневекового Востока. –Ташкент: 1980.
4. Васильев Л. История религий Востока. –Москва: 1999.
5. Г.Э. фон Грюнебаум. Классический ислам (600-1258) –Мос-ква: 1988.
6. Гуннар Скирбекк, Нилс Гиле. История философии. –Мос-ква: «ГИТС Владос», 2000.
7. Игнатенко А. В поисках счастья. –Москва: 1989.

8. Майоров Г.Г. Формирование средневековой философии. М.: 1979
9. Наумкин. Абу Хамид ал-Газали. –М.: 1980
10. Переселение душ. Сборник статей. –Москва: 1994.
11. Плотин. Избранные тракты. –Минск-Москва: 2000
12. Свет из глубины веков. // Отв. ред. А.Азизходжаев. –Ташкент: 1998.
13. Степанянц М.Г. Восточная философия. –Москва: 2001.
14. Суфизм в контексте мусульманской культуры: Сборник статей / Под ред. Н.Пригарина. –Москва: 1989.
15. Ульрих, Рудольф. Аль-Матуриди и суннитская теология в Самарканде. Алматы, 1999.
16. Учение ал-Матуриди и его место в культуре народов Востока. Сборник докладов участников междунар. конф., провед. 19-20 ноября 1999 г. –Ташкент: 2000.
17. Хайруллаев М. Фараби: эпоха и учение. –Ташкент: 1975.
18. Юнт К. Архетип и символ. –Москва: 1991.

Инглиз тилидаги адабиётлар

1. A History of Muslim Philosophy. vol. 1. Wiesbaden, 1963. Ed. by M.M.Sharif.
2. A.J.Arberry, Avicenna on Theology. London, 1951
3. Ali Hasan Abdel-Kader, The Life, Personality and Writings of al-Junaid. London, 1962.
4. Conze, Edward. Buddhism: a short history. Oxford, 2000.
5. Corbin H. Creative Imagination in the Sufism of Ibn Arabi. Princeton, 1969
6. Delli, David. Guide to Hindu religion. Boston, Mass. 1981.
7. Dictionary of the Middle Ages, Vol. 2, Collier Macmillan Canada Press, New York, 1988.
8. Djahangir. Tuzuk-i Djahangiri. Ed. Sayed Ahmad Khan, Aligarh 1281/1864
9. Edward Tylor. Religion in primitive culture. Gloucester, Mass.: P.Smith, 1970.
10. Eller. Meredith. The beginning of the Christian religion: a guide to the history and literature of Judaism and Christianity. London, 1924.
11. Fakhry Majid. A history of Islamic philosophy. Columbia University Press, 1970.

12. **Frank R.M.** The Neoplatonism of Gahm Ibn Safwan//Le Museon N78, 1965.
13. Glesenapp, Helmuth von. Buddhism-a non-theistic religion. London, 1970.
14. **H.Corbis**. Avicenna and Visionary Recital. New York, 1960.
15. Khan Sahib Khaja Khan, Studies in tasawwuf, Madras, 1923
16. Khalid Ahmad Nizami. A History of Sufism in India. Vol II
17. Muhammad Lutfi al-Jum'ah. History of Islamic Philosophy in the East and West, Cairo, 1966.
18. Oliver Leaman. An introduction to medieval Islamic philosophy. Cambridge University Press, 1984.
19. **R.Hartman** «Al-Sulami's Risalat al-Malamatiyya». In: Der Islam, Vol. 8 (1917-18).
20. **R.W.Bulliet**. The Patricians of Nishapur .Cambridge:Harvard University Press,1972
21. Read Carveth. Man and his superstitions. 2nd ed. London: Senate, 1995.
22. S. Sviri. «Hakim Tirmidhi and Malamati Movement in Early Sufism». In: Classical Persian Sufism from its Origins to Rumi/Ed. by L. Lewison. London,1993
23. **S.H. Nasr**. The Islamic Intellectual Tradition in Persia. Gurzon Press, 1996
24. Seyyed Hossein Nasr. An Introduction to Islamic Cosmological Doctrines, Cambridge (USA), 1964.
25. Seyyed Hossein Nasr. The islamic intellectual tradition in Persia. Gurson Press, 1996.
26. Seyyed Hossein Nasr. Three Muslim sages, Cambridge, 1964.
27. Shaykh Fadhlalla Haeri.The Elements of Sufism. UK,Longmead, Shaftesbury,Dorsei,1990
28. Smith M. Studies in Early mysticism in the Near and Middle East, London, 1931.
29. Smith, Jonathan. Imagining religion: from Babylon to Jonestown, Chicago, 1982.
30. T.Izutsu. The Concept and Reality of Existence, Tokyo, 1971.
31. The History of Philosophy:East and West. London. 1953.
32. The Malamatiyya Epistle Roquer Deladriere: Sulami: la lucidite Implacable (Epitre des hommes u blame). Paris: Arlea. 1991.

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3
Абу Мансур Мотуридий.....	5
Тасаввуф дарғалари	18
Фаззолий таълимоти	34
Шиҳобиддин Сұхрavarдий ва унинг ишроқ фалсафаси	55
Хожа Аҳрорнинг ҳиндистонлик издошлари	74
Шайх Аҳмад Сирҳиндий	80
Сўфи Оллоёр	93
Фойдаланилган здабиётлар	127

Адабий-бадиий нацир

ШУҲРАТ СИРОЖИДДИНОВ

ИЛМ ВА ТАҲАЙІЛ САРҲАДЛАРИ

Муҳаррир Гавҳар МИРЗАЕВА

Тех. муҳаррир Вера ДЕМЧЕНКО

Бадиий муҳаррир Уйғун СОЛИХОВ

Мусахиҳ Зокир ЗАМОНОВ

Компьютерда саҳифаловчи Феруза БОТИРОВА

Босишига 31.10.2011 й.да руҳсат этилди. Бичими 84x108 1\32.

Босма тобоги 4,125. Шартли босма тобоги 6,93.

Гарнитура «LexTimes Суг+Uzb». Офсет қоғоз.

Адади 1000 нусха. Буюртма № 279.

Баҳоси келишилган нархда.

«Янги аср авлоди» НММда тайёрланди.

Лицензия рақами: А1 № 198. 2011 йил 28.08 да берилган.

«Ёшлар матбуоти» босмахонасида босилди.

100113. Тошкент, Чилонзор-8, Қатортол кӯчаси, 60.

Мурожасат уч. и телефонлар:

Нашр бўлими – 278-36-89; Маркетинг бўлими – 128-78-43

факс – 273-00-14; web-сайтимиз: www.ibook.uz

e-mail: yangiasr@ibook.uz; yangiasravlodij@mail.ru